

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЙОРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ
қайта тайёрлаш ва малака ошириш
йўналиши

**“ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ ВА ҲАЛҚАРО-
ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ”**

модули бўйича

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент - 2017

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар:

Тошкент давлат юридик университети Давлат хуқуқи ва бошқаруви кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди, доцент Эргашев Восид Ёкубович;
Тошкент давлат юридик университети Давлат хуқуқи ва бошқаруви кафедраси доц. в.б., юридик фанлар номзоди Хайитов Хушвақт Сапарбаевич;
Тошкент давлат юридик университети Ҳалқаро оммавий хуқуқ кафедраси мудири Борсиева Замират Хасанбековна.

Такризчи:

Тошкент давлат юридик университети ТДЮУ “Бизнес хуқуқи” кафедраси мудири, ю.ф.н И.Рустамбеков

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг 2017 йил 30 авгуустдаги 1-сонли қарори билан нашрға тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	25
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	127
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	147
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	158
VII. ГЛОССАРИЙ	161
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	172

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур модул Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1990-сон ва 2017 йил 28 апрелдаги “Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2932-сон Қарорларига ҳамда 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонига мувофиқ тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илгор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўниммаларини такомиллаштиришни мақсад қилган ҳолда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини, билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур модулнинг ишчи ўқув дастури таркибида модулнинг мақсади ва вазифалари, назарий ва амалий билимларнинг мазмуни, мустақил ишнинг ҳажми ва мазмуни, ўқув-услубий адабиётлар ҳамда баҳолаш мезонлари қамраб олинган.

Ишчи ўқув дастурида фан-техника, технологиянинг сўнгги ютуқлари, олий таълим ривожланишининг жаҳон тенденцияси, республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизлик ўз аксини топган.

Мазкур дастур давлат-хуқуқий ва халқаро-хуқуқий фанларнинг долзарб мавзулари асосида шакллантирилган масалаларни қамрайди.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари педагог ходимларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўниммаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, шунингдек давлат-хуқуқий ва

халқаро-хуқуқий фанларга оид бўлган долзарб мавзуларни таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Давлат-хуқуқий ва халқаро-хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт” модулининг **мақсади**: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини конституциявий, маъмурий ва ҳалқаро хуқуқнинг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, ушбу хуқуқ соҳаларининг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Давлат-хуқуқий ва халқаро-хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт” модулининг **вазифалари**:

- конституциявий ва маъмурий хуқуқнинг асосий масалалари юзасидан чукур билим олишни таъминлаш;
- турли конституциявий ва маъмурий хуқуқ институтларни танқидий таҳлил этиш ва баҳолаш учун зарурӣ билимлар асосини таъминлаш;
- мантиқий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш;
- конституциявий ва маъмурий хуқуқий муносабатларга оид қонунларни амалда қўллай олиш кўникмасини шакллантириш;
- ҳалқаро муносабатларни ҳалқаро-хуқуқий тартибга солиш, шунингдек уларни ҳал этиш усуллари билан боғлиқ бўлган амалий муаммоларни таҳлил қилишда олий таълим муассасалари педагог кадрларнинг фан тушунчаларини қўллай олишини шакллантириш;
- модулнинг муҳим бўлим ва мавзулари бўйича ҳалқаро хуқуқ манбаларини таҳлил этиш, мунозараларда қатнашиш, маърузалар билан чиқиш қилиш кўникмасини ривожлантириш;
- олий таълим муассасалари педагог кадрларда ҳалқаро конвенциява келишувларни қўллаш бўйича амалий кўникмаларини ривожлантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Давлат-хуқуқий ва халқаро-хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- фаннинг назарияси, қонуниятлари ва асосий тамойилларини;
- давлат-хуқуқий, ҳалқаро-хуқуқий фаолият соҳаларига тегишли норматив-хуқуқий хужжатлар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни;
- давлат-хуқуқий, ҳалқаро-хуқуқий фаолият соҳаларига хуқуқ соҳаларига оид норматив-хуқуқий хужжатларни яратиш, уларни

экспертиза қилиш, юридик конфликтларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий усул ва воситаларини;

- давлат-хуқуқий, халқаро-хуқуқий ҳуқуқий фанларни ўқитишининг ўзига хос жиҳатларига, ушбу фанлар бўйича модулли ўқитиш тизими ва унинг қисмларига, маъруза ўқишнинг интерфаол усулларини ушбу фанларан маъруза ўқишида қўллашни, кейс-стади асосида дарс ўтишни;

- конституциявий, маъмурий ва халқаро ҳуқуқ соҳалари ва фанлари ривожланишининг устувор йўналашлари, ушбу ҳуқуқ соҳаларининг назарий фундаментал асослари бўйича;

- ҳуқуқий фанлар бўйича инновацияларни, шунингдек ўкув жараёнини ташкил этишининг замонавий услубларини;

- давлат-хуқуқий, халқаро-хуқуқий фаолият соҳаларига оид интернет тармоғида мавжуд илмий янгиликларни;

- ўкув жараёнида назарий тайёргарликни ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлашни;

- адлия, суд, прокуратура, ички ишлар органлари ва адвокатура амалиёти тўғрисидаги маълумотларни;

- давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш ҳақидаги маълумотларни;

- ҳуқуқий ахборот тизимларини қўллаш метод ва воситаларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- давлат-хуқуқий, халқаро-хуқуқий фаолият соҳаларига тегишли фанларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- давлат-хуқуқий, халқаро-хуқуқий фаолият соҳаларига тегишли фанларнинг истиқболи ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- давлат-хуқуқий, халқаро-хуқуқий фаолият соҳаларига оид қонунчиллик нормаларини, илмий ва амалий тадқиқотларни ўкув жараёнида қўллай олиш;

- давлат-хуқуқий, халқаро-хуқуқий фаолият соҳаларига тегишли фанларни ўқитишида замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини ўкув жараёнига фаол тадбиқ этиш;

- давлат-хуқуқий, халқаро-хуқуқий фаолият соҳаларига тегишли фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- ҳуқуқий хужжатлар (норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари, процессуал хужжатлар, юридик хulosалар, хизмат хатлари ва ҳоказо) тайёрлай олиш;
- ҳуқуқий фанларни ўқитишида таълим беришнинг модулли тизимидан кенгроқ файланиш;
- ҳуқуқий фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- ҳуқуқий фанларни ўқитишида амалиёт материалларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда таҳлилий фикрлаш;
- республикамиздаги ва хорижий давлатлардаги ҳуқуқий фанларга тегишли илмий ютуқларни, махсус адабиётларни ва бошқа ахборотларни ўрганиш;
- давлат-ҳуқуқий, халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига оид масалаларни тизимли таҳлил қилиш;
- ҳуқуқий ахборот тизимларини касбий фаолиятида қўллай олиш;
- маълумотлардан фойдаланиш, уларни жойлаштириш ва саралаш;
- ҳуқуқий фанлар доирасида тақдимотлар яратиш;
- мустақил ва масофавий таълимни ташкил этишида видео маъruzаларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- давлат-ҳуқуқий, халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига оид норматив-ҳуқуқий хужжатларни, ўқув адабиётларини таҳлил қила олиш;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва қонуности хужжатлари мазмунини билиш ва уларни амалда қўллай олиш;
- давлат-ҳуқуқий, халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига тегишли норматив-ҳуқуқий хужжатларни шарҳлаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;
- давлат-ҳуқуқий, халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига тегишли амалиёт материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотлар асосида тегишли хulosса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- суд хукмлари, ажримлари ва қарорларини процессуал ҳуқуқ нуқтаи назаридан таҳлил қила олиш;
- давлат-ҳуқуқий, халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳаларига оид хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қила олиш;
- ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моғиятини тўғри тушуниш, тадбиқ этиш ва ўқувчиларга муносиб етказиб бериш;

- касбий вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ахборотларни излаш, саклаш, қайта ишлаш ва узатиш воситаларидан фойдалана олиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- давлат-ҳуқуқий, халқаро-ҳуқуқий ва юридик таълимнинг бошқа устувор соҳалари бўйича талабаларни фундаментал, шунингдек амалий касбий тайёргарлигини таъминлаш;

- ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда таҳлилий фикрлашни шакллантиришни, янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни таъминлайдиган ўқитишининг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникациявий, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;

- давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;

- ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;

- талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш;

- ўқув жараёнида таълим беришнинг модули тизимини қўллаган ҳолда талабаларда тизимли мушоҳада юритиш, вазиятни баҳолай билиш, оптимал қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, уларда юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш кўникмаларини шакллантириш;

- маҳсус фанларни ўқитишда казус ва муаммоли саволлар тузиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Давлат-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Давлат-хукуқий ва халқаро-хукуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт” модули “Фуқаролик-хукуқий ва тадбиркорлик (бизнес) хукуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт”, “Жиноий-хукуқий фанларни ўқитишда назария ва амалиёт”, “Юриспруденцияда ёзма нутқ кўникмалари” модуллари билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласиди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар конституциявий, маъмурий ва халқаро хукуқ муаммоларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				жумладан	
			Жами	Назарий	Амалий машгулот	Кўчма машгулот	Мустақил тальим	
1.	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида парламент назоратини кучайтириш масалалари.	6	6	2		4		
2.	Давлат бошқаруви муносабатларини модернизациялаш шароитида маъмурий процедураларни тартибга солиш	6	4	2	2			2
3.	Демократик ислоҳотлар шароитида давлат хизматини ислоҳ қилиш	4	4	2	2			
4.	Европа ҳуқуқи	2	2	2				
5.	Халқаро шартномалар ҳуқуқи	6	4	2	2			2
6.	Халқаро иқтисодиёт ҳуқуқи	4	4	2	2			
7	Давлат-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий фанларни ўқитишида казус ва муаммоли саволлар тузиш технологиялари.	2	2	2				
	Жами	30	26	14	8	4	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида парламент назоратини кучайтириш масалалари.

Парламент назоратининг назарий-хуқуқий масалалари. Парламент назоратини ташкилий-хуқуқий таъминлаш масалалари. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш масалалари.

2-мавзу: Давлат бошқаруви муносабатларини модернизациялаш шароитида маъмурий процедураларни тартибга солиш.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат бошқаруви процедурасини такомиллаштириш масалалари. Маъмурчилик механизми ва хуқуқий давлат. Маъмурий процедураларнинг Ўзбекистондаги бугунги ҳолати ва ривожланиш имкониятлари. Маъмурий процедуралар предмети ва амал қилиши соҳаси. Маъмурий процедуралар тизими ва тамойиллари.

3-мавзу: Демократик ислоҳотлар шароитида давлат хизматини ислоҳ қилиш.

Мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида давлат хизматини ислоҳ этишнинг умумий тушунчаси ва мазмуни. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат хизмати хуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари. Жамият ва давлатни модернизация қилиш шароитида давлат хизматининг аҳамияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Давлат бошқарувини такомиллаштиришжараёнида давлат хизматининг мақсади ва вазифалари.

4-мавзу: Европа хуқуқи.

Европа Иттифоқи интеграциясининг умумий тавсифи. Интеграциянинг институционал тизими: Европа Иттифоқининг асосий органлари. Европа Иттифоқи хуқуқининг таркибий тузилиши, моҳияти ва хусусиятлари. Ёзма манбалар тизими: бирламчи ҳамда орттирма хуқуқ манбалари (Асосий шартномалар). Европа Иттифоқи хуқуқининг ноёзма манбалар тизими: Европа Иттифоқи хуқуқининг асосий тамойиллари ва суд амалиёти. Европа Иттифоқи ташқи алоқаларининг хуқуқий асослари. Европа Иттифоқи ва мустакил Ўзбекистон алоқалари.

5-мавзу: Халқаро шартномалар хуқуқи.

Халқаро шартнома тушунчаси ва халқаро шартнома томонлари. Халқаро шартномаларнинг номи, тузилиши ва тили. Халқаро шартномаларни тузиш. Халқаро шартноманинг мажбурийлигига розилик билдириш. Халқаро шартномаларнинг кучга кириши ва тадбик қилиш. Халқаро шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш.

6-мавзу: Халқаро иқтисодиёт хуқуқи.

Халқаро иқтисодий хуқуқ назарияси ҳамда унинг Халқаро оммавий хуқуқ тармоғи сифатидаги ўрни. Халқаро иқтисодий хуқуқий тартиб. Халқаро иқтисодий хуқуқ тизими.

7-мавзу: Давлат-хуқуқий ва халқаро-хуқуқий фанларни ўқитишда казус ва муаммоли саволлар тузиш технологиялари

Казус ва муаммоли саволлар тузиш методологияси. Казусларнинг турлари ва мазмунига қуйилган талаблар. Кейслар банкини шакллантириш манбалари. Электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқа материалларни тузиш технологияси.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Давлат бошқаруви муносабатларини модернизациялаш шароитида маъмурий процедураларни тартибга солиш.

Тегишли тарқатма материал асосида тингловчилар фикрини ёзма ёки оғзаки тарзда сўраш. Тегишли қонун ҳужжатининг нормасини шарҳлаш қобилиятини аниқлаш. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий процедуралар тўғрисида”ги Қонун лойихаси тарқатиш ва ушбу лойихани такомиллаштириш тўғрисида тингловчилардан ёзма таклифлар олиш.

2-амалий машғулот: Демократик ислоҳотлар шароитида давлат хизматини ислоҳ қилиш.

Тегишли тарқатма материал асосида тингловчилар фикрини ёзма ёки оғзаки тарзда сўраш. Тегишли қонун ҳужжатининг нормасини шарҳлаш қобилиятини аниқлаш;

3-амалий машғулот: Халқаро шартномалар хуқуқи.

Тегишли тарқатма материал асосида тингловчилар фикрини ёзма ёки оғзаки тарзда сўраш; Тегишли халқаро ҳужжатнинг нормасини шарҳлаш қобилиятини аниқлаш

4-амалий машғулот: Халқаро иқтисодиёт хуқуқи.

Тегишли тарқатма материал асосида тингловчилар фикрини ёзма ёки оғзаки тарзда сўраш; Тегишли халқаро ҳужжатнинг нормасини шарҳлаш қобилиятини аниқлаш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида кўчма машғулот амалга ошириш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини амалий малакаларини оширишга хизмат қиласди.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- норматив-хуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш (мавзуга оид қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш орқали, уларни амалий аҳамиятини ошириш);
- муаммоли вазиятни таҳлил қилиш (мавзу доирасидаги амалий муаммоли вазиятни қонун ҳужжатларига асосан таҳлил қилиш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати қўйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Мантиқий саволлар	2,5	1 балл
2	Казус (кейс таҳлили)		1,5 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none">✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);✓ ахборотни умумлаштириш;✓ ахборот таҳлили;✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва грухда ишлаш;✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва грухда ишлаш;✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none">✓ якка ва грухда ишлаш;✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши

1-кейс. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси 2016 йил 2 чорак апрель ойидаги навбатдаги мажлиси кун тартибига Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ижросини муҳокама қилишни қўйди. Тегишли тартибда мутасадди ташкилотларга сўровлар юборилди.

Аммо қўмита депутатлари олинган маълумотлар асосида мазкур қонун ижросини муҳокама этиб бўлмайди деган холосага келишди ҳамда қайта сўров юборилди. Аммо сўровга тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан мазкур маълумотлар парламент назорати обьектига кирмайди деган важ қўрсатилган жавоб хати олинди.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшриқлари:	
1.	Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурӯҳда).
2.	Парламент назоратини амалга оширишнинг кетма-кетлигини белгиланг.
3.	Парламент назоратини амалга ошириш натижасида эришиладиган натижани таҳлил қилинг.

2-кейс. 1999 йили Евropa Иттифоқи Люксембургдаги Суди Евropa Иттифоқининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Евropa конвенциясига қўшилиш тўғрисидаги келишув лойиҳасини кўриб чиқиб, Евropa Иттифоқининг норматив-ҳуқуқий базасига мувофиқ эмас деб холоса чиқарди. Бироқ, 2009 йил 1 декабрда қучга кирган Лиссабон шартномаси нормаларида Евropa Иттифоқининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Евropa конвенциясига (1953) қўшилиш масаласи қайд этилган эди.

2004 йил 1 январ санасидан бошлаб, Евropa Иттифоқининг кўпчилик давлатларида ҳибсга олиш тўғрисидаги ягона ордер кучга кирди.

2015 йили Германия ҳукумати Евropa комиссиясининг раисининг Евropa Иттифоқи давлатларининг умумий қуролли кучларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифини маъқуллади.

Британия парламенти 2017 йил якунига қадар Буюк Британиянинг Евropa Иттифоқига аъзолиги бўйича референдум ўтказилишини маъқуллади. Тўрт кишидан иборат ишчи гурӯҳни ташкил этинг.

Юқоридаги фактларга асосланган ҳолда Евropa Иттифоқининг ҳуқуқий мақомига доир ҳуқуқий мулоҳаза (legalopinion) тайёрланг.

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ кейс мавзуси доирасида ҳалқаро шартномалар ташлини тайёрлаш; ✓ кейс мавзуси доирасида ҳалқаро суд ва ҳалқаро ташкилотлар амалиёти ташлини тайёрлаш; ✓ кейс мавзуси доирасида

	<ul style="list-style-type: none"> тайёрланган библиография асосида илмий нашрлар ✓ таҳлилини тайёрлаш; ✓ йифилгандын таҳлилий ахборотларни умумлаштириш; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ түрт кишидан гурухда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини ҳалқаро ва миллий қонунчилигидан келиб чиқиб ҳуқуқни қўллаш мезони асосида аниқлаш; ✓ муаммолар таҳлилидан сўнг асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ гуруҳ ҳар бир аъзосининг вазифасини белгилаб ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини бошқа ижобий амалиётга эга бўлган минтақавий механизмларни қиёслаган ҳолда ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ёки гурухда ишлаш; ✓ муқобил варианtlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга

хизмат қиласи.



Намуна 1: Давлат ҳокимиятини демократлаштириш шароитида парламент назоратини жорий этишнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Парламент назоратини жорий этишнинг кучли томонлари	Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг вакиллик функциясини самарали амалга ошириш ва фаол қонун ижодкорлиги ташаббусларини илгари суриш, мажбурий тусдаги қарорлар қабул қилиш
W	Парламент назоратини амалга оширишнинг кучсиз томонлари	Аниқланган муаммога тезкор таъсир этиш механизмининг мавжуд эмаслиги
O	Парламент назоратини жорий этишнинг имкониятлари (ички)	Шаклланган бой тажриба, расман белгиланган ваколатлар ва малакали мутахассислар
T	Тўсиқлар (ташқи)	Маълумотлар тўплашнинг бил-восита тизими мавжуд эканлиги ва назорат қиласанаётган субъектлар билан алоқанинг доимий таъминланмаганлиги...

Намуна 2: Бутун жаҳон савдо ташкилоти доирасида низоларни ҳал этиш механизмининг таҳлили.

S	Бутун жаҳон савдо ташкилоти доирасида низоларни ҳал этиш механизмининг қучли томонлари	
W	Бутун жаҳон савдо ташкилоти доирасида низоларни ҳал этиш механизми кучсиз томонлари	
O	Бутун жаҳон савдо ташкилотига аъзо-давлатлар ҳамда кузатувчи давлатлар доирасида низоларни ҳал этиш механизмининг ўзига хос имкониятлари (ички)	
T	Бутун жаҳон савдо ташкилотига аъзо-давлатлар учун механизм доирасидаги тўсиқлар (ташқи)	

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Норма: “Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нұқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли”.

Топшириқ: Мазкур нормага нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг маҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

Намуна:

Маъмурий процедуралар

афзаллиги

камчилиги

Хулоса:

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);
- тинглочилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган

тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;

- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Давлат хизмати		
Давлат хизматчиси		
Маъмурий орган		

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.

ТЕСТ	Хавфсизлик Кенгашининг нечта доимий ва нодоимий аъзолари мавжуд? А) еттига домий ва еттига нодоимий В) бешта доимий ва тўққизта нодоимий С) тўртта доимий ва ўнта нодоимий D) бешта доимий ва ўнта нодоимий
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ	Бутунжаҳон савдо ташкилоти қошидаги Низоларни ҳал қилиш органи доирасида ҳамда МДҲ доирасидаги Иқтисодий суд механизми мисолида низоларни ҳал қилиш бўйича қиёсий таҳлил
ТУШУНЧАНИНГ ТАҲЛИЛИ	Шартномалар “барча давлатлар” ёки “хар қандай давлат” иштироки учун очик бўлиши мумкин. “Барча давлатлар” формуласи асосан универсал характерга эга кўптомонлама шартномаларда учрайди. БМТнинг Ҳалқаро шартномалари бўйича йўриқномасига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг мазкур формулави қўллаб ҳалқаро шартномаларининг презентацияси ҳамда таҳлилий хужжат тайёрланг.
АМАЛИЙ КЎНИКМАНИ НОМАЁН ЭТИШ	БМТнинг ратификация, қўшилиш ёки тасдиқлаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ қўшилиш ёки тасдиқлаш тўғрисида хужжат ёки ратификацион ёлиғи тайёрланг.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот коидалари билан таништирилади;

- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Ҳалқаро шартномалар ҳуқуқи” мавзуси бўйича таянч тушунчалар таҳлили

1961 йилдаги Вена конвенцияси қоидаларига кўра «ратификация», «қабул қилиш», «тасдиқлаш» ва «қўшилиш» тушунчалари шартномаларнинг ўзларида қайд этиб ўтилганлигига қараб, давлатлар учун уларнинг мажбурий характер касб этишини ҳамда давлатларнинг бунга розилигини назарда тутади.

Мажбуриятни тан олишга бўлган розилик билдириш процедураларининг ҳар бирини таҳлил қилинг ҳамда уларнинг ҳуқукий оқибатларини тушунтириб беринг.

Тўртта гурухга ажralган ҳолда Ўзбекистон Республикаси учун ҳали кучга кирмаган БМТнинг Аёлларга нисбатан барча ҳил турдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга иккинчи Факультатив протоколга розилик билдиришнинг энг самарали процедурасини танлаш бўйича ўзингизнинг асослантирилган ҳуқукий хulosangizni тайёрланг.

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
шартнома	ҳалқаро шартнома – республиканинг бир ёки бир неча давлат, ҳалқаро ташкилот ёхуд ҳалқаро ҳуқукнинг бошқа субъектлари билан ҳалқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқук ва мажбуриятларига доир teng ҳуқуқли ва ихтиёрий келишувидир.	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра
ратификация	ҳалқаро шартноманинг кучга кириш усусларидан бири.	БМТнинг 1979 йилдаги Аёлларга нисбатан барча

	Давлатнинг олий (вакиллик) органи томонидан ҳалқаро шартномани тасдиқлаш. Одатда шундан кейин мазкур шартнома ушбу давлат учун юридик кучга эга бўлади.	хил турдаги камси-тишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга иккинчи Факультатив протокол бўйича
қабул қилиш	ҳалқаро шартноманинг кучга кириш усулларидан бири. Унга кўра давлат ваколатли органи томонидан ҳалқаро шартнома ратификация қилинмайдиган, лекин уларнинг тасдиқланишини (қабул қилинишини) назарда тутувчи ҳалқаро шартномаларни тасдиқлаш (қабул қилиш) ҳисобланади.	1961 йилдаги Ҳалқаро шартномалар ҳуқуки тўғрисидаги Вена конвенцияси бўйича
қўшилиш	Ҳалқаро шартномани ратификация ёки имзолаш йўли билан мажбуриятларни танолиш.	
пролонгация	ҳалқаро шартноманинг амалда бўлишини, унинг муддати тугагунича шартнома мунтазамлигини таъминлаш мақсадида узайтириш.	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар хақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Давлат ҳокимиятини демократлаштириш шароитида парламент назоратини кучайтириш.

Режа:

- 1.1. Парламент назоратининг назарий-хуқуқий масалалари.
- 1.2. Парламент назоратини ташкилий-хуқуқий таъминлаш масалалари.
- 1.3. Ўзбекистонда парламент назоратини такомиллаштириш масалалари.

Таянч иборалар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Сенат, Конунчилик палатаси, депутат, сенатор, парламент сўрови, сенататор сўрови, депутат сўрови, парламент текшируви.

1.1. Парламент назоратининг назарий-хуқуқий масалалари.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнида парламент фаолиятининг тутган ўрни бекиёсdir. Хуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида республикамизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маърифий-маданий ислоҳотларнинг хуқуқий асосларини мустаҳкамлашда парламент қонун ижодкорлик, назорат-таҳлил ва мувофиқлаштириш каби йўналишларда ўз фаолиятини амалга оширади. Парламент фаолиятининг барча йўналишлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қонун ҳужжатларини тайёрлаш, қабул қилиш, амалиётда кўлланилиш жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланганлиги ва фаолият кўрсатиши давлат ва жамият қурилиши, суд-хуқуқ, иктисодиёт ва ҳаётимизнинг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг хуқуқий асосларини янада такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди. Қонун ижодкорлиги жараёни ва технологиялари тубдан ўзгарди. Шу билан бирга амалдаги қонунлар ижроси устидан парламент назоратининг сифати ва самарадорлигини ошириш, уни янада такомиллаштириш имкониятлари кенгайди.

Парламент давлатнинг қонун чиқарувчи ҳокимият органи сифатида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан бир қаторда мухим назорат фаолиятини ҳам амалга оширади¹.

¹ Parliament and Democracy in the Twenty-first century: A Guide to Good Practice. Inter-Parliamentary Union, - Geneva. 2006. P. 25

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш” деб таъкидлаган эдилар².

Парламент назоратини амалга оширишининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунлар

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунлар

“Парламент назорати тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун хужжатлари

Мазкур қонун хужжатлари қоидаларидан келиб чиқиб, республикамида парламент назорати бошқа давлатларнинг парламент назоратларидан ўзининг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари билан фарқ қилишини эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида парламент назоратининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади: 1) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари ижроси устидан назорат; 2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳим сиёсий масалалар бўйича фармонларини тасдиқлаш орқали назоратни амалга ошириш; 3) Давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш; 4) инсон ҳукуқларига риоя қилиниши соҳасидаги назорат; 5) давлат органларини шакллантириш ва мансабдор шахсларни сайлаш, тайинлаш ёки тасдиқлаш йўли билан назоратни амалга ошириш; 6) ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш.

²Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси – Т.: Ўзбекистон, 2005. 4-бет

**парламент назоратининг асосий
йўналишлари**

- 1) Қонунлар, Олий Мажлис палаталари қарорлари ижроси устидан назорат;**
- 2) Президентнинг муҳим сиёсий масалалар бўйича фармонларини тасдиқлаш орқали;**
- 3) Давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш;**
- 4) Инсон хуқуқларига риоя қилиниши соҳасидаги назорат;**
- 5) Давлат органларини шакллантириш йўли билан назоратни амалга ошириш;**
- 6) Ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш.**

Демак, парламент назорати тушунчasi кенг маънода юқорида қайд этилган барча асосий йўналишларни, тор маънода эса фақат қонунлар ва парламент палаталари қарорлари ижроси устидан назоратни ўз қамровига олади.

Куйида биз тор маънодаги парламент назоратининг субъектлари, объектлари, мақсади, асосий вазифалари, принциплари, муаммолари ва уларнинг ечими бўйича таклифларга тўхталиб ўтамиз.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг (бундан буён матнда Олий Мажлис палаталари деб юритилади) ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент **назорати объектидир**.

Тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият парламент назоратининг объекти бўлиши мумкин эмас.

Парламент назорати субъектлари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати;

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари, комиссиялари;

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гурухлари (бундан бўён матнда фракциялар, депутатлар гурухлари деб юритилади);

Қонунчилик палатаси депутатлари;

Сенат аъзолари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

Парламент назоратининг мақсади – қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ижтимоий ҳаётдаги ижросини пухта ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали тегишли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни қўриш, жамиятдаги ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжи мавжуд бўлган “оқ доғлар”ни аниқлаб, уларни бартараф этиш учун қонун лойиҳаларини тайёрлаш, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тавсияларни Қонунчилик палатасига ёки қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига тақдим этиш орқали ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, қўйидагилар парламент назоратининг ***асосий вазифалари*** ҳисобланади:

- қонунлар ва парламент палаталари ҳамда уларнинг қўмиталари қарорларининг жойлардаги ижросини ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- қонунлар ва парламент палаталари ҳамда уларнинг қўмиталари қарорлари ижроси бўйича ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти натижаларини тегишли мутасадди раҳбарлар ва мансабдор шахсларни жалб қилган ҳолда парламент палаталари қўмиталарида муҳокама қилиш;

- парламент назорат-таҳлил фаолияти натижалари бўйича қарор қабул қилиш;

- парламент назорат-таҳлил фаолиятининг натижалари бўйича қабул қилинган қарорнинг ўз вақтида ва аниқ ижроси юзасидан назорат ўрнатиш;

- жамиятдаги ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжи мавжуд бўлган “оқ доғлар”ни аниқлаб, уларни бартараф этиш учун қонун лойиҳаларини тайёрлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тавсияларни Қонунчилик палатасига ёки қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига тақдим этиш.

Парламент назоратини қўйидаги принциплар асосида амалга ошириш мақсадга мувофик:

- қонунийлик, яъни парламент назоратини амалга оширувчи субъектлар ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, конституциявий қонунлари ва қонунларига қатъий амал қилиш;

- ҳокимиятларнинг тақсимланиши тамойилига риоя қилиш;

- парламент назоратини амалга оширишда ошкоралик, яъни парламент назорати ҳақидаги аҳборот жамоатчилик ва оммавий аҳборот воситалари учун очиқ бўлиши.

- жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш;

- мустақиллик, яъни парламент назорати субъектлари ўз фаолиятларини республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан мустақил тарзда амалга ошириш;

Дунёдаги парламентлар тажрибаси асосида таҳлил юритиладиган бўлса, ҳозирги кунда ижро этувчи ҳокимият, хусусан, ҳукумат, бошқарув органлари, вазирлар устидан амалга ошириладиган парламент назорати қўйидаги шаклларда намоён бўлади:

1) Ҳукумат олдига масала қўйиши. 2) мунозаралар. 3) ҳукумат ва вазирларнинг ўз фаолияти юзасидан парламент, палаталар ялти мажслисларида маърузаси ва ҳисоботи. 4) ишончсизлик вотуми билдириши ёки ҳукуматга танбеҳ эълон қилиши тўғрисида резолюция чиқариши. 5) парламент тинглови. 6) имтичмент. 7) интерпелляция. 8) парламент текшируви (тергови), парламент тафиши. 9) парламентнинг маҳсус мажслислари. 10) Парламент (депутат) сўрови 11) Ижро этувчи ҳокимият томонидан тузилган ҳалқаро шартномаларни ратификация қилиши орқали³

³. Parliament and Democracy in the Twenty-First Century: A Guide to Good Practice. Inter-Parliamentary Union, - Geneva. 2006 P.30

Франция қонунчилигига кўра, парламент назорати - бу палаталарга ҳукумат фаолиятини баҳолаш мақсадида у ёки бу маълумотларга эга бўлиш ва унинг томонидан олиб борилаётган сиёсат билан келиша олмаган ҳолатда, уни истеъфога чиқаришга имкон берувчи барча комплекс чоралар тизимиdir

Парламент ижро этувчи ҳокимият томонидан тузилган ҳалқаро шартномаларни тасдиқлаш ҳуқуқи орқали ҳам ҳукуматни назорат қилади. Бунда нафақат тасдиқлаш, балки тасдиқланган ҳалқаро шартномаларни ижросини назорат қилиш ҳам қамраб олинади.

Бугунги туб янгиланишларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ғоявий асосини шубҳасиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармон асосида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ташкил этади. Унда парламент назоратини янада такомиллаштиришгат оид вазифалар белгиланди.

Парламентар республикаларда парламент қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошираётган парламентнинг устунлигини ифодалайди. Ҳукумат парламент томонидан шакллантирилиб унинг олдида ҳисобдордир. Мисол учун, Австрия парламентар республика ҳисобланиб, Австрия Конституциясининг 52-моддасига асосан, Миллий кенгаш ва Федерал кенгаш Федерал ҳукумат томонидан ишларни олиб борилишини текшириш, ҳукумат аъзоларига ижроия фаолиятининг деярли барча жабҳаларига оид сўров билан мурожаат қилиш, ижро фаолияти бўйича барча зарур маълумотларни талаб қилиб олиш, қарорларида ижро фаолиятини амалга ошириш бўйича тавсияларни бериш ваколатига эгадир. Шунингдек, Миллий кенгаш ва Федерал кенгашнинг ҳар бир аъзоси ушбу органларнинг мажлисларида Федерал ҳукумат аъзоларига қисқа оғзаки сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Конституциянинг 74-моддасига асосан Миллий кенгаш Федерал ҳукуматга ёки унинг аъзосига ишончсизлик билдириш тўғрисида қарор қабул қиласа ҳукумат ёки тегишлича вазир ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилиши лозим. 76-моддага кўра Федерал ҳукумат аъзолари Миллий кенгаш олдида

⁴ Pouvoir exécutif pouvoir le`gislatif et pouvoir juridictionnel en France. Collection franco-russe de documents d'information et de formation. N 8-1993. Ministère des Affaires Etrangères, Ambassade de France à Moscou, - 96

хисобдорлиги белгиланган бўлиб, Миллий кенгаш уларга айлов эълон қилиши мумкин⁵.

1.2. Парламент назоратининг ташкилий-хуқуқий таъминлаш масалалари.

Юртимизда парламент назорати функцияси ҳам изчил, босқичмабосқич ривожланди, унинг асосий шакллари 1992 йилда, яъни мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган пайтданоқ мустаҳкамлаб қўйилган эди. Масалан, молия ва бюджет сиёсатини амалга ошириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тақдимиға кўра, Ўзбекистон Республикаси бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш каби парламент назорати шакли кўзда тутилганди. Парламентнинг мутлақ ваколатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; бир қатор давлат органлари раҳбарларини лавозимга сайлаш, тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш ваколатлари ҳам белгиланган эди.

2017 йилнинг февраль-апрель ойларида республикамизнинг 39 та туманида ўрганишлар ўтказилиб, уларнинг якунлари тегишли маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокама қилиниши таъминланди.

Ўрганишлар жараёнида **22 791** та хонадонга ташриф буюрилди, **218** мингдан зиёд фуқаро, шу жумладан **5 663** та тадбиркорлик субъекти вакиллари билан бевосита учрашув ва мулоқотлар ўтказилди.

⁵ Dirk Peters, Wolfgang Wagner. The parliamentary control of European Security policy. European Parliament 2006. – 170 p.

Парламент назорати шакллари қўйидагилардан иборат:

навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини қабул қилиш, шунингдек Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисадий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан хар ишлги маърузасини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг мамлакат ижтимоий-иқтисадий ривожланишининг айrim долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшлиши;

Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аబзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшлиши;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшлиши;

Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг ҳисоботини эшлиши;

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшлиши;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшлиши;

парламент сўрови;

Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови;

Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшлиши;

қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳукукни кўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш;


парламент текшируви.

Умумхалқ референдуми натижасида 2003 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш ҳамда унинг фаолият кўрсатишини, ҳукумат ва бошқа ҳокимият органлари ваколатларининг конституциявий асосларини аниқ белгилаб бериши билан бир қаторда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг назорат ваколатларини сезиларли даражада кенгайтирди. Конституциямизда Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгарлиги тўғрисидаги ҳамда бошқа нормаларнинг мустаҳкамланиши ҳам парламент назоратини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Парламент иккала палатасининг биргаликдаги ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан, Баш вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ваколати киритилди, илгари эса парламент Ўзбекистон Республикаси Президентининг Баш вазирни

тайинлаш тўғрисидаги фармонини тасдиқлар эди, холос. Ҳисоб палатаси ҳисботини кўриб чиқиши каби парламент назоратининг муҳим шакли жорий этилди. Сенатнинг мутлақ ваколатларига Баш прокурорнинг, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисининг, Марказий банк бошқаруви раисининг ҳисботларини эшлиши киритилди. Бундан ташқари, Сенат Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ваколатларига эга бўлди.

2017 йил биринчи чоракда аҳоли томонидан кўтарилигандан масалаларнинг соҳалар бўйича тақсимоти



33

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси парламент ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари ролини янада кучайтириш борасида муҳим аҳамият касб этди. Концепциянинг асосий қоидаларига мувофиқ, 2011 йил апрель ойида Конституциянинг бир қатор моддаларига ўзгартишлар киритилиб, парламентга мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий тараққиётининг долзарб масалалари юзасидан Баш вазир ҳисботларини эшлиши ва муҳокама қилиш, Сенатга эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш каби қўшимча назорат функциялари берилди. Конституциявий бошқарув амалиётида биринчи марта мамлакат Баш вазирига нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш каби парламент назоратининг янги институти жорий этилди.

Маълумот учун⁶

Мамлакатимизда давлат ва ҳукуқ соҳасидаги ислоҳотлар бўйича тўпланган тажриба, Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ ва Япония каби демократик мамлакатлардаги конституциявий тараққиёт амалиётининг таҳлили Ўзбекистонда танланган парламент назорати тизимининг ҳақиқий демократик моҳиятидан далолат беради.

Шу билан бирга, давлат қурилиши соҳасидаги демократик ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни бир муддатлик эмаслигини, у мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, социал-иктисодий вазият ривожига, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсиши, сиёсий, ҳукукий маданияти ошиб боришига мутаносиб равишда доимий тараққий этиб боришини аниқ-равшан тасаввур этиш жуда ҳам муҳимdir. Табиийки, ушбу ўзгаришларнинг барчаси қонунларда, авваламбор, Конституциямизда ўз ифодасини топиши, мустаҳкамланиши лозим. Қонунчилик базаси, давлат бошқаруви тизимининг ижтимоий муносабатлар ривожланиш даражасига мувофиқлиги — барқарор тараққиёт ва демократик ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Ҳаётнинг ўзи, давлат қурилиши борасидаги ҳалқаро тажриба, агар қонунчилик ривожланмаса, реал ҳаётга мос бўлмаса, зиддиятлар жамиятда қарама-қаршиликларга, энг оғир ва кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Депутатлар ва сенаторлар томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида **4 266 та (21%)** масала жойида ҳал этилди. Хусусан:

- **505** нафар фуқаро ишга жойлаштирилди;
- **1 106** нафар фуқарога тадбиркорликни амалга ошириш учун 8,5 млрд. сўмдан зиёд банк кредити ажратилиши таъминланди;
- **7 мингдан** зиёд аҳоли истиқомат қилаётган 2 та худудда сув кудуғи қазилиб, сув насоси ўрнатиб берилишида амалий ёрдам кўрсатилди;
- **3 121 та** хонадонга суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилди;
- **132 та** савдо объектига банк терминаллари ўрнатилди.

⁶ Dirk Peters, Wolfgang Wagner. The parliamentary control of European Security policy. European Parliament 2006. – 170 p.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан илгари сурилган Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси қоидалари давлат ҳокимиятини, жамият курилишини янада демократлаштириш, шу жумладан, парламент назоратининг аҳамияти ва самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратади. Хусусан, 2014 йилда Конституциянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларини тартибга соладиган 78-моддаси янги норма билан тўлдирилди. Унга биноан, иккала палатанинг биргаликдаги ваколатларига парламент назоратини амалга ошириш киритилди. Шу тариқа конституциявий амалиётимиз тарихида парламент назорати институти биринчи марта конституциявий даражада мустахкамланди.

Конституциянинг 98-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маъruzалар тақдим этиш мажбурияти юкланмоқда.

Ушбу моддада, шунингдек, Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастурини тақдим этиши белгиланди.

Одатда парламент сўрови бўйича мутасадди органлар раҳбариятининг ахбороти Сенат мажлисларида эшлитилиб, сенаторлар томонидан муҳокама қилиниши, энг муҳими, парламент юқори палатаси муҳокама якунлари бўйича қарор қабул қилиши керак. Сенат қарорида ўша органнинг фаолиятига баҳо берилади, яъни ижобий иш ҳам, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам акс эттирилиши табиий. Сенатнинг назорат қилиш соҳасидаги фаолиятида парламент сўровининг муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олиб, бу йўналишдаги ишларни янада кучайтиришни ҳамда самарадорлигини оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Сенат қўмиталари иш режасида назорат фаолияти билан боғлиқ яна бир йўналиш – қонунлар ҳамда Сенат томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини ўрганишга алоҳида эътибор берилади.

Сенат қўмиталари мажлисида муайян қонун ижросини назорат қилиш масаласи кўрилар экан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарларининг ахбороти ҳам эшитилади. Ижрочиларнинг иштирокидаги муҳокама якунида қўмита қарорлар қабул қиласи ва бу қарорлар тегишли идораларга, шу жумладан ахбороти эшитилган давлат ҳокимияти ва

бошқаруви органига ижро этиш учун юборилади. Шу йўл билан қонуннинг ижро этилиши билан боғлиқ назорат иши мазкур қарорда ахборот бериш белгиланган муддатга қадар яна давом этиш таомили амалиётга кириб боради.

Парламент назорати шакллари

Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини қабул қилиш, шунингдек Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг (бундан буён матнда Баш вазир деб юритилади) мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишининг айrim долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшлиши; Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшлиши; Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг ҳисоботини эшлиши; Ўзбекистон Республикаси Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшлиши;

Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида хукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшлиши; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшлиши; парламент сўрови; Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови; Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшлиши;

қонун хужжатларининг ижроси ҳолатини, хукуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш; парламент текшируви.

Ўтган муддат тажрибаси Сенат фаолиятига тааллуқли қонунларда назорат фаолияти билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Назаримизда, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддаси Сенатнинг назорат соҳасидаги ваколатларини янада аниқроқ ва лўнда ифодаловчи қўшимча қисмлар билан тўлдирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бир палатадан иборат бўлган олдинги Олий Мажлисимиз, таъкидлаш жоизки, парламент назорати соҳасида ўзига хос тажриба тўплаган ва ўзига хос мактаб яратган эди. Назорат-таҳлил соҳасида ўтган йилларда амалга оширилган ишлар мамлакатимизда олиб борилган ислоҳотларнинг муваффақиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди, десак муболага бўлмайди.

Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг шакллантирилиши, палаталар ўртасидаги ваколатларнинг аниқ тақсимланиши, депутатларнинг мақоми қайта кўриб чиқилганлиги, қуйи палата депутатларининг доимий равиша фаолият олиб бориши, сиёсий партиялар фракцияларининг роли ошиб бораётганлиги ва шунга ўхшаш бошқа омиллар нафақат қонунчилик жараёнини, балки қонунлар ижроси устидан парламент назорати амалга оширилишини ҳам янада такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди.

Парламент назоратини кучайтириш масалаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов доимо жиддий эътибор қиласидилар. Юртбошимиз тўғри таъкидлаганлариdek, қонунчилик базасини юзага келтириш – бу ишимизнинг ярми, қонунларнинг ҳаётга татбиқ қилинишига эришишимиз, бунинг учун қабул қилинган қонунларнинг кундалик турмушишимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизмни яратишимиз лозим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги маърузаларида ҳам қабул қилинган қонунларимиз ижросини таъминлаш олдимизда турган масалалардан бири эканлиги, депутатлар қонунлар ижроси билан ҳам қизиқиши лозимлиги, керак бўлса, тегишли мутасадди раҳбарлардан, биринчи навбатда ижро этувчи ҳокимиятдан талаб қилиш лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Шунинг учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўзининг асосий вазифаси, яъни қонунчилик фаолиятини амалга ошириш билан бирга назорат-таҳлил фаолиятига ҳам алоҳида аҳамият қаратмокда.

Энг аввало шуни эътироф этиш лозимки, парламент назоратининг ҳамма жиҳатларини очиб бериш қийин. Шу сабабли қуйи палата – Қонунчилик палатаси, унинг органлари, ундаги сиёсий партияларнинг фракциялари ҳамда бевосита депутатлар томонидан ўтказиладиган парламент назорати, аввалим бор, унинг ҳуқуқий асослари, шакллари, усуллари ҳақида, шунингдек бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳам қайд этиш жоиздир.

Шуни таъкидлаш керакки, икки палатали парламентнинг ҳуқуқий асослари яратилаётганда, бўлғуси депутатларимиз ва сенаторларимизнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашда, сиёсий партияларнинг икки палатали парламент шароитидаги ўрнини белгилашда парламент назорати институтига алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда, биринчи навбатда, ўтган даврда бу соҳадаги тўпланган миллий тажрибаларимиз билан бирга чет мамлакатлар парламентларининг

тажрибалари ҳам эътиборга олинди. Масалан, Буюк Британия парламенти аъзолари доимий равища ҳукумат аъзоларига ёзма ва оғзаки саволлари билан мурожаат қилиш қилишади ҳамда тизимли равища парламент назоратини амалга оширадилар⁷.

Буни қуйидаги икки мисол орқали изоҳлаш мумкин. Олдинги чақирикларда Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссиялари томонидан олиб борилган назорат-таҳлил фаолияти ўз самарасини берганлигини ҳисобга олиб, янги икки палатали парламент қўмиталари ваколатида қонунлар устидан назорат олиб бориш вазифаси яна қолдирилди. Бошқа мамлакатлар парламентларидағи қўмиталар асосан қонун лойиҳалари устида ишлашга кўпроқ эътибор қаратадилар.

Умуман олганда, амалдаги қонун ҳужжатлари Қонунчилик палатаси, унинг қўмиталари, фракциялар, депутатлар томонидан парламент назоратини самарали тарзда амалга ошириш имкониятини беради. Чунки Конституциямизда, конституциявий қонунлар, қонунлар ва Регламентимизда парламент назоратига оид нормалар бор.

Парламент назорати – бу Олий Мажлис палаталари томонидан қонунларнинг ижроси ва унга амал қилиниши, шунингдек уларнинг самарали ҳаётга татбиқ этилиши устидан, қолаверса қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида олиб бориладиган фаолиятдир. У қонун ҳужжатлари таъсирчанлигини оширишнинг ва айни чоғда жамиятнинг ҳуқуқий эҳтиёжларини тезкор аниқлашнинг самарали воситаси ҳисобланади.

⁷Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – P. 206.



Парламент назоратини амалга оширишнинг асосий принциплари нималардан иборат бўлиши лозимлиги хусусидаги саволга жавобан айтиш керакки, парламент назорати, энг аввало, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузмаслиги лозим. Бундай назоратни амалга оширишда Конституция ва қонунлар устунлигини таъминлаш, давлат ҳокимиятининг тармоқларга бўлиниши, ошкоралик, доимийлик принципларига ҳам амал қилиниши мақсадга мувофиқ.

Парламент назоратининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бундай назорат обьектининг чегараси йўқ ва бу чегарани аниқлаш ҳам қийин. Парламент назоратида айнан бир қонуннинг ижросини, ёки бир неча қонуннинг ижросини ўрганиш мумкин. Қонунлар ижросини маълум бир ҳудудда ёки муайян бир соҳада, тармоқда, вазирликда ёки аниқ бир корхонада ўрганиш мумкин.

Парламент назоратини бошқа давлат органларининг назорат соҳасидаги фаолиятига аралаштириб бўлмайди. Чунки бундай назорат кимнидир ёки қайсиdir мансабдор шахсни жазолаш учун эмас, балки қабул қилинган қонунларнинг самарадорлигига эришишга қаратилган. Лекин парламент назоратини амалга оширишда бошқа давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилиши мумкин.

Парламент назоратининг турларини шартли равища тўрт турга ажратса бўлади. Яъни:

- Қонунчилик палатаси томонидан амалга ошириладиган парламент назорати;
- қўмиталар томонидан амалга ошириладиган назорат-таҳлил фаолияти;
- депутатлар гурухлари томонидан амалга ошириладиган назорат;

- депутатлар томонидан бевосита амалга ошириладиган назорат.

1.3. Ўзбекистонда парламент назоратини таомиллаштириш масалалари

Юқорида қайд этганимиздек, бизда “парламент сўрови” деган институт мавжуд. Бу институт ҳақида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 32-моддасида батафсил ёзилган. Бу хуқуқдан Қонунчилик палатаси ва Қонунчилик палатаси депутатлари фойдаланадилар. Парламент сўровининг шакли ёзма равишда бўлади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан тушунтириш бериш ҳақидаги талаб парламент сўровининг мазмунини ташкил этади. Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокурор, сурештирув ва тергов органлари раҳбарлари номига юборилган сўров уларнинг иш юритувидағи муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Лекин ҳозирга қадар бу имкониятдан Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам, палата ҳам фойдаланганича йўқ. Нима сабабдан? Назаримизда, бу хуқуқдан самарали фойдаланиш учун етарли даражада хуқуқий асослар яратилган деб ҳам бўлмайди. Хусусан “парламент сўрови” билан мурожаат қилинганда, бу мурожаат Қонунчилик палатасида ёки унинг Кенгашида кўриб чиқилиши керакми-йўқми, ноаниқ, у қандай қайд этилади ёки рўйхатга олинади деган саволларга ҳам жавоб йўқ. Парламент сўровларининг таҳлили ва бу сўровларнинг бажарилиши назорати ким томонидан олиб борилиши ҳам аниқ эмас.

Фикримизча, Қонунчилик палатаси “парламент сўрови” юборадиган бўлса, албатта, палатанинг қарори қабул қилиниши лозим. Депутат томонидан сўров юборилганда эса, бу сўров, албатта, Қонунчилик палатаси Кенгашида муҳокамадан ўтиши мақсадга мувофиқdir.

Қонунчилик палатасининг назорат соҳасидаги ваколатлари ичida хукumat аъзоларининг фаолияти масалалари юзасидан уларнинг ахборотларини эшитиш ҳам бор. Лекин бу ваколатдан ҳам ҳозирга қадар фойдаланилгани йўқ. Бунга ҳали сиёсий партиялар фракциялари фаолияти бир оз сустлиги сабаб бўлмоқда, десак бўлади. Чунки бу мазмундаги масала палата кун тартибига фракциялар томонидан киритилиши мумкин.

Қонунчилик палатасида муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузилиши мумкинлиги ҳам қўзда тутилган. Маълумки, комиссиялар Қонунчилик палатасида асосан у ёки бу масалани ўрганиш, яъни назорат қилиш мақсадида тузилади. Лекин ўтган давр мобайнида фақатгина битта комиссия тузилди, холос. Ушбу ўринда Андижон воқеалари муносабати билан тузилган комиссияни назарда тутиш лозим.

Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан назорат-таҳлил ишлари амалга оширилмоқда. Бу фаолият маълум маъниода ўзининг натижаларини ҳам бермоқда. Бунда, фикримизча, охирги йилларда тўпланган тажрибадан унумли фойдаланилаётгани ахамиятли бўлаётганлигини таъкидлаш лозим.

Қонунлар ижросини ўрганиш натижалари қўмиталар мажлисларида марказий ва маҳаллий ҳокимиёт органларининг раҳбарлари, бошқа манбаатдор шахслар иштироқида атрофлича, кескин ва принципиаллик билан муҳокама қилинмоқда. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойларга юборилмоқда. Муҳокама яқунлари “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида, маҳаллий матбуотда эълон қилинмоқда, мамлакат телевидениеси ва радиоси шундай яқунлар асосида кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этмоқда.

Лекин қўмиталарнинг назорат-таҳлил соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш зарурати сезилмоқда. Аввало, бу соҳанинг ҳукуқий асосларини қайта кўриб чиқиш лозим. Чунки қонунларимизда қўмиталарнинг бу соҳадаги ваколатларига турлича ёндашилган. Масалан, Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонуннинг 17-моддаси биринчи қисмида қўмиталар қонунлар ва палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун сайланиши кўрсатилган. Лекин қўмиталарнинг ваколатларига бағишлиланган 18-моддада назорат фаолиятига доир нормалар етарли даражада очиб берилмаган. Бу ҳолатни “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунда ҳам учратиш мумкин.

Амалиётда эса, қўмиталар назорат-таҳлил ишларига ҳар хил ёндашмоқдалар. Баъзи қўмиталар мутахассисларни жалб қилмоқдалар, баъзилари эса йўқ. Текшириш ўtkазиш йўллари ҳамда усувларини ҳам улар ўзларича танламоқдалар. Текшириш яқунларини амалга ошириш усувлари ҳам ҳар хил.

Қўмиталарнинг, умуман Қонунчилик палатасининг назорат-таҳлил фаолиятини умумлаштириш, мувофиқлаштириб бориш зарурати ҳам туғилмоқда. Олдинги бир палатали парламент шароитида бу масала яхши йўлга қўйилган эди. Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминоти Қонунчилик

палатаси девони томонидан амалга оширилиши қонунларимизда кўзда тутилган. Ҳозирда шу иш билан шуғулланадиган Қонунчилик палатаси Девонининг тегишли бўлимида саноқли ходим ишлайди, бундан ташқари, бўлимга бошқа функциялар ҳам юклатилган. Шу сабабли бу муаммони ижобий ҳал этиш лозим.

Кейинги муҳим бир муаммо – бу парламент назоратига бағишенгандан илмий изланишларнинг деярли олиб борилмаётганидир. Фақатгина айрим ҳукуқшунос олимлар ўз илмий ишларида бу соҳанинг илмий-назарий томонларини маълум даражада очиб бера олганлар. Чиқаётган илмий мақолаларда ҳам парламент назорати институти чуқур ёритилмаяпти. Шу сабабли Тошкент давлат юридик университети, бошқа илмий муассасалари томонидан бу соҳа бўйича илмий изланишлар сифатини янада ошириш юзасидан амалий қадамлар қўйилиши талаб этилади.

Яна бир муаммо бор. Парламент назоратининг самараси нимада? Бу унинг очиқлиги ва ошкоралигида. Бизда оммавий ахборот воситалари учун цензура йўқ. Улар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар доимо такомиллаштириб борилмоқда. Оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини эркин амалга оширишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Лекин Қонунчилик палатаси иши, қўмиталар ва фракцияларнинг иши, айниқса, назорат фаолиятига доир ишлар натижалари жамоатчиликка етарли даражада етказилмаяпти.

Хулоса қилиб айтганда бу борадаги мавжуд муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилиши қонунлар ижроси устидан парламент назоратини янада яхшилашда ўзининг ижобий самарасини беради.

Парламент назоратини ташкил қилишда қуйидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш талаб этилади:

- парламент палаталари қўмиталари назорат қилиш обьектини, хусусан, қонун ёки қарорнинг ижроси бўйича пухта ташкилий тайёргарлик ишларини ташкил этиш;

- парламент назорати обьектининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, унинг ишини ташкил этиш тартиби ва муддатларини пухта ҳолда режалаштириш, саволнома ва дастурларини ишлаб чиқиш;

- парламент назорат-таҳлил фаолиятида шахс, жамият, давлат манфаатлари ҳимоясини таъминлашда ижтимоий адолат ва қонунийликка қатъий амал қилиш;

- парламент сўровларини умумлаштириб, назорат-таҳлил этиш;

- тегишли қўмитанинг парламент назорати дастури ва режаси ижросини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- суд ҳокимиютигининг қонунни амалиётга қўллаш бўйича умумлашмалари ва коллегиал органининг қарорларини таҳлил этиш;

– қонун хужжатлари ижроси бўйича тузилган сўровномаларни социологик таҳлил этиш;

– ижро этувчи ҳокимиятнинг назорат функцияси амалиётини ўрганиш, айниқса, адлия, прокуратура ва бошқа давлат органлари фаолиятининг йўналишлари бўйича қонун ва қарорларнинг ижросини ўрганиш;

– Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика Кенгаши маълумотларидан самарали фойдаланиш;

– маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунлар ижроси бўйича фаолиятини ўрганиш;

– нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қонун ижросига оид фикр-мулоҳазаларини таҳлил этиш;

– партия фракциялари орқали парламент назоратининг таъсирчанлигини ошириш;

– парламент назорати бўйича фуқаролар ижтимоий фаоллиги ва хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш чораларини кўриш;

– хуқуқшунос олим ва тегишли соҳа бўйича мутахассисларни жалб этган ҳолда уларнинг фикрларини ўрганиш.

Парламент назоратини ташкил этишда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо ва камчиликлар жумласига қўйидагилар киради:

– парламент назоратини тизимли, ташкилий ва малакали таъминлаш етарли йўлга қўйилмаганлиги;

– айрим депутат ва сенаторларда парламент назорати бўйича амалий иш кўнималарининг талаб даражасида эмаслиги;

– икки палатали парламент шароитида парламент назоратининг самарали шакл ва услубларидан талаб даражасида фойдаланилмаётганлиги;

– қонунчилик ҳокимияти томонидан парламент назоратига оид ваколатлар тизимининг изчил механизми ишлаб чиқилмаганлиги;

– парламент назорати институтининг принциплари ва илмий-назарий ва методологик асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

– парламент назорати ошкоралигига тўлиқ эришилмаганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги ахборот билан кенг жамоатчиликни хабардор қилишининг тизимли чоралари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

– парламент назорати бўйича пухта ишланган статистик ҳисоботлар шакли ишлаб чиқилмаганлиги;

– парламент назоратини амалга оширишнинг электрон дастурлаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги.

Парламент назоратини ташкилий таъминлаш самарадорлигини ошириш учун қўйидаги йўналишлар бўйича ишларни ташкил этиш зарур:

– парламент назоратининг илмий-назарий ва методологик асосларини тизимли таҳлил этиш;

– парламент назоратини ташкилий ва техник таъминлашни мунтазам тадқиқ қилиб ўрганиб боришни ташкил этиш;

- парламент назоратини амалга оширишда Конституция ва қонуннинг устунлигини тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш;
- фуқаро, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари ҳимоясининг мутаносиблиги, мувозанатини реал таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуqlари устуворлигига амалда эришиш;
- икки палатали парламент шароитида парламент назорати институтининг роли, аҳамияти ва палаталароро бу фаолиятни такомиллаштириш шакл ва услубларини ишлаб чиқиш;
- қонунчилик ҳокимиятининг ижро ҳокимияти органлари, суд ҳокимияти ва прокуратура ўртасида қонунлар ижросини назорат қилиш бўйича ўзаро харакат чегараси, тартиби ва механизмини ишлаб чиқиш;
- парламент назоратини амалга оширишнинг конституциявий асосларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида унинг мукаммал ҳуқуқий асосларини белгилаш;
- парламент назоратини амалга оширувчи депутат ва сенаторлар учун семинар-тренинглар ўтказиш ва тегишли ҳужжатлар намуналари тўплами ҳамда амалий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- парламент палатаси қўмиталарининг қонун ва қарорлар ижроси бўйича биргаликдаги иш режаларини ишлаб чиқиш;
- парламент назоратини амалга оширишда қонунчилик ҳокимиятига фуқаролар ва тегишли ташкилотлардан келиб тушган ариза, таклиф ва шикоятларни таҳлил қилиб, ўрганишни ташкил этиш;
- сайлов округларида депутат кунларини жорий этиш ва уларни қонунлар ижросига оид ахборотлар билан тўлиқ таъминлаш ҳамда давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари билан парламент назоратига оид ишларни мувофиқлаштириш;
- парламент назоратини амалга оширишда инсон ҳуқуqlари бўйича фаолият юритаётган муассасалар таҳлилларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;
- парламент назорати бўйича ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий таҳлил этиш ва парламент назорати натижаларидан қонун ижодкорлиги фаолиятида кенг фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунни татбиқ этишнинг механизmlарини бошқа турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттириш;
- парламент назорати бўйича таклифларни рўйхатга олиш, жамоатчилик иштирокини ташкил этиш ва бу борада социологик тадқиқотлар ўтказиш;
- парламентнинг назорат фаолияти бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш кабилар шулар жумласидандир.

Назорат учун саволлари:

1. Парламент назорати тушунчасига тавсиф беринг.
2. Парламент назорати объектларини тушунтириб беринг.
3. Парламент назорати субъектларига тавсиф беринг.
4. Ўзбекистон Республикасида «Парламент назорати тўғрисида» ги Конуннинг мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Хорижий мамлакатларда парламент назоратини амалга ошириш шаклларини тушунтириб беринг.
6. Мамлакатимизда парламент назоратини амалга оширишнинг қандай шакллари мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – 812 p.
2. Legislative Branch // Louisiana.gov. – Electronic data. Mode of access: http://louisiana.gov/Government/Legislative_Branch.
3. Legislative process: taking a Bill through Parliament. An overview of the process by which Bills become law [Electronic resource] // GOV.UK. <https://www.gov.uk/legislative-process-taking-a-bill>
4. Overview of Legislative Process // Official California Legislative Information. – <http://www.leginfo.ca.gov/bil2lawx>
5. Parliamentary Control of National Parliaments in the European Union: Germany, Sweden and Hungary. IPSA World Congress 2014 Montreal. - 19-24 p.
6. Global parliamentary report. The changing nature of parliamentary representation. UNDP and IPU. - Denmark. - 123 p. <http://www.undp.org/content/dam/undp/library/Democratic>.

2-мавзу: Давлат бошқаруви муносабатларини модернизациялаш шароитида маъмурий процедураларни ҳуқуқий тартибга солиш.

Режа:

- 2.1. Маъмурчилик механизми ва ҳуқуқий давлат.
- 2.2. Маъмурий процедуралар (тартиб-таомиллар) тушунчаси ва аҳамияти.
- 2.3. Маъмурий процедураларнинг Ўзбекистондаги бугунги ҳолати ва ривожланиш имкониятлари.
- 2.4. Маъмурий процедуралар предмети ва амал қилиши соҳаси.
- 2.5. Маъмуриятчилик тартиботлари тизими ва тамойиллари.

Таянч иборалар: маъмурий жараён, маъмурий процедура, маъмурий ҳужжат, маъмурий орган, маъмурий шикоят, маъмурий иш юритув

2.1. Маъмурчилик механизми ва ҳуқуқий давлат.

Ҳуқуқшунос мутахассислар ҳуқуқий давлатга барча учун мажбурий бўлган ва барчанинг тенглигини таъминлайдиган қонун амал қилувчи давлат сифатида таъриф берадилар. Баъзилар эса бунга ушбу қонуннинг ҳалқаро стандартларга мос бўлиши зарурияти қўшимча қиласи. Бундай таъриф «ҳуқуқий давлат» тушунчасининг биргина жиҳати, холос. Янги мустакил давлатлардаги демократик давлат қуриш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, умумқабул қилинган тамойиллар ва меъёrlарни эълон қилувчи, энг мукаммал хорижий намуналар асосида яратилган қонунлар амалда бирон бир нарсани ўзгартиришга қодир бўлмаслиги мумкин. Шундай ҳолат вужудга келадики, қонундан қатъий назар, амалиёт ўз йўлидан давом этади, анъаналар ва конъюнктурага амал қиласи. Ушбу ҳолатга олимлараҳолининг ўзига хос фикрлаш тарзини сабаб сифатида кўрсатиб «ишиламайдиган» қонунлар муаммоси бўйича бош қотириш билан овора.

Ваҳоланки, бунинг сабаби оддий: самарали маъмурчилик механизми яратилмаганлиги ёки маъмурий тизим қонун меъёrlарини амалга оширилишининг сифатини етарли даражада таъминламаганлигидир. Бу эса албатта маъмурчиликни ҳуқуқий тартибга солишини яхшилашни заруратини талаб этади.

Тарихий шарт-шароитлар туфайли одил судлов нисбатан батафсил ҳуқуқий тартибга солинган. Суд процесси қонун билан батафсил тартибга солинганлиги ҳеч кимга сир эмас. Фуқаролик, хўжалик ва жиноят процессларини тартибга солувчи батафсил тартиб-таомиллар мавжуд. Шу

сабабли, ўтиш даврининг барча қийинчиликлариға қарамай, суд мамлакатда ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг энг яхши шакли бўлиб қолмоқда. Гап маъмурий органлар ҳақида кетганда эса, нима сабабданdir ҳуқуқий тартибга солиш унутилади, маъмурий органлар учун тезкорлик ва бошқарувга оид эркинликнинг аҳамияти рўкач қилинади. Аслида бундай дастаклар умуман асоссиз, чунки, биринчидан, ҳуқуқий давлатда маъмурий органлар қонун асосида фаолият юритиши керак, бу эса маъмурчиликни батафсил ҳуқуқий тартибга солинишини тақозо қиласди, иккинчидан, ҳуқуқий тартибга солиш маъмурий органларни ортиқча чегаралashi мажбурий эмас – бу ерда оқилона ташкилий-ҳуқуқий механизм зарур, учинчидан эса, маъмурий-бошқарув фаолияти қўплаб бошқарувга оид хатолар ва расмиятчилик муаммолари ҳуқуқий тартибга солинган тақдирда муваффақиятли ҳал қилиниши ва уларнинг олди олиниши мумкин бўлади.

Ҳуқуқий давлат масаласига қайтадиган бўлсак, факат унда маъмурчиликдаги барча жиддий масалалар аниқ тартибга солинган тақдирдагина уни ҳуқуқий деб аташ мумкин. Маъмурчилик қонунга асосланган бўлиши ва у томонидан белгиланган доираларда амалга оширилиши лозим. Шундагина давлат сиёсати изчиллик касб этади: ҳуқуқий меъёрларни эълон қилиш орқали давлат амалиётда улардан воз кечмайди!

Давлат сиёсатининг яхлитлиги ва изчиллиги масаласи иқтисодий нуқтаи назардан алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, бозор иқтисодиёти фақат аниқ ва барқарор «қоидалар» мавжуд бўлган шароитда, яъни давлат мамлакатда хўжалик юритиш фаолиятига оид қоидаларни ошкора ўрнатган ва уларнинг иқтисодий ҳаётда барқарор бажарилишини таъминлагандагина ривожланиши мумкин. Шундай экан, барча бозор муносабати иштирокчилари ишонч билан сармоясини бизнесга сарфлаши, ишини ўзи юритиши, истиқбол режаларини тузиши мумкин бўлади. Тадбиркорлар амалдорлар томонидан ҳокимият ваколатини сустеъмол қилмаслиги, ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чекламаслигига ишончи комил бўлиши керак.

Давлат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорлиги ошкора бўлиши ва қонунга асосланган бўлиши лозим. Шунда сармоя яширин ҳолатда қолмайди ва мамлакатдан четга чиқиб кетмайди, сармоядорларга келсақ, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий сармоядорлар ўз маблағларини иқтисодиётга кирита бошлайди. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳуқуқий тартибга солиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ана шундай муҳим аҳамиятга эга.

2.2. Маъмурий процедуралар тушунчаси ва аҳамияти.

Маъмурий процедуралар – бу қонунчилик томонидан белгиланган маъмурятилик жараёнини амалга оширишга доир қоидалардир.

Маъмурий процедуралар ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг энг муҳим элементлариданdir. Айнан улар маъмурий ҳуқуқ-тартибот жараёнини тартибга солади ва шу тарзда моддий маъмурий ҳуқуқий меъёрлар амалиётда қандай амал қилишини белгилайди. Бошқача айганда, маъмурий процедуралар – бу моддий қонунни реал ҳаётга эга бўладиган каналлар тизимиdir.

Мамлакат кўламида маъмурчилик жараёнига минглаб маъмурий органлар ва ўн минглаб мансабдор шахслар жалб қилинган. Ҳар куни мазкур улкан маъмурий машина одамлар, ташкилотлар ва умуман жамият тақдирини белгиловчи юзлаб ҳуқуқий қарорларни ишлаб чиқади. Оммавий бошқарув нуқтаи назаридан умумий манфаат учун маъмурчилик қандай аҳамият касб этишини эътиборга олган ҳолда бутун мамлакат бўйлаб ушбу фаолиятнинг керакли сифатини таъминлаш қанчалик муҳимлигини англаш мумкин.

Маълумки, оммавий фаолиятнинг сифати унинг стандартлаштирилиши ёки технологиялаштирилиши хисобидан таъминланади. Демак, қонун давлат бошқаруви соҳаси ва тармоғидан қатъий назар ҳар қандай маъмурий орган ёки мансабдор шахс учунмажбурий бўлган маъмурчиликнинг ягона ҳуқуқий стандартларини ўрнатиши керак. Қонуннинг доиравий талабалари асосида маъмурчиликнинг базавий универсал талабаларини ва айни пайтда алоҳида тармоқ ва соҳалардаги бошқарувга оид масалаларнинг ўзига хослигини хисобга оловчи ҳуқуқий тизимини ишлаб чиқилиши лозим. Бу ўринда гап маъмурий-бошқарув жараённи тартибга солиш механизини яратиш ҳақида бормоқда. Маъмурчиликнинг фақат ана шундай тизимли тартибга солинишига эришилган тақдирдагина бутун мамлакат кўламида маъмурий органлар уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни сифатли ва самарали бажаришга қодир бўлади.

Маъмурий процедуралар моҳиятан маъмурчилик жараёнини тартибга солувчи ҳуқуқий стандартлар тизимиdir. Улар маъмурчиликни шундай ташкиллаштириш имконини берадики, токи у оммавий ҳокимиятнинг белгиланган меъёрига мувофиқ амал қиласи ва ҳақиқатдан ҳам умумий манфаатга хизмат қиласи. Маъмурчилик чоралари воситасида хусусан қуйидаги масалалар ҳал қилинади:

- маъмурчилик жараёнида қонунийлик таъминланадива маъмурий

органларнинг фаолияти аниқ қонун доирасига солинади;

- маъмурчиликнинг холислиги ва адолатлилиги кафолатлари яратилади;
- маъмурчиликнинг ошкоралиги, унинг оммавий (суд, парламент, жамоатчилик) назорати ва ички идоравий назорат учун очиқлиги ошади;
- давлат мансабдор шахсларининг онглилиги, шунингдек, билим даражаси ва касбий маҳорати ўсишига кўмаклашувчи шарт-шароитлар яратилади;
- маъмурчиликда хусусий шахс ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатлари яратилади;
- ҳокимият нуфузи яхшиланади, жамиятнинг маъмурий тизимга нисбатан ишончи ортади;
- маъмурий органларда ягона маъмурчилик амалиёти ривожланиши учун асос яратилади.

Шу тарзда маъмурчиликка оид тартиботлар – бир пайтнинг ўзида маъмурий ҳуқуқнинг барча тамойилларига хизмат қилувчи институтдир. Маъмурчиликка оид тартиботлар маъмурчилик жараёнida оммавий ва хусусий манфаатларнинг уйғун нисбатини, яъни оммавий ҳокимиятнинг адолатли мезонини таъминлаши керак. Албатта адолатли мезон маъмурий органлар ваколати ва фуқароларнинг ҳуқуқларини белгиловчи моддий-ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилиши лозим. Аммо маъмурчилик жараёни ҳам мутаносиб тарзда тартибга солиниши керак, зоро ҳуқуқни қўллаш жараёнida адолатли чора бузилмаслиги керак. Агарда моддий жиҳатга ҳуқуқий тартибга солишнинг процессуал жиҳати қўлланилса, бунда амалиётда адолатли мезоннинг қўлланилиши эҳтимоли жиддий равишда ошади. Амалга ошириш механизми, яъни процессуал механизм моддий қонун томонидан белгиланган чоранинг бажарилишини таъминлаши керак.

2.3. Маъмурий процедураларнинг Ўзбекистондаги бугунги ҳолати ва ривожланиш имкониятлари.

"Маъмурий процедуралар (тартиботлар)" тушунчаси мамлакатимиз фани учун янгилик бўлиб, амалдаги қонунчилиқда яқин йиллардагина қўлланила бошланди. Аммо ҳуқуқий воқелик сифатида маъмурий процедуралар (тартибот) ҳар доим мавжуд бўлган. Совет даврида ҳам давлат бошқаруви бирмунча батафсил тартибга солинган эди, аммо регламентация асослари ва унга ёндашув хориждаги қоидаларга нисбатан тубдан фарқ қиласи эди. Агарда ривожланган демократик давлатларда давлат бошқарувининг ҳуқуқий тартибга солиниши энг аввало оммавий ва

хусусий сармоядрларнинг маълум консессусини ифодалаб расмийлаштирган бўлса, совет давлатида бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас эди: давлат-бошқарув фаолиятининг расмий тартиби давлатнинг ташкилий манфаатларига хизмат қилар эди. Шу сабабли ташкилий-бошқарувга оид регламентлар маъмурий процедуралар (тартиботлар) нисбатан анча пухта ишлаб чиқилган эди. Айни пайтда улар дастлабкиларга нисбатан илова, уларнинг ташқи давоми деб ҳисобланган.

Мустақил ривожланиш йиллари давомида Ўзбекистонда давлат бошқаруви, хусусан, маъмурчилик соҳасида босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳозирги пайтда биз шуни тан олишимиз керакки, Ўзбекистонда давлат бошқаруви соҳасида амал қилувчи турли туман маъмурий тартиботларни ягона шаклга тушириш бўйича маъмурий ислоҳотларнинг туб мазмунини ташкил этмоқда. Айни пайтда қонунчилиқда маъмурий органлар фаолиятининг ягона ҳукуқий стандартлари яратиш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса давлат бошқаруви шаффоғлигини янада оширишга, лавозим суиистеъмолчиликлари ва порахўрликни олдини олиш ва маъмурий иш юритиш жараёнида жисмоний ва юридик шахслар ҳукуқларининг бузилишини олдини олишга олиб келади. Бунинг баробарида давлат бошқарувининг қонунийлик ва самарадорлигини ошишига хизмат қиласи.

Мамлакатимиз давлат бошқарувида вазиятни сифат жихатидан янада яхшилаш учун нима қилиш керак? Шундай қилиш керакки, бутун давлат бошқаруви қонун томонидан белгиланган ягона ҳукуқий стандартга мослаштирилиши зарур. Энг аввало, Конституция ва қонунлар, шунингдек маъмурий ҳукуқнинг ягона тамойиллари негизида маъмурийлаштириш тартиботларини бирхиллаштириш ва тизимлаштириш зарур. Маъмурчиликнинг энг аҳамиятли жиҳатларини: ишлаб чиқаришни қўзғатиш, керакли тартибда хабардор қилиш, ишни кўриб чиқиш, манфаатдор шахслар фикрларини эътиборга олиш, қарор қабул қилиш ва ҳ.з.ларни ягона тартибда регламентга солиш керак.

Савол туғилиши мумкин: бундай стандартни ўрнатиш мумкинми? Жаҳон амалиёти бу саволга тасдиқ жавобини бериш имкониятини яратади. Қайси соҳада бўлмасин, маъмурийлаштириш, моҳиятан бир хил фаолиятдир: давлат-ҳокимиятга оид ваколатларга эга маъмурий орган унинг ваколатига кирувчи муайян масалани (маъмурий ишни) кўриб чиқмоқда ва маъмурий далолатнома орқали уни маълум тарзда ҳал қиласи, бу эса ушбу жараёнга жалб қилинган манфаатдор шахслар учун юридик оқибатлар келтириб чиқади. Моҳиятан, маъмурий орган ишни ҳал қилишда, биринчи навбатда, ҳукуқий меъёрларга, сўнгра ўзининг

вазифалари ва функцияларидан келиб чиқувчи ҳуқуқий меъёрларга амал қилиши керак. Айни пайтда бунда субъектив омилга йўл қўймаслик керак. Маъмурий тизим амал қилишининг умумий идеал модели ана шундан иборат. Ушбу моделга таянган ҳолда маъмурийлаштириш жараёнида маъмурий орган томонидан амалга ошириладиган барча асосий хатти-ҳаракатларни тартибга солувчи ҳуқуқий стандартларни ишлаб чиқиш керак. Сўнгра ушбу стандартлар давлат бошқарувининг барча соҳалари ва тармоқларига уйғулаштирилиши лозим, факат шунда бутун давлатда қонунийликнинг базавий даражасини ва маъмурийлаштириш сифатини таъминлаш мумкин.


Маълумот учун!!!

Маъмурий процедуралар тўғрисида”ги қонуннинг тез орада қабул қилинishi зарурлигини қайд этиши керак. Унда маъмурийлаштиришининг умумий тамоийлари ва ягона ҳуқуқий стандартлари: маъмурий ишларни қўзғатиш, маъмурий қарорларни қабул қилиш, устидан шикоят қилиш ва уларни ижро этиши тартиботлари белгилаб берилади. Бундан кўзланган мақсад маъмурий органлар фаолиятида ошкораликни кучайтиши ва холисликни, манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг тегишли ҳимояланишини таъминлашдан иборат.

“Маъмурий тартиботлар тўғрисида”ги қонун давр талабларига ва Ўзбекистон ривожланишининг стратегик манфаатларига жавоб берадиган давлат бошқарувининг келгуси модернизация қилинган тизимининг ўзагига айланмоги лозим. Қонун мамлакатдаги маъмурий процедура (тартибот)ларнинг ягона тизими асосларини яратади. Бирхиллаштирилган маъмурий процедурулар (тартибот) давлат бошқаруви тизимини янада тушиунарли, содда ва ошкора бўлишини таъминлайди. Халқаро амалиётда синовдан ўтган процедура (тартибот) тамоийлари ва институтларидан фойдаланиши лавозим суиистъемолчилклари имкониятларини сезиларли равишда камайтиради, маъмурийлаштириши жараёнида маъмурий холисликни ва манфаатдор шахсларнинг ҳимояланишини таъминлайди.

2. 4. Маъмурий процедуралар предмети ва амал қилиши соҳаси.

Демак, маъмурий тартибот – бу маъмурий-бошқарув жараёнини амалга оширишнинг ҳуқуқий тартиби. Маълумки, маъмурий органлар фаолиятида учта асосий компонентни ажратиб кўрсатиш мумкин:



- 1) индивидуал характердаги ташқи бошқарув (маъмурийлаштириш);
масалан, лицензия бериш, корхонани рўйхатдан ўтказиш,
ҳукуқбузарга нисбатан жазо чораларини қўллаш;
- 2) ички ташкилий фаолият; масалан, таркибий бўлинмани тузиш ёки
тугаллаш, идора ходимларига буйруқ бериш, раҳбар буйругининг
бажарилишини текшириш;
- 3) қонун ижодкорлиги фаолияти; масалан, идоравий йўриқномалар,
қоидалар; низомларни қабул қилиш.

Маъмурий процедуралар (тартиботлар) фақат биринчи компонентни - индивидуал характернинг ташқи бошқаруви ёки маъмурийлаштиришни тартибга солади. Қолган икки компонент (ички ташкилий фаолият ва қонун ижодкорлиги фаолияти) маъмурийлаштириш тартиботи предметига киритилмайди. Маъмурий органларнинг ички ташкилий фаолияти бошқарув регламентлари билан, қонун ижодкорлиги эса – қонун ости маъёрий-ҳуқуқий хужжатларни чоп этиш бўйича маҳсус процедуралар(тартиботлар) билан тартибга солиниши керак.

МАЪЛУМОТ УЧУН:⁸

Буюк Британияда давлатнинг энг асосий функцияларидан бири давлат бошқаруви органининг ваколатлари билан боғлиқ бўлган жисмоний ҳамда хусусий юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишадир. Давлат бошқаруви органи ёки бошқа тузилмаларга ўз қонуний ваколатларини амалга оширишларини таъминлаш билан бир қаторда, қонун чиқарувчи уларнинг ўз ваколатлари доирасидан чиқиб кетмасликлар учун улар устидан тегишли назоратни амалга ошириш механизмини ҳам ўрнатади. Ваколатларни беришда муайян чекловлар ва талаблар, масалан, ваколатларни вижданан ва коррупциядан холи тарзда амалга ошириш мажбурияти юклатилиши мумкин. Бунинг боиси шундаки, берилган ваколатларнинг кўлами жамиятда тан олинган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий қадрияларни ўзида акс эттиради.

Қонунийлик тамойилига қўра, маъмурий органлар фаолияти қонун асосида амалга оширилиши зарур. Айнича, маъмурийлаштиришни (ташқи бошқарувни) қонунга бўйсундириш муҳим аҳамиятга эга, зеро айнан у хусусий шахсларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатади. Айнан маъмурийлаштириш амалиётида хусусий шахслар хуқуqlарининг камситилиши эҳтимоли юқоридир. Шунинг учун Ўзбекистонда маъмурийлаштириш пухта тартибини яратиш устида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат қонунчилигига ваколатли орган хатти-ҳаракатлари муддати ва умумий изчиллигини белгилаш билан чегараланиб қолмай, айни пайтда маъмурийлаштиришнинг асосий масалалари ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг асоси сифатида қаралмоқда. Бунинг натижасида маъмурий орган ушбу масалаларни ўз ихтиёрича ҳал қилиши олди олинишига олиб келади.

Булар маъмурий ишлаб чиқаришнинг маъмурий қарорларнинг асослилиги, холислиги ва адолатлилигини белгилаб берувчи масалаларидир. Маъмурий қарорлар юқоридаги талабларга мос бўлиши учун камида қўйидагилар таъмигланиши зарур:

- тегишли тарзда хабардор қилиш; унга нисбатан маъмурий қарор

⁸ Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – Р. 648.

қабул қилинаётган шахс (шунингдек жараёning бошқа иштирокчилари) маъмурий орган унга нисбатан ҳукмга оид қарорини қабул қилиш ниятида эканлиги, шунингдек, мазкур жараёнда ушбу орган амалга оширадиган барча муҳим хатти-ҳаракатлар тўғрисида ўз вақтида ва тегишли тарзда хабардор қилиниши лозим²;

- унга нисбатан маъмурий қарор қабул қилинаётган шахс (шунингдек жараёning бошқа иштирокчилари) ушбу иш яқунланишига қадар ишга оид барча ҳужжатлар ва материаллар билан таништирилиши лозим;
- сўзи тингланишига бўлган ҳуқуқ; унга нисбатан маъмурий қарор қабул қилинаётган шахсга қарор қабул қилингунига қадар ишга оид барча материаллар бўйича ўз фикрини билдириш имконияти берилади, маъмурий орган эса қарор қабул қилишда жараёnnинг барча иштирокчилари фикрларини эътиборга олиши лозим;
- қарорнинг холислиги ва унинг тегишли тарзда асосланганлиги; тартибот маъмурий қарор холислигининг кафолатларини: рад этиш ҳуқуқи, ишни тайёрлаш, уни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда ваколатларнинг бўлиниши ҳуқуқи, шикоят қилиш тартибини кўзда тутиши зарур. Ҳар қандай маъмурий қарор тегишли тарзда асосланган бўлиши: мансабдор шахс хулосалари аниқ ифодаланган амалий ва юридик асосларга таяниши зарур;
- маъмурий ечимлар ва хатти-ҳаракатларнинг тегишли тарзда ҳужатли расмийлаштирилиши; агарда барча муҳим маъмурий қарорлар ва хатти-ҳаракатлар ягона стандарт асосида маҳсус ҳужжатлар билан расмийлаштирилса, ҳар доим ҳар қандай мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларини текшириб чиқиш ва уларни қонунлийлик ёки мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан баҳолаш имконияти мавжуд бўлади; шуниси муҳимки, ҳужжатларнинг шакллари(шаблонлари)да юқорида кўрсатиб ўтилган табалар бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар берилиши кўзда тутилган бўлиши керак;
- маъмурий ҳужжат, маъмурий органнинг бошқа ечими ёки хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш бўйича ишончли имконият.

Юқорида санаб ўтилган меъёрлар – маъмурийлаштириш жараёнида қонунийликни таъминловчи кафолатларнинг энг асосийлари дир. Жаҳон амалиётида маъмурийлаштириш жараёнида хусусий шахслар (фуқаролар ва юридик шахслар) ҳуқуқларининг бошқа кафолатлари ҳам маълум.

²Албатта, унинг ташаббусига кўра иш қўзгатилган аризачини иш қўзгатилгани ҳақида хабардор қилиш шарт эмас.

МАЪЛУМОТ УЧУН:⁹

Масалан, ГФРнинг 1976 йил 25 майдаги Маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунининг 25-параграфида маъмурий органнинг “тушунтиришлар ва илтимосномалар беришда кўмаклашиш, шунингдек, билмаслиги ёки эътиборсизлиги туфайли нотўгри берилган бўлса, буни тузатиш” мажбурияти кўзда тутилган. Белгиланишича, “заруратга кўра у жараён иштирокчиларига маъмурий жараёндаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича маълумот беради”

Шу тарзда, маъмурийлаштиришнинг барча асосий масалалари бўйича маъмурий ихтиёр чегарасини торайтириш асносида маъмурий процедуралар (тартиботлар) мансабдор шахслар хатти-ҳаракатларини ишончли тарзда қонунга бўйсундиради, маъмурий-бошқарув жараёнининг очиқлигини ва назорат остида бўлишини таъминлайди.

Маъмурий процедуралар ҳақида сўз кетганда уларга боғлиқ бўлган айрим тушунчаларга изоҳ беришимиз лозим. Хусусан, маъмурий жараённи маъмурий ишни қўзгатиш ва кўриб чиқиши, маъмурий қарорни қабул қилиши, устидан шикоят қилиши ва ижро этиши бўйича маъмурий тартибот билан тартибга солинган жараён ёки содда қилиб айтганда, маъмурий тартибот билан ташкиллаштирилган маъмурийлаштириш тушунлади. Бу ўринда “маъмурий иш” атамасини аниқлаштириш зарур. Мамлакатимиз юристлари бу атама остида маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ишларни тушинишга одатланган. Аммо маъмурий органлар ўзининг кундалик фаолиятида бошқа кўплаб маъмурий ишларни ҳам кўриб чиқади. Зеро, маъмурий иш – бу моҳиятан маъмурий орган ваколатига кирувчи ва хусусий ҳукмга оид қарор билан ҳал қилинишини, яъни маъмурий ишнинг эълон қилинишини тақозо этувчи масаладир.

Маъмурий ишларга мисоллар:

- корхонани рўйхатдан ўтказиш;
- лицензия бериш;
- рухсатнома (виза, божхона рухсатномалари) бериш;
- давлат мулкини хусусийлаштириш;

⁹ ¹Bundesrepublik Deutschland Verwaltungsverfahrensgesetz. In der Fassung der Bekanntmachung vom 23.01.2003 (BGBI. I S. 102) // <https://dejure.org/gesetze/BVwVfG>.

- маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш (маъмурий жазо чораси кўлланилганлиги тўғрисидаги иш);

- давлат нафақасининг тайинланиши.

Бундан кўринадики, маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш – бу маъмурий ишларнинг шаклларидан бири. Маъмурий иш – бу индивиудал тусдаги, яъни меъёрланмаган масала. Маъмурий-хуқуқий тартибга солишни талаб қилувчи масалалар маъмурий иш ҳисобланмайди. Маъмурий органларнинг ички ташкилий масалалари ҳам маъмурий иш ҳисобланмайди.

Маъмурий тартиботлар давлат бошқарувининг барча соҳалари ва тармоқларида талаб қилинади. Маъмурий тартиботларни такомиллаштириш лозим бўлган энг муҳим соҳаларни санаб ўтамиз:

- манфаатдор шахсларни ва улар билан тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш;
- мол-мулк ва уларга оид битимларни рўйхатдан ўтказиш;
- фаолиятнинн айрим турларни рўйхатдан ўтказиш;
- ер участкаларини, ер ости участкалари, ўрмон участкалари, сув объектларини бериш (сотиш), шунингдек мулқдордан ёки бошқа қонуний мулк эгасидан ушбу участкалар ва объектларни олиб қўйиш;
- манфаатдор шахсларга давлат ҳисобидан субсидиялар, товон пули, молиявий ва бошқа моддий ёрдам, квоталар, кафолатлар, имтиёз ва афзалликларни бериш;
- давлат мулкини ёки мулкий хуқуқларни бошқариш;
- манфаатдор шасхларга давлат фондидан турар-жой ва нотурар-жой хоналарини бериш;
- давлат нафақаси, ёрдам пулини тайинлаш, ҳисоблаш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш;
- манфаатдор шахснинг қонунчилик йўли билан белгиланган имтиёзлар ва афзалликлар олиш учун асос берувчи мақомини тан олиш;
- юридик аҳамиятга эга расмий хужжатларни бериш;
- божхона ва солиқ муносабатларини тартибга солиш;
- маҳсулот (иш, хизматлар) стандартизацияси, сертификацияси;
- давлат хизмати.

2.5. Маъмурий процедуралар тизими ва тамойиллари.

Маъмурий процедуралар тизими. Маъмурийлаштиришнинг тўлиқ стандартлаштирилишини таъминлаш учун маъмурий процедуралар (тартиботлар) тизимлаштирилиши, яъни ягона тизим сифатида шакллантирилиши керак. Ўйлаймизки, “Маъмурий тартиботлар тўғрисида”ги қонунда ягона доиравий тартиботни белгилаш ва у асосида маъмурий тартиботларнинг алоҳида соҳалари, тармоқлари ва масалалари учун маҳсус процедуралар (тартиботлар) ишлаб чиқилади. Доиравий маъмурий процедуралар (тартиботлар) деганда маъмурий ишларнинг барча тоифалари учун мажбурий бўлган процедуралар (тартиботлар) кафолатларининг зарурий энг кам микдорини тушунилади, бунда қонунда кўзда тутилган чиқаришлар ва ҳар қандай маъмурий тартиботларнинг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи қоидалар истисно қилинади. Доиравий процедуралар (тартиботлар) маъмурийлаштиришнинг ҳар қандай соҳаси ёки тармоғида, хусусан, солиқ, божхона муносабатларида ёки лицензия беришда, исталган маъмурий ишни кўриб чиқишида бажарилиши шарт.

Айни пайтда давлат бошқарувининг алоҳида тармоқларидаги маъмурийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини унутмаслик керак. Ушбу жиҳатлар маҳсус қонунчилик, яъни алоҳида тармоқ ва соҳалардаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари ва давлат бошқарувининг алоҳида масалалари бўйича алоҳида масалалар бўйича маҳсус процедуралар (тартиботлар) томонидан ҳисобга олинади. Жумладан, Божхона кодексида ўзининг маҳсус тартиботи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида – ўзининг тартиботи, лицензиялаш тўғрисидаги қонунда – ўзининг тартиботи кўзда тутилиши мумкин. Ушбу барча процедуралар (тартиботлар) доиравий процедуралар (тартиботлар)га мос келиши керак. Маъмурий тартиботлар тизими яхлитлигининг шартлари шулардан иборат.

“Доиравий тартиботлар” тушунчasi қонун чиқарувчи учун янгиликдир: ҳозирги пайтгача у миллий қонунчиликда қўлланилмаган. Аммо ушбу тушунча асосида турган тамойил (ҳуқуқий тартибга солишга ҳуқуқий ёндашув) анчадан буён қонунчиликда қўлланилади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси яққол мисол бўла олади, унда мамлакатимизда ижтимоий муносабатларни ва қонунчилик тизимини шакллантиришнинг асосий тамойиллари белгиланган. Бунда Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари мамлакатнинг Асосий қонуни асосида ва унда кўзда тутилган кафолатларни ижро этиш мақсадида қабул қилиниши кераклигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бош йўналишни белгилайди,

унинг доирасида эса давлат қурилиши ва бошқаруви амалга оширилиши керак.

Доиравий маъмурий процедуралар (тартиботлар) барча маъмурий органлар учун мажбурий бўлган, яъни барча маъмурий органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъмурий ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш, маъмурий қарорларни қабул қилиш жараёнида амал қилиниши шарт бўлган асосий талаблар (қоидалар) дир. Шу тарзда, доиравий маъмурий процедуралар (тартиботлар) – моҳиятан маъмурийлаштириш конституциясидир.

Маъмурий органлар фаолияти соҳалари, улар олдига қўйилган вазифалар каби хилма хиллиги билан фарқланади. Алоҳида соҳаларда маъмурийлаштиришнинг ўзига хослиги маҳсус маъмурийлаштириш тартиботларида акс эттирилиши лозим. Маҳсус процедуралар (тартиботлар)нинг моҳияти шундаки, улар чегарасидан ташқарига чиқмай, доиравий маъмурий тартиботда кўзда тутилган айрим қоидаларни аниқлаштиради. Масалан, улар маъмурий ишни кўриб чиқишнинг қисқароқ муддатини, рад этишнинг батафсил тартибини, далиллар тадқиқоти ва ҳ.з. нинг қисқароқ муддатини кўзда тутиши мумкин.

Маҳсус маъмурий процедура (тартибот) у ёки бу соҳада маъмурийлаштиришнинг ўзига хослигини эътиборга олиши керак, у доиравий процедур (тартибот)га зид бўлмаслиги керак. Бунинг учун қонун процедуралар (тартиботлар)нинг бундай номувофиқлиги мезонларини белгилаши керак.

Маҳсус маъмурий процедуралар қуйидаги ҳолатларда доиравий маъмурий процедураларга зид ҳисобланади

- ➡ манфаатдор шахсларнинг доиравий тартиботда кўзда тутилган хукуқларини бекор қиласди ёки чегараласа;
- ➡ манфаатдор шахслар учун доиравий тартиботда кўзда тутилган мажбуриятларнинг мазмунини манфаатдор шахслар фойдасига зид тарзда ўзгартирса;
- ➡ маъмурий органларнинг доиравий тартиботда тақиқланган ҳаракатларига рухсат беради ёки уларга йўл қўйса;
- ➡ доиравий тартиботда белгиланган тушунчалар ва атамалар мазмунини манфаатдор шахслар фойдасига зид тарзда ўзгартирса;
- ➡ доиравий процедураларнинг умумий асосига ёки туб мазмунига бошқача тарзда зид бўлса.

Процедура (тартибот)лар номувофиқлигини аниқлаш қоидалари Ўзбекистонда маъмурий тартиботларни бирхиллаштириш борасидаги муҳим қадамга айланади. Айнан улар мамлакатдаги процедура (тартибот) механизми тизимишининг яхлитлиги кафолати ҳисобланади. Фикримизча, бундай қоидалар моддий-ҳуқуқий меъёрларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Шу тарзда маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларда номувофиқликлар ва зиддиятларга оид кўплаб муаммолар ҳал қилиниши мумкин.

Яна шуни қайд лозимки, истисно тарзида маъмурий органлар томонидан фавқулодда ҳолатлар, ҳарбий давр ёки қонунда кўзда тутилган бошқа фавқулодда ҳолатлар учун алоҳида маъмурий процедура (тартибот)лар кўзда тутилиши лозим. Кўрсатилган процедура (тартибот)лар айrim ҳолатларда манфаатдор шахсларнинг доиравий процедура (тартибот)да кўзда тутилган ҳуқуқларини чегаралаши мумкин. Шу тарзда, маҳсус процедура (тартибот)лардан фарқли равишда алоҳида маъмурий процедура (тартибот)лар доиравий процедура (тартибот) чегарасидан чиқиши, маъмурий ишларни кўзғатиш ва кўриб чиқиш, шунингдек маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича алоҳида қоидаларни белгилаши мумкин. Аммо бундай процедура (тартибот)лар факат қонун орқали ва факат алоҳида ҳолатлар учун белгиланиши зарур.

Маъмурий процедуралар тамойиллари. “Маъмурий процедуралар тўғрисида”ги қонуннинг энг муҳим вазифаларидан бири кейинчалик маҳсус қонунчиликда уйғунлаштириладиган маъмурий процедура (тартибот)ларнинг умумий тамойилларини белгилаш ҳисобланади. Ушбу тамойилларнинг аксарияти маъмурий ҳуқуқ учун умумий ҳисобланади, айримлари – маъмурий процедура (тартибот)лар учун ўзига хосдир. Хусусан, асосий тамойиллар сифатида маъмурий процедураларнинг қуидаги тамойилларини кўриб чиқиш мумкин: қонунийлик, тингланиш ҳуқуқи, холислик, маъмурий қарорлар ва ҳаракатларнинг етарли даражада асосланганлиги, қонунчиликдаги ноаниқликларни манфаатдор шахслар фойдасига шарҳлаш, ошкоралик, расмиятчиликка йўл қўймаслик, мазмунлилик, мутаносиблик.



Назорат саволлари:

1. Маъмурий процедуралар тушунчасига тавсиф беринг.
2. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедураларнинг ҳолати қандай?
3. Ўзбекистон Республикасида «Маъмурий процедуралар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, маъмурий процедураларга тавсиф беринг.
5. Ўзбекистон Республикасида қайси қонунларда маъмурий процедураларнинг белгилари мавжуд.
6. Маъмурий процедураларнинг ижобий томонларига тавсиф беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Э.Хожиев. Т.Хожиев Маъмурийхукуқ. Дарслик. -Т.:ТДЮИ, 2006.
2. A W Bradley and K D Ewing. Constitutional law and administrative law, Great Britan 2011.

3-мавзу: Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш шароитида давлат хизматини ислоҳ қилиш.

Режа:

- 3.1. Мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида давлат хизматини ислоҳ этишнинг умумий тушунчаси ва мазмуни.
- 3.2. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асослари.
- 3.3. Жамият ва давлатни модернизация қилиш шароитида давлат хизматининг аҳамияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
- 3.4. Давлат бошқарувини такомиллаштириш жараёнида давлат хизматининг мақсади ва вазифалари.

Таянч иборалар: *Давлат мансаби, профессионал фаолия, компетенция, мансаб мажбурияятлари, давлат-хизмат фаолияти*

3.1. Мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида давлат хизматини ислоҳ этишнинг умумий тушунчаси ва мазмуни.

“Тараққиёт босқичида кадрлар билан ишилаш ўта муҳим, амалий аҳамият касб этади. Илгаригидаги сингари кадрларни шунчаки танлаб жой-жойига қўйии билан иш битмайди. Аввало, одамларни, биринчи галда, барча даражадаги бошқарув ва ишилаб чиқариии раҳбарларини ўқитиши, тарбиялаши керак”¹⁰

И.А.Каримов

Ўзбекистон Республикасида барча бўғиндаги давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга тегишилдири. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингининг биринчи чақириқ иккинчи сессиясида Президентимиз томонидан давлат хизматини қайта ташкил этишнинг асосий тамойиллари, лавозимлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш, давлат хизматчилари ҳуқуклари ва мажбурияятларининг доирасини белгилаш, давлат хизматини ўташ тартиби бўйича фикрлар билдирилган.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ҳуқуқий тартибга солиш масаласига тўхталадиган бўлсак, амалда ягона қонун мавжуд эмаслиги давлат хизмати ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмайди деган тушунчани келтириб чиқармайди. Давлат хизмати комплекс равишда турли қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Жумладан, давлат хизмати соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар Ўзбекистон

¹⁰Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар-тараккиёт омили.-Тошкент: Ўзбекистон, 1995.

Республикаси Конституцияси, маъмурий, молия, меҳнат ва бошқа қонунчилик соҳалари билан хуқуқий тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини ташкил этиш асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси белгилаб берса, уни амалга ошириш эса давлат хизмати тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари асосида тартибга солинади. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги кунга қадар давлат хизмати тўғрисида алоҳида қонун қабул қилинмаган.

Маълумот учун

Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати деганда - давлат ташкилотида давлатнинг олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилган меҳнат фаолияти тушунилади.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, давлат хизматини ташкил этиш асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси белгилаб беради. Конституцияни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, миллий давлатчилигимизни ташкил этиш ва ривожлантиришда «давлат хизмати институти» катта аҳамиятга эгадир. Давлат хизматини тўғри ташкил қилиш орқали ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эришишимиз мумкин. Чунки давлат хизмати ижтимоий мувозанатни, ички ва ташқи хавфсизликни ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришда барча инфраструктураларнинг функцияланишини таъминлашда хизмат қиласди.

Давлат хизмати соҳасида хорижий тажрибага тўхталадиган бўлсак Президентлик республикалари ва дуалистик монархиялар раҳбарларининг, парламентлик республикалари ва монархияларда давлат ва ҳукумат раҳбарлиги остида, яrim президентлик республикаларида давлат ва ҳукумат раҳбарларининг муштарак раҳбарлиги (муайян мутаносибликда) остида давлат хизматчиларининг улкан аппарати фаолият кўрсатади.

АҚШда фуқаролик хизмати бўйича кўп сонли ва ўта батафсил ҳуқуқий меёrlар асосан қонунлар тўпламининг кодификациялаштирилган бешинчи қисмида жойлашган.¹¹

“Давлат хизмати” тушунчаси турли таърифларга эга. Бир томондан, давлат хизмати дейилганда оммавий ҳокимият органлари тушунилади. Бошқа томондан, давлат хизмати бу – давлат хизматчиларининг давлат органларида ўз вазифлаларини адо этишидир. Бошқача қилиб айтганда будавлатнинг асосий мақсадалари-иқтисод, маданият, ижтимоий соҳани ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манбаатларни ҳимоя қилиш, жамоатчилик тартибини сақлаш ва миллий хавфсизликни таъминлаш, давлатнинг ташқи сиёсатини амалга оширишга

¹¹ Kahn R.et al.Americans Love their bureaucrats/ Bureaucrats power in National Policy making. Boston 1986.

йўналтирилган давлат ҳокимияти органлари аппаратида лавозимни эгаллаб турган шахсларнинг фаолиятидир.

Германияда худди бошқа бир қатор мамлакатларда бўлганидек давлат хизмати ўзбекчага сўзма-сўз таржима қилинса “ижтимоий Германия” ёки “оммавий” хизмат деб аталади.¹² Бу тушунча давлат муассасаларида барча ходимларни қамраб олади. Бунга фақат бошқарув ходимлари эмас, балки ўқитувчилар, мактабгача муассасалар ходимлари, давлат университетларининг профессорлари ва ўқитувчилари, судьялар, вазирлар, Федерал банк дирекцияси аъзолари, шунингдек полициячилар, ҳарбий хизматчилар, темир йўллар, почта муассасалари хизматчилари ва бошқалар киради.

Маълумот учун

Буюк Британияда замонавий фуқаролик хизмати асослари 1850-1870 йилларда ёқ яратилган эди. Парламент томонидан ажратиладиган маблағлардан маош оладиган вазирлар (департаментлар) ва марказий муассасалар ходимлари Буюк Британия фуқаролик (давлат) хизматчиларидир.



¹²Mayer F. ALLgemeines Verwaltungsrecht: Eine Einführung.-Stuttgart-München, 1977. S.15/

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан белгилаб берилган асосий вазифаларни бажаришда давлат хизмати катта рол ўйнайди. У демократик мувозанатни, ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларига риоя қилинишини ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг муҳофазасини таъминлайди. Давлат хизмати орқали давлат сиёсати, олиб борилаётган ислоҳотлар демократик тарзда ҳаётга татбиқ қилинади.

Барча давлат хизматчилари ўз фаолиятларини Конституция ва амалдаги қонунлар асосида олиб бориш, Конституция ва қонунлардан келиб чиқадиган талабларни ҳаётга татбиқ қилишлари ҳамда бу соҳада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг устунлигини таъминлаш мақсадида ташкил қилишлари лозим.

Давлатимиз олдига қўйилган мақсадларнинг рўёбга чиқиши қўп жиҳатдан давлат органларини ва уларнинг фаолиятини, яъни давлат хизматини тўғри ташкил этишга боғлиқдир. Буюк Британия давлат хизматининг вазифаси сифатида давлат сиёсатини ривожлантириш деб белгилаб қўйилган.¹³

Демак, Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қўрсатиб ўтилган тамойиллар ва бошқа ҳолатлар асосида, яъни ҳалқ ҳокимиятчилиги (7-14-моддалар), инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари (18-52-моддалар), давлат тузилиши (68-75-моддалар), президентлик институти (89-97-моддалар), Ҳукумат (98-модда), суд ҳокимияти (106-116-моддалар), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (99-105-моддалар) ва бошқалар асосида ташкил этилиши ва ривожланиши лозим.

3.2. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг ислоҳ этишининг ҳуқуқий асослари.

Давлат хизматини ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида қабул қилинган жорий қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам катта аҳамиятга эгадир. Масалан, 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуни. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳисобланган - Вазирлар Маҳкамасида давлат хизматини ўташнинг умумий асосларини белгилаб беради.

¹³ Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2011. – P. 273.

Давлат хизматининг хукуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси

«Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»

«Маҳаллий давлат ҳокимияти
тўғрисида»

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда маҳаллий ҳокимият органлари - вакиллик ва ижро ҳокимияти органларида хизматни ўташнинг ҳукуқий асослари ўрнатилгандир. ҳалқ депутатлари кенгаши ва ҳокимнинг фаолиятида қонунийликнинг кафолатлари ўрнатилгандир.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини тартиба солишда Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банки тўғрисида»ги, “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги ва бошқа қонунлари ҳам катта аҳамиятга эгадир.


Давлат хизмати соҳасида юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва бошқа давлат ҳокимияти органларининг меъёрий ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Буюк Британияда давлат хизматчиларининг ҳукуқлари, мажбуриятлари ва ахлоқ қоидалари Давлат хизмати кодексида белгилаб қўйилган.¹⁴

Давлат органларида хизматни ташкил этиш, хизматчиларининг ҳукуқий мақоми, давлат хизматини ўташ тартиби ва бошқа масалалар давлат органларининг Низом ва Уставлари билан ҳам тартибга солинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида»ги Низом. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб берами.

¹⁴ Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2011. – P. 279.

Давлат-хизмат муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари



Юқоридагилардан кўриниб турибдики, давлат хизматини тартиба солишда конституциявий ҳуқуқ меъёрларидан ташқари, маъмурий, меҳнат, молия, жиноят ва бошқа ҳуқуқ меъёрлари ҳам иштирок этади.

Бизга маъмурий ҳуқуқ фанидан маълумки, давлат хизмати маъмурий ҳуқуқнинг асосий ва ривожланиб бораётган институтларидан бири ҳисобланиб, давлат хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартиба солувчи маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар йифиндисидан иборатdir.

Эътибор беринг

Давлат хизмати - маъмурий ҳуқуқнинг асосий қисмларидан бири бўлиб, давлат хизматини ташкил этиш босқичида, шунингдек, унинг функцияланишида деярли барча маъмурий-ҳуқуқий институтларни - ижро ҳокимияти, давлат бошқаруви, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, маъмурий ҳуқуқ субъектлари, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, маъмурий-ҳуқуқий усул ва шакллар, давлат мажбурлов чоралари, маъмурий жавобгарлик, ижро ҳокимияти тизимида контрол ва назорат ва бошқаларни бирлаштиради.

Оҳирги вақтларда бюджет, солиқ, банк ва бошқа молиявий муносабатларнинг ривожланиши давлат хизматини тартибга солишдаги молия қонунчилигининг аҳамиятини янада оширди. Давлатнинг молиявий фаолияти давлат бошқарувининг бир қўриниши бўлганлиги сабабли ҳам, давлатнинг молиявий фаолияти давлат хизматчилари томонидан амалга оширилади. Ҳуқуқий тартибга солиш усулига кўра молия қонунчилиги маъмурий қонунчиликка ўхшаб кетади, яъни буларнинг иккаласи ҳам давлат ҳокимият кўрсатмалари усулига ва субъектларнинг тенгсизлигига эгадир.

Қонунчиликка биноан фуқаролар давлат хизматида бевосита иштирок этишлари мумкин. Бундай иштирок давлат хизматида маълум бир фаолиятни амалга ошириш ёки давлат органларига мурожаат қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Конституциянинг 35-моддасига биноан эса ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф, шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шу ҳолатни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат хизматида бевосита иштирок этишга фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқароларигина эга бўлиб ҳисобланадилар.

Федерация даражасидаги АҚШдаги замонавий фуқаролик хизмати 1883 йилда Фуқаролик хизмати тўғрисидаги Қонундан бошланган.

Фуқаролик хизматини йўлга солувчи қонунчилик сўнгги йилларда бир неча марта тўлдирилди ва ўзгартирилди.¹⁵ Сўнгги энг аҳамиятли ҳужжатлардан бири 1978 йилдаги Фуқаролик хизматини ислоҳ қилиш тўғрисидаги Қонун бўлди. Мазкур қонун билан комиссиялар ўрнига мустақил муассасалар сифатида учта янги орган (Ходимларга раҳбарлик бошқармаси, Алоҳида маслаҳатчи бошқармаси ва Хизматлар тизимини муҳофаза қилиш кенгаши) яратилди.

Буюк Британияда 1947 йилда қабул қилинган Қирол иш юритуви тўғрисидаги Қонун¹⁶нинг 6-моддасида давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган.

Ушбу қонунга кўра, давлат хизматини маъмурий профессионал, техник ва бошқа жиҳатдан ташкил этиш, марказий ҳукумат идоралар мансабдор шахслари томонидан таъминланган. Давлат хизматчилари ҳукумат сиёсатини амалга ошириш учун ишлаб, шунга кўра вазифаларни бажаради. Давлат ва фуқаролик хизматчиси маҳсус ҳуқуқий мақомга эга эмас. Давлат хизматчиси фуқаролик позициясида ишлайдиган қироллик хизматчиси сифатида белгиланган сиёсий (ёки суд) ваколатхонаси эгасининг; офис маҳсус таъминлаш эгалигининг нисбатан баъзи бошқа

¹⁵Kahn R. Et al. Americans Love Their Bureaucrats //Bureaucratic Power in National Policy Making. Boston, 2006

¹⁶A W Bradley and K D Ewing. Constitutional law and administrative law, Great Britian, 2003, P. 272

оғислари эгаси сифатида; ёки фуқаролик рўйхатидан таянган шахсий маблағ эвазига тож хизматчисидир . Ушбу таъриф қирол вазирлари, (қирол хизматчилари, лекин фуқаролик фаолиятига банд бўлмаган) куролли кучлари, полиция ва маҳаллий хукумат ва Миллий Соғлиқни сақлаш хизмати банд бўлганлар, аъзолари, уларнинг ҳаммаси давлат билан шуғулланувчи бўлсада, истисно хизматлар ҳисобланади .

3.3. Жамият ва давлатни модернизация қилиш шароитида давлат хизматининг аҳамияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқ фанида - Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг мустақил ҳуқуқ соҳаси, қонунчилик тармоғи ҳамда илмий-назарий тадқиқот предмети сифатида - туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига асосланган муносабатларнинг шаклланиши ва чукурлашиб бориши, давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниши ва самарали ижро ҳокимиятининг ташкил этилиши, давлатчиликни мустаҳкамлаш зарурияти, замонавий ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, давлат бошқаруви назарияси ва амалиётининг ўзгариши - буларнинг барчаси сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқарув соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий ва маъмурий-процессуал ўзгаришларни таъминлашга қаратилгандир. Бу ҳолат, маъмурий ҳуқуқнинг ҳуқуқ соҳаси, қонунчилик тармоғи, ўқув фани ва ўқув курси сифатида янгиланишини ва қайта ташкил этилишини тақазо этади.

Маъмурий қонунчилик - кўпгина ички соҳаларга эга эканлиги, доимий ҳаракатдалиги ва ўзгаришлари билан тавсифланади. Бундай ҳолатни «Маъмурий ҳуқуқ» фанида хам кузатиш мумкин. Маълумки, маъмурий ҳуқуқнинг асосий вазифаси сифатида давлат органлари билан давлат органлари ўртасидаги муносабат, давлат органлари ва шахслар ўртасидаги муносабатлар тушунилади.¹⁷ Масалан, беш йил аввал, давлат хизмати тўғрисида, фақатгина маъмурий ҳуқуқнинг институти сифатида гапириш мумкин эди. Ҳозирда эса, қонунчиликнинг ривожланиши билан, давлат хизмати ўзининг мустақил предметига ва тартибга солиш усусларига эга бўлмоқда, яъни мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида шаклланмоқда. Давлат хизмати, аста-секинлик билан, кучли ҳуқуқий базага эга бўлиб бормоқда ҳамда ҳуқуқ тизимининг мустақил соҳаси сифатида кенг равища жорий этилиб борилмоқда.

Эътибор беринг

«Давлат хизмати» атамаси тўрт асосий аспектда, яъни ҳуқуқнинг тегишли соҳаси; қонунчилик соҳаси; ҳуқуқий фанларнинг соҳаси; олий ўқув юртларида ўрганиладиган ўқув фани сифатида қўлланилиши мумкин.

¹⁷ A W Bradley and K D Ewing. Constitutional law and administrative law, Great Britain, 2011, P. 605

Давлат хизмати масаласига бағишланған юридик адабиётларни таҳлил қилиб күрадиган бўлсак, «Давлат хизмати» ўқув курси ва унинг предмети муаммоси олимлар ўртасида муҳокама қилинмаган, етарлича эътибор берилмаган. Шунинг учун ҳам бу масалаларни муҳокама қилишда турлича фикрларнинг юзага келиши мумкин. Баъзи бир олимлар «хизмат ҳуқуқи» атамасининг ўзини қўллаш мақсадга мувофик эмас, деб кўрсатса, баъзи бирлари эса, хизмат ҳуқуқининг маъмурий ҳуқуқнинг ички соҳаси сифатида, учинчи гуруҳ олимлари эса, хизмат ҳуқуқини комплекс соҳалар таркибиға киритади. Бундан ташқари, хизмат ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ соҳаси эканлиги тўғрисидаги қарашлар ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, Ю.Н.Старилов ўзининг «Служебное право» дарслигига давлат хизматини мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида асослаб беришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга унинг кўрсатишича, хизмат ҳуқуқи - маъмурий ҳуқуқнинг маҳсус қисми бўлиб, давлат хизматини ташкил этишдан бошлаб тики унинг функцияланишигача бўлган жараённи, яъни: ижро ҳокимияти, давлат бошқаруви, маъмурий ҳуқуқ субъектлари, давлат бошқарув органлари, бошқаурв усуллари ва маъмурий-ҳуқуқий шакллар, давлат мажбурлови, маъмурий жавобгарлик, ижро ҳокимиятидаги контрол ва назорат каби маъмурий-ҳуқуқий институларни ўзида бирлаштиради.

Ҳуқуқшунос олим Б.Н.Габричидзенинг фикрича: «Давлат хизмати ўқув курсини ўрганиш жараённида - фалсафий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий фанлар (биринчи навбатда, конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ фанлари) бўйича билимларни, усул ва шаклларни бирлаштириш лозим бўлади.»

Эътибор беринг

Баъзи бир ҳуқуқшунос олимлар хизмат ҳуқуқини комплекс ҳуқуқ соҳалари таркибиға киритиб, уни ўрганишда қуйидагиларга эътиборни қаратишни қўрсатиб ўтади:

- давлат хизмат муносабатларининг юзага келиш тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибатлари;
- давлат хизмат муносабатларининг ўзгариши;
- давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- давлат хизматчиларининг ўз вазифаларини бажармаганлигидан келиб чиқадиган оқибатлар;
- интизомий жавобгарликларни қўллаш;
- давлат хизмати муносабатларида ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя ва бошқалар.

Маъмурий хуқуқнинг давлат хизмати билан ўзаро муносабати шу билан изоҳланадики, уларнинг ҳар иккаласи ҳам тартибга солишнинг умумий предметига эгадир. Лекин шу билан бирга буларнинг тартибга солиш предметида маълум бир ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Жумладан, маъмурий хуқуқнинг предметига давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар кирса, давлат хизматининг предметига давлат хизматини ташкил этиш ва уни амалга ошириш жараёнидаги ижтимоий муносабатлар киради. Демак, давлат хизмати предметига киравчи ижтимоий муносабатларни давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёни билан боғлашнинг ўзи етарли эмас. Давлат хизмати муносабатлари давлат фаолиятининг деярли барча соҳаларида юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши мумкин. Лекин, давлат хизмати ва маъмурий хуқуқ ўртасидаги узвий боғлиқликни ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Давлат хизматини ташкил этишдан бошлаб токи уни ўташгача, давлат хизмат муносабатларининг бекор бўлишигача бўлган жараёнда маъмурий хуқуқ меъёрлари иштирок этади.

Юқоридагилардан қўриниб турибдики, давлат хизмати ва маъмурий хуқуқ ўртасидаги ўзаро муносабатни белгилашда «давлат-хизмат муносабатлари»нинг тутган ўрни каттадир.

Эътибор беринг

Давлат-хизмат муносабатлари бир неча ўзига хос хусусиятларга эгадир:

биринчидан, бу муносабатлар давлат-хуқуқий муносабатлари бўлиб ҳисобланади, яъни давлат-хизмат муносабатлари оммавий хуқуқ (давлат, маъмурий) меъёрлари билан тартибга солинади ва қўпгина ҳолатларда хусусий-хуқуқий тартибга солишдан ҳолидир;

иккинчидан, давлат-хизмат муносабатлари - алоҳида хуқуқий муносабатлар бўлиб, давлат хизматчиларининг мақоми билан боғлиқдир;

учинчидан, давлат-хизмат муносабатлари - давлат хизматчиларининг ишонч, хизмат ва садоқат муносабатлари;идир;

тўртинчидан, давлат-хизмат муносабатлари - давлат-хуқуқий ҳокимият муносабатлари;идир;

бешинчидан, давлат-хизмат муносабатлари - давлат лавозимини бошқариш билан боғлиқ, яъни давлат хизматчиси давлатнинг функцияларини амалга ошириб, маълум бир давлат вазифаларини бажаради.

Япониядаги давлат хизмати давлат фаолиятининг маъмурий, дипломатик ва суд соҳаларини қамраб олади. Бу ерда давлат хизматчилари туркумига нафақат ушбу сўзнинг асл маъносидаги амалдорларни, шунингдек давлатга тегишли корхоналарда ишловчиларни, давлат темир йўли хизматчиларини, полиция ходимларини киритиш қабул қилинган¹⁸. Давлат хизматида банд бўлган кишиларнинг умумий сони уч миллиондан ортиқроқ кишини ташкил этади, булардан аксарияти бошқарув қарорларини қабул қилишда аниқ имконга эга бўлмаган ишчилар ва хизматчилардир.

3.4. Давлат бошқарувини таомиллаштириш жараёнида давлат хизматининг мақсади ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигига эриши билан ўзининг тараққиёт йўлини эркин белгилаш имкониятига эга бўлди. Янги ўзбек давлатчилигининг шаклланиши шароитида давлат ва маҳаллий органларни ва ундаги давлат хизматини шакллантириш ва ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти туғилади. Шу сабабли давлатимизнинг тараққиёти, биринчи галда, давлат хизматини тўғри ташкил этишга боғлиқдир.

Эътибор беринг

Давлат хизмати моҳиятини ва унинг асосий хусусиятларини аниқлашдан олдин, инсонлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий фойдали фаолият турлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш лозим. Буларни, биз кўйидаги шаклларга бўлишимиз мумкин:

- товарлар, моддий бойликлар ишлаб чиқариш, маълум бир хизматлар кўрсатиш;
- номоддий бойликлар яратиш (маънавий бойликлар): китоблар, мақолалар ёзищ, кино ва видеофильмлар яратиш, сценарийлар тайёрлаш;
- ижтимоий-маданий фаолият (таълим, соғлиқни сақлаш ва х.к.лар);
- давлат хизмати, яъни давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатиш:
 - а) ижтимоий-маданий соҳаларни (таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш) бошқариш;
 - б) иқтисодиёт соҳаларини (саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, курилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари) бошқариш;
 - в) маъмурий-сиёсий соҳаларни (мудофаа, давлат хавфсизлиги, адлия, ички ишлар, ташки ишлар) бошқариш;
- нодавлат, жамоат, диний, ҳалқаро, ҳорижий ташкилотларда хизмат кўрсатиш;
- жамиятнинг турли соҳаларида маълум бир эҳтиёжларни қондириш мақсадида ижтимоий фаолият билан шуғулланиш ва бошқалар.

¹⁸Kubota A. The Political Influence of the Japanese Nigher civil service Japan Quarterly –Tokyo. V.28.1981.№1 P.46

«Инсонларнинг, шунингдек, давлат ва жамиятнинг мақсадга мувофиқ фаолият йўналишларидан бири - бу хизматdir. Бу тушунча турли маъноларда: инсоннинг фаолият тури сифатида, ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида, давлат органларининг махсус тизими маъносида ишлатилиши мумкин.

Хизмат - бошқарувдан, давлат фаолиятини амалга оширишдан, бошқарувни таъминлашдан аҳолига ижтимоий-мада-ний хизмат кўрсатишдан иборат.»


Хизматнинг (шу жумладан, ижтимоий фойдали фаолиятнинг) асосий тури - бу давлат хизмати ҳисобланади. Кўпгина дарсликларда давлат хизмати давлат органлари ходимларининг давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилган меҳнат фаолияти сифатида кўрсатиб ўтилади.

Таниқли рус ҳуқуқшуноси Манохин В.М.нинг фикрича: «давлат хизматининг моҳияти, ўзига хос хусусиятларини, давлат хизматининг вазифа ва функцияларини - давлат хизмати ва давлат вазифалари, функциялари, давлат фаолияти шаклларининг ўзаро нисбати орқали аниқлаш мумкин.»

Турли ташкилотларнинг хизматчилари ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида ўзига хос муносабатларга киришади. Бу муносабатларнинг мазмунини хизмат тури ҳамда хизмат олиб борилаётган ташкилотнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб беради. Жумладан, хизмат муносабатлари:

биринчидан, давлат-хизмат муносабатларига;

иккинчидан, жамоат бирлашмаларидағи ва бошқа нодавлат ташкилотларидаги (хусусий, тижорат ташкилотларидаги) хизмат муносабатларига бўлинади.



Таниқли рус хуқуқшунос олими Козлов М.нинг фикрича: «давлат хизмати деганда – давлат органларида амалга ошириладиган ҳамда ишчиларининг меҳнатидан мазмуни ва шакли жиҳатидан фарқ қиласидиган ҳар қандай фаолият тушунилади».

Давлат хизматига бундай ёндошиш меҳнат фаолиятининг икки шаклига асосланади:

биринчидан, бевосита моддий бойликларни, товарларни яратиш (ишларни бажариш);

иккинчидан, бошқарувни, раҳбарликни, контрол ва назоратни амалга ошириш. Бунда маънавий бойликлар яратилиши мумкин ёки давлат органларининг функциялари амалга оширилиши мумкин.

Инсонлар томонидан олиб бориладиган хизматлар ичида давлат ва маҳаллий органларда амалга ошириладиган хизмат асосий ўринни эгаллайди. Буюк Британияда давлат агентликларида давлат хизмати шартнома бўйича чекланган муддатда амалга оширилади. Бу борада Қиролнинг ваколатлари устун ҳисобланади.¹⁹

Давлат ва маҳаллий органларидаги хизматнинг зарурияти давлатнинг мавжуд бўлишидан, унинг вазифа ва функцияларидан, шунингдек, давлат органларини (қонунчилик, ижро этиш ва суд ҳокимияти) ташкил этиш эҳтиёжидан келиб чиқади. Айнан хизматчилар кўпгина давлат органлари структурасида, муассаса ва ташкилотларида, бошқарув ҳамда бошқарилувчи тизим ичида персонал сифатида ҳаракат қиласиди; уларнинг ўз вазифаларини вижданан бажариши давлат ва жамиятда хуқуқий тартиботни ўрнатишда хизмат қиласиди.

Давлат хизмати тушунчасини бир неча маъноларда кўриб чиқишимиз мумкин:

ижтимоий маънода, яъни рус олими Бахрах Д.Н.нинг фикрича: “давлат хизмати ижтимоий категория бўлиб, давлат ташкилотида маълум бир лавозимни эгаллаб турган шахс томонидан давлатнинг кўрсатмасига кўра ижтимоий фойдали фаолиятни амалга ошириш”;

сиёсий маънода – давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган фаолият бўлиб, давлатнинг мақсад ва вазифаларига барча ишлаб чиқилган сиёсий куч орқали эришиш; давлат хизмати жамиятдаги мувозанатнинг асосий кўринишидир;

хуқуқий маънода – давлат-хизмат муносабатларини хуқуқий ўрнатиш бўлиб, мансаб мажбуриятлари, хизматчиларнинг ваколатлари, давлат органларининг компетенцияси бажарилиши таъминланади. Давлат хизмати мураккаб ижтимоий-хуқуқий институтлардан бири бўлиб, уни ўрганиш давлат хизматининг ижтимоий ва хуқуқий асосларини таҳлил қилишни талаб қиласиди. Бу институт давлат-хизмат муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар йиғиндисидан иборат бўлиб, у орқали хизматчиларнинг хуқуқлари, мажбуриятлари, уларга белгиланадиган

¹⁹ A W Bradley and K D Ewing. Constitutional law and administrative law, Great Britain, 2011, P. 274

чекловлар, жавобгарлик ҳамда давлат хизматини ўташ, хизмат муносабатларининг юзага келиши ва бекор бўлиши тартибга солинади. Демак, давлат хизмати ҳуқуқий институт бўлиб, турли ҳуқуқ соҳаларининг меъёрларидан ташкил топади, кичик институтларни ўз ичига олади;

ташкилий маънода - давлат хизмати давлат аппаратининг ташкилий-функционал элементлари билан алоқада бўлади; у қўйидаги элементлардан ташкил топган тизим сифатида намоён бўлади: давлат аппарати фаолиятининг ташкилий ва процессуал асосларини ташкил этиш, лавозимларнинг қурилиши ва уларнинг ҳуқуқий кўриниши, ходимларни аниқлаш, баҳолаш. Давлат хизмати давлатни мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, давлат ҳокимиятини мустаҳкамлайди ва фуқаролик жамиятининг нормал функцияланишини таъминлайди.



Давлат ва маҳаллий органларида амалга ошириладиган хизмат, - рус олими Ю.Н.Стариловнинг фикрича, - бу оммавий хизмат бўлиб, оммавий ҳокимият органларидағи хизматdir. Одатий назария нұқтай назаридан давлат хизмати деганда давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бирлашмаларида амалга ошириладиган хизмат тушунилади. Хусусий ташкилотларнинг, корхоналарнинг, банклар ва бошқа корхона ва ташкилотларнинг хизматчиларини, фақатгина ижтимоий нұқтай назардан, хизмат муносабатлари тизимиға киритиш мумкин.

Охирги вақтларда кўпгина ривожланган давлатларда ҳалқ ноиблари (депутатлар) томонидан олиб борилаётган хизмат профессионал иш сифатида намоён бўлмоқда. Лекин депутатлар давлат хизматчилари ҳисобланмайдилар. Давлатда олий мансабларни эгаллаб турган шахслар ҳам (Президент, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлари, вазирлар ва бошқалар) давлат хизматида эмас. Улар оммавий-ҳуқуқий хизмат мақомига эга ҳамда ўз вазифаларини маълум бир даврда амалга оширишлари мумкин. Масалан, Фарбий Европа ёки Америка Кўшма Штатларини олиб қарайдиган бўлсак, улардаги олий мансабдор шахслар оммавий хизмат таркибиға киритилмаган. Буюк Британияда судялар, ҳарний хизматчилар, полиция ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари, ўқитувчилар ва соғлиқни сақлаш миллий схизмати ходимлари давлат хизматчилари ҳисобланмайди.²⁰

Лекин, мазкур давлатларнинг оммавий хизмат тизими билан танишиб чиққанда, баъзи бир қарама-қаршиликларни (масалан, мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини «вақтинчалик» бажариши билан давлат хизматига умрбод тайинлаш принципи ўртасида) кўришимиз мумкин. Муҳим давлат-маъмурий функциялар давлат хизматига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган хусусий шахслар (масалан, хусусий нотариуслар) томонидан бажарилади.»

Давлат хизмати тушунчасини кенг маънода олиб кўрадиган бўлсак, бу давлат органлари томонидан бошқарувнинг кадрлар функциясини амалга ошириш, давлат органлари аппаратида доимий ёки вақтинча мансабни эгаллаб турган ҳамда давлат бюджетидан маблағ билан таъминланувчи барча шахсларнинг фаолиятидир.

Рус олими Манохин В.М. томонидан давлат хизматига берилган тушунча юридик адабиётларда кенг қўлланилмоқда. Унинг фикрича, давлат хизмати - бу давлат органларини ва бошқа ташкилотларини ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг бир бўлаги ҳисобланади, далат органлари ва ташкилотларининг фаолияти эса давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилади.

Лекин, юқорида берилган таърифга нисбатан кўпгина олимлар ўз эътиrozларини билдиришган. Жумладан, рус олими Лазарев Б.М. унинг қуйидаги камчиликларини кўрсатиб ўтган: биринчидан, давлат хизмати давлат хизматчиси атамаси билан белгиланган; иккинчидан, давлат хизматчилари нафакат давлат функцияларини, балки бошқа фаолият турини ҳам амалга оширадилар (масалан, врачлар, илмий ходимлар, ўқитувчилар ва бошқалар); учинчидан, Манохин В.М. томонидан берилган таърифда икки ҳолат, яъни давлат хизмати ҳамда уни ташкил этиш ва тартибга солишга қаратилган фаолият умумлаштирилган. Лазарев Б.М. давлат хизматига қуйидагича таъриф беради: «давлат хизмати – давлатга хизмат қилиш, яъни унинг талаби билан маълум бир пул мукофоти эвазига

²⁰ A W Bradley and K D Ewing. Constitutional law and administrative law, Great Britain, 2011, P. 273

давлат органида давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўладиган фаолиятдир.»

Давлат хизмати давлат аппаратини бошқаришни ташкил этиш ва хуқуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг асосий турларидан бири бўлиб, давлат олдида турган вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлайди.

Эътибор беринг

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг асосий мақсади - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан белгиланган тамойиллар ва бошқа ҳолатларга асосланиб, давлат функцияларини амалга ошириш, унинг вазифаларини бажариш, жамият ва фуқаролар эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлашдан иборатdir.

Ҳозирги вақтда асосий масалалардан бири- бу Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг умумий томонларини тартибга солувчи ягона қонун қабул қилиниши лозим. Масалан, Россия Федерациясида 5 июль 1995 йил «Россия Федерациясида давлат хизматининг асослари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган бўлиб, давлат хизматига тааллукли бўлган асосий масалалар хуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Мазкур қонуннинг 2-моддасига биноан давлат хизмати деганда - давлат органлари ваколатларини таъминлаш бўйича олиб бориладиган профессионал фаолият тушунилади.

Ушбу таърифдан келиб чиқкан ҳолда, давлат хизматининг қуидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

1) давлат хизмати профессионал фаолият, яъни давлат хизматчисининг давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилган фаолиятидир;

2) мазкур фаолиятни олиб бориш жараёнида давлат органларининг компетенцияси амалга оширилади;

3) бу фаолият давлат органларининг функцияланишини таъминлашга қаратилгандир;

4) бундай фаолият мансаб мажбуриятларининг ижро этилишини таъминлайди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, мансаб мажбуриятлари давлат хизматига эмас, балки давлат хизматчисига тегишли бўлади. Бу ерда биз, давлат хизмати тушунчасининг шахсий аспектини кўришимиз мумкин.

Давлат хизматининг юқорида берилган талқинидан келиб чиқадиган бўлсақ, давлат хизмати - бу хизматчиларнинг вакиллик, ижро ва суд ҳокимияти органларидағи профессионал фаолиятидир.

Давлат хизмати тушунчасини функционал маънода ҳам олиб қарашимиз мумкин. Функционал маънода давлат хизмати давлат фаолиятининг, давлат органлари аппаратининг, маъмурий-бошқарув тузилмалари фаолиятининг алоҳида тури ҳисобланади.

Давлат хизматчиларининг фаолияти турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Жумладан давлат хизматчилари:

➤ фармойиш бериш, тартибга солиш характеридаги ваколатларни амалга оширадилар;

➤ бошқарув тизимида ҳуқуқнинг турли субъектларига нисбатан ҳуқуқий-ҳокимият кўрсатмаларини амалга оширадилар, масалан, фармойиш ва буйруқлар бериш, кўрсатмалар бериш ва ҳ.к.лар;

➤ юрисдикцион ҳаракатларни амалга оширадилар, яъни юридик ва жисмоний шахслар ҳамда ҳуқуқнинг бошқа субъектларига нисбатан давлат мажбурлов чораларини қўллайдилар, масалан, интизомий, маъмурий ва бошқалар;

➤ ташкилий ҳаракатларни ва моддий-техник операцияларни амалга оширадилар, масалан, мажлислар, йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;

➤ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширадилар.

Давлат хизматчиларининг фаолияти муҳим ҳуқуқий оқибатларга олиб келади, чунки уларнинг фаолияти жараёнида ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши мумкин. Давлат хизматчилари фаолиятининг барча шакллари давлат томонидан амалга ошириладиган раҳбарликнинг зарурый элементлари бўлиб, давлат ҳокимиятини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Хизматчилар аксарият ҳолларда маъмурий функцияларни амалга оширадилар, масалан, бошқарув, ташкиллаштириш, контрол, режалаштириш, ҳисобга олиш, раҳбарлик ва бошқалар. Бошқарув ходимлари ўзининг мақсади, вазифалари, мазмуни ва натижалари жиҳатидан ижтимоий меҳнат билан банд бўлади. Бундай бошқарув фаолияти жараёнида, қоида бўйича, моддий бойликлар бевосита яратилмайди. Бу фаолият асосан ижтимоий ривожланишнинг, давлат қурилишининг мақсади, вазифалари ва йўналишларини ишлаб чиқиши, аниқ бир давлат-ижтимоий организмни ташкил этиши, жамият фаолиятини тартибга солишга қаратилади. Хизматчиларнинг меҳнати - инсонларнинг онгига таъсир этувчи интелектуал, руҳий, жавобгар фаолият тури бўлиб ҳисобланади.

Давлат хизматининг умумий хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, уларга қўйидагиларни киритишимиз мумкин:

биринчидан, давлат хизматчиларининг давлат хизматини давлат органида назарда тутилган штат жадвали асосида олиб бориши;

иккинчидан, давлат хизматчиларининг белгиланган пул мукофоти эвазига давлат органи ваколатларини, мансаб мажбуриятларини амалга ошириши.


Инсонлар томонидан амалга ошириладиган хизмат тўғрисида гапирганда, нафакат давлат хизмати тўғрисида, балки маҳаллий органларда ҳам амалга ошириладиган хизматининг моҳиятини ҳам билиб олишимиз лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигига эришиши муносабати ҳамда давлатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ҳукуқий шароитларнинг ўзгариши билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида лавозимларни - хизматчиларнинг алоҳида гурӯҳини ташкил этувчи маҳаллий органлар хизматчилари эгаллайди. Маҳаллий органлар хизматчиларининг тушунчаси, турлари ва хизматнинг мазмuni маҳаллий органларнинг давлат органлари тизимида қонунчилик билан белгиланган ўрнига боғлиқdir.

Алимов X.Р.нинг кўрсатишича, - давлат хизматини қўйидаги асосларга кўра таснифлаш мумкин:

биринчидан, давлат фаолиятининг турлари (шакллари)га қараб давлат хизматини:



иккинчидан, фаолият турига кўра давлат хизматчилари:

➢ моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги хизмат;

➢ ижтимоий фойдали фаолиятнинг бошқа соҳаларидаги хизматга бўлинади;

учинчидан, фармойиш бериш ваколатларига эга бўлиш хусусиятларига кўра давлат хизматчилари:

- фармойиш бериш ваколати берилган хизмат;
- бундай ваколат берилмаган хизматга бўлинади.

Давлат хизмати тушунчасини функционал маънода ҳам, яъни давлат органлари хизмат аппаратининг, маъмурий-бошқарув тузилмасининг конкрет тури сифатида ҳам талқин қилиш мумкин.

Эътибор беринг

Давлат хизматчиларининг фаолияти турли кўринишларга эгадир. Жумладан давлат хизматчилари:

- 1) фармойиш бериш, тартибга солиш характеридаги ваколатларни амалга оширадилар;
- 2) бошқарув тизимида ҳуқуқнинг турли субъектларига нисбатан юридик-ҳокимият кўрсатмаларини берадилар;
- 3) юрисдикцион ҳаракатларни амалга оширадилар, яъни давлатнинг мажбурлов чораларини қўллайдилар;
- 4) ташкилий ҳаракатларни ва моддий-техник операцияларни амалга оширадилар;
- 5) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширадилар.

Демак, давлат хизматчиларининг фаолияти муҳим ҳуқуқий оқибатларга эга бўлиб, ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради, ўзгартиради ва бекор қиласи.

Назорат саволлари:

1. Давлат хизмати тушунчасига тавсиф беринг.
2. Давлат хизмати турларини тушунтириб беринг.
3. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматига оид қандай қонунларни биласиз. Уларга тавсиф беринг.
4. Ўзбекистон Республикаси «Давлат хизмати тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати муносабатларида қандай муаммолар мавжуд. Уларга тушунтириш беринг.
6. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматига оид муаммоларни ечиш йўлларини хорижий мамлакатлар мисолида асослаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. – Т.: Konsauditinform-nashr, 2012.

2. A W Bradley and K D Ewing. Constitutional law and administrative law, Great Britan 2011.
3. Steffen Detterbeck. Allgemeines Verwaltungsrecht: mit Verwaltungsprozessrecht. 2013.
4. Peter Leyland, Gordon Anthony. Administrative Law. Seventh Edition, 2012.

4-мавзу: Ҳалқаро шартномалар ҳуқуки.

Режа:

- 4.1. Ҳалқаро шартнома тушунчаси ва ҳалқаро шартнома томонлари
- 4.2. Ҳалқаро шартномаларнинг номи, тузилиши ва тили
- 4.3. Ҳалқаро шартномаларни тузиш
- 4.4. Ҳалқаро шартноманинг мажбурийлигига розилик билдириш
- 4.5. Ҳалқаро шартномаларнинг кучга кириши ва тадбиқ қилиш
- 4.6. Ҳалқаро шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш

Таянч иборалар: ҳалқаро шартнома, конвенция, пакт, баённома, меморандум, декларация, матннинг аутентиклиги, парафирлаш, алтернат принципи, имзолаши, *ad-referendum* имзолаши, тасдиқлаши, ратификация, ратификация ёрлиги, оговорка, депозитарий, пролонгация, промульгация, имплементация.

4.1. Ҳалқаро шартнома тушунчаси ва ҳалқаро шартнома томонлари.

Ҳозирги кунда ҳалқаро муносабатларнинг маълум бир даражада шартномаларсиз бошқарилувчи бирор бир соҳасини топиш қийин. Шартномалар сиёсий ва ҳарбий ҳамкорликни, иқтисодий ва молиявий алоқаларни, илм-фан, техника, маданият, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва бошқа доиралардаги ҳамкорликни амалга оширади. Шартномалар асосида ҳалқаро ташкилотлар тузилади ва фаолият олиб боради. Шартномалар давлатнинг миллий тизимини тартибга солинишида ҳам муҳим аҳамиятига эга.



ҲАЛҚАРО ШАРТНОМА

Ҳалқаро шартнома – ҳалқаро ҳуқуқнинг бир, икки ёки бир қанча субъектлари ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини яратиш йўли билан аниқ ифодаланган, номланишидан ва ёки бир неча хужжатларда ифодаланишидан қатъи назар, ёзма шаклда тузиладиган ҳамда ҳалқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган битимларидир.

1969 йилдаги Ҳалқаро шартномалар ҳуқуки тўғрисидаги Вена Конвенцияси ҳамда 1986 йилдаги Давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар ёки ҳалқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуки тўғрисидаги Вена Конвенциясида “Шартнома” атамасига таъриф берилган бўлиб, биринчисида фақатгина давлатлараро ёзма тарзда тузилган келишувлар тушунилишини эътироф этган бўлса (2-модда), иккинчи Конвенцияда бу

атама асносида ҳалқаро ташкилотлар иштирокидаги келишувларни ҳам тушунилишини (2-модда) таъкидлайди.

Шартнома давлатлар келишилган мақсадларини ифодалашнинг энг содда усули ва ҳалқаро конвенция фикрларни ифодалашда оддий икки томонлама ва мураккаб кўп томонлама шартномаларга ҳам етарли бўлиши лозим. Шунинг учун, шартнома тушунчаси ва унинг фаолияти ҳалқаро хуқуқнинг ривожланишида долзарб аҳамият касб этмоқда. Шартнома асосан ҳалқаро майдонда тарафлар ўртасидаги келишув ҳисобланади. Шартномалар давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар ўртасида тузилиши мумкин бўлсада, лекин улар биринчи навбатда давлатлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ²¹.

Шартноманинг моҳияти – томонларнинг келишувидадир. Юқоридаги таърифда шартномаларнинг оғзаки шаклида сўз кетмаса ҳам, давлатлар ёки ҳалқаро хуқуқнинг бошқа субъектлари 1969 ва 1986 йилги Вена Конвенцияларда белгиланган қоидаларни ўзаро келишувга кўра оғзаки шаклда амалга оширишлари ҳам мумкин²².

Шартномаларнинг мажбурийлик табиати ҳалқаро одат хуқуқи принципи ҳисобланувчи “шартномалар мажбурийдир”(pacta sunt servanda) принципига асосланади.

Шартномалар универсал ва умумий аҳамиятдаги “хуқуқ яратувчи” шартномалар ва фақатгина иккита ёки бир нечта давлатлар ўртасида тузиладиган “шартнома-келушувлар”га бўлинади. Бундай таснифланиш маълум шартномаларнинг умумий ва локал аҳамиятини ва унда белгиланган мажбуриятларни ифодалайди. Уни қаттиқ ва тез деб ҳисоблаб бўлмайди ва бу ерда бир қанча номаълум ва батафсил тартибга солинмаган масалалар мавжуд.²³

Ҳалқаро шартномаларнинг иштирокчилари ҳалқаро шартнома томонлари ҳисобланади. Фақатгина ҳалқаро хуқуқ субъектлари ҳалқаро шартномаларнинг томонлари ёки субъектлари ҳисобланади. Яъни, давлатлар, ўз мустақиллиги учун курашаётган миллатлар, давлатсимон тузилмалар ҳамда ҳалқаро ташкилотлардир. БМТ Котибиятидан рўйхатдан ўтган ҳалқаро шартномаларнинг асосий томонлари давлатлар ҳисобланади.

Ҳалқаро хуқуқий адабиётлар ва ҳалқаро шартномавий амалиётда “субъект”, “иштирокчи”, “томон”, “келишаётган давлат” ва “келишаётган ташкилот”, “аҳдлашаётган томон”, “музокарада иштирок этаётган давлат” ҳамда “учинчи томон” каби атамалар кўлланилади.

²¹Malcolm N. Shaw. International Law. New York, Cambridge University Press, 2008. – Р. 903.

²²Международное право. Учебник / Отв. ред.: Колосов Ю.М., Кузнецов В.И. - М.: Международное отношения, 1996. – С.120.

²³Malcolm N. Shaw. International Law. New York, Cambridge University Press, 2008. – Р. 94

1969 йилги Ҳалқаро шартномалар хуқуқи тұғрисидаги Вена Конвенциясига құра “*келишаётган давлат*” сифатида шартнома күчга кирған ёки кирмаганligидан қатын назар шартномадаги мажбуриятларга розилик билдирған давлат назарда тутилған. “*Иштирокчи*” эса, күчга кирған шартнома мажбуриятларига розилик билдирған давлат назарда тутилған. Худди шунга үхашаш ҳолат 1986 йилги Давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар ёки ҳалқаро ташкилотлар үртасидаги шартномалар хуқуқи тұғрисидаги Вена Конвенциясида ҳам учрайди. Факат “*келишаётган давлат*” билан бир қаторда “*келишаётган ташкилот*” ҳам құлланилған. Бундан ташқари, “*иштирокчи*” га нисбатан нафакат давлатни балки ҳалқаро ташкилотни ҳам қайд этған. Мазкур Конвенцияда ҳалқаро ташкилот сифатида фақатгина хукumatларапо ҳалқаро ташкилот тушуниш назарда тутилған.

Умуман олганда күпчилик ҳалқаро хуқуқшунослар “*иштирокчи*” билан “*томон*”ни бир бирига үхашаш деб хисобладылар. “*Субъект*” атамасини эса күпроқ илмий ақамияти бўлганлиги учун уни күпроқ умумий ҳалқаро хуқуқ субъекти сифатида қўлланилади.

Икки давлат үртасидаги тўлиқ хуқуқий келишувли шартнома бошқа давлатлар манфаатларига ҳам тегишли бўлиши мумкин, жумладан хафвсизлик масалаларида бу яққол намоён бўлади. Ҳалқаро хуқуқда шартнома иштирокчиси бўлмаган давлатлар учинчи *томон* ёки учинчи *давлат* сифатида эътироф этилади.

Учинчи давлатларнинг шартномага нисбатан муносабати турли хил хуқуқий ақамият касб этади. Агар шартнома давлатнинг қонуний манфаатларига таалуқли бўлса ва мазкур давлат унинг қоидаларидан норози бўлса, бу ҳолда ушбу давлат юқорида кўрсатилган қоидага эътиroz билдириши тұғрисида маълум қилиши лозим. Бундай вазиятда шартнома ушбу давлат учун ўзининг юридик ақамиятини йўқотади.

Шартномани имзоламаган ёки ратификация қилмаган томон шартномага нисбатан мажбуриятларга эга эмас. Бироқ, шартнома одат хуқуқини ифодаласа, учинчи томон ҳам унга риоя қилишга мажбур ва мазкур мажбурият шартнома қоидаси бўлгани учун эмас балки у ҳалқаро одат нормасини тасдиқлаганлиги учун мажбурийдир. (*Malcolm N. Shaw. International Law. New York, Cambridge University Press, 2008. – P. 95*)

Маълум шартномалар иштирокчи бўлмаган тарафлар учун ҳам қўлланадиган “режим” яратишга ҳаракат қиласи. Масалан, БМТ Устави, ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолиш учун ўзининг яратилганлигини кўрсатади ва 2-модда 6-банд таъкидлайдики, “Ташкилот тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида БМТ аъзоси бўлмаган давлатлар ҳам ҳалқаро ушбу тамойилларга (2-моддада келтирилган) мувофиқ ҳаракат қилишларини таъминлайди”²⁴.

²⁴Malcolm N. Shaw. International Law. New York, Cambridge University Press, 2008. – P. 97

4.2. Ҳалқаро шартноманинг номи, тузилиши ва тили

Ҳалқаро шартноманинг тузилиши шартнома элементларининг тартиблилигини, уларнинг жойлашуви, ўзаро алоқалари, шартнома таркибини тартибга солади, бутунлигини, яхлит-ягоналигини таъминлайди. Ҳалқаро хуқуқда яхлитлик принципига мос равища шартнома бутун яхлитликни ўзида мужассамлайди ва ягона нормалар тизими сифатида кўриб чиқилади. Уларнинг барчаси мажбурий ҳисобланиб, бажарилиши шарт. Факат бундай ёндашув шартномага нисбатан ҳаққоний, тўғри ёндашув ҳисобланади ва тўғридан тўғри ҳалқаро хуқуқдаги мажбуриятларни вижданан бажариш принципига бориб тақалади.

Агар келишувнинг томонлари ҳуқуқий муносабатлар яратишни ёки ҳалқаро хуқуққа мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни яратишни кўзламаётган бўлса, келишув шартнома бўлиб ҳисобланмайди, лекин шундай бўлсада унинг сиёсий таъсир сезиларли аҳамият касб этади. (*Malcolm N. Shaw. International Law. New York, Cambridge University Press, 2008. – P. 905-906.*)

Шартнома яхлит, тартибли тизимни вужудга келтирувчи алоҳида қисмлардан иборат: *шартнома номланиши, муқаддима, асосий қисм, якунловчи қисм, илова*.

ШАРТНОМА

Шартнома номланиши

Муқаддима

Асосий қисм

Якунловчи қисм

Илова

Бу қисмларнинг бўлиши мажбурий эмас ва уларнинг у ёки бунисининг мавжуд эмаслиги шартноманинг юридик кучига таъсир этмайди. Барча шартномаларда ҳам иловалар мавжуд бўлавермайди. Аниқ масалалар юзасидан тузилган кўпчилик шартномаларда муқаддима мавжуд

эмас. Барча қисмларнинг мавжудлиги шартномани тушуниш ва қўланилишини енгиллаштиради.

Шартнома тузилишининг биринчи омили расмий номланиш ёки сарлавҳа (титул) ҳисобланади. Сарлавҳа қайсибур маънода, шартноманинг нима ҳақида тузилганлиги ва асосий мақсади нимага қаратилганлигидан дарак беради.

Одатда шартнома уч қисмдан иборат бўлади

1. Кириш (муқаддима);
2. Асосий қисм;
3. Якунловчи қисм.

ОДАТДА ШАРТНОМА УЧ ҚИСМДАН ИБОРАТ БЎЛАДИ:

1	Шартнома муқаддимасида шартноманинг мақсади ва принциплари ифодаланади.
2	Асосий қисмда эса, шартнома мазмуни ўз аксини топган бўлади. Шартноманинг асосий қисми бўлимларга, бобларга ёки қисмларга бўлинади ва моддалардан иборат бўлади. Айрим шартномаларда моддаларга, шунингдек бўлимларга алоҳида-алоҳида номлар берилиши мумкин.
3	Якунловчи қисм шартнома мажбурийлигига розилик билдириш, унинг кучга кириши, амал қилиш муддати, тугатилиши асослари ва бошқа яқуний қоидалардан ташкил топади. Муҳрлар зарурий ҳисобланмайди. Имзоларни ўзи етарли ҳисобланади.

Аксарият ҳалқаро шартномалар иловаларга ҳам эга бўлиб, улар одатда шартноманинг қўшимча қисми сифатида рақамли кўрсаткичлар, формуласлар, чизмалар ва хариталарни ўз ичига олган бўлади. Агар шартноманин ўзида иловалар ҳақида қоидалар мавжуд бўладиган бўлса, улар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Иловалар умумий шартномага ёки унинг алоҳида моддаларига оид бўлиши ҳам мумкин.

Ҳалқаро шартноманинг номи унинг қандай ҳужжат кўринишида тузилганлигини англатади. “Шартнома” термини ҳалқаро келишувларга энг кўп ишлатилсада, амалиётда *конвенция, келишув, декларация, пакт, меморандум, устав, конституция* каби номлар билан қўлланилади²⁵.

Шартноманинг турли тиллардаги матнлари ҳақиқий бўлиб, бир хил юридик кучга эгадир.

²⁵Malcolm N. Shaw. International Law. New York, Cambridge University Press, 2008. – P. 903.

4.3. Ҳалқаро шартномаларни тузиш

Шартномани тузиш тушунчасини икки хил тушуниш мумкин. Биринчиси кенг маънода – шартномани тайёрланиши, қабул қилиниши ва кучга кириш жараёнини ўз ичига олади. Тор маънода эса, фақат юридик аҳамиятга эга бўлган босқични, яъни қабул қилиниш ва кучга кириш жараёнини ўз ичига олади. 1969 йилги “Ҳалқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги ва 1986 йилги “Давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар ўртасида ва ҳалқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена Конвенцияларида “шартномаларни тузиш” бўйича тушунчалар акс этмаган.

Шартномалар тарафлар хохишига кўра исталган усулда тузилиши мумкин. Ҳалқаро ҳуқуқда шартноманинг аниқ белгилаб қўйилган шакли, тузиш тартиби қатъий белгилаб қўйилмаган ва уни расмийлаштирилиши ва ким томонидан имзоланиши масалалари манфаатдор давлатларнинг розилигига боғлиқ. (*Malcolm N. Shaw. International Law. New York, Cambridge University Press, 2008. – P. 907.*)

Шартноманинг матни музокаралар жараёнида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Музокараларни олиб бориш натижасида кўп томонлама шартномаларни имзоланишига олиб келди. Шартнома матнини қабул қилиш шартнома мазмунига розилик билдирилганлигининг якуний босқичи ҳисобланади. Лекин, матнни қабул қилиш учун овоз беришда давлат ҳеч қандай даражада унинг қоидаларига ўзини боғламайди.

1969 йилги Вена конвенциясининг 9-моддаси 1-бандига кўра, «шартнома матни уни тузишида қатнашган барча давлатларнинг розилиги билан қабул қилинади». Шартнома матни имзолаш ёки тасдиқлаш қўринишида қабул қилиниши мумкин.

Кўптомонлама шартномаларнинг ривожланиши, уларнинг ҳалқаро муносабатлар ва миллий қонунчиликка таъсири ортиб бориши натижасида оговорка институти муҳим аҳамият касб эта бошлайди. Оговорка институти шартноманинг мажбурийлигига розилик бериш билан боғлиқ. 1969-йилги Вена Конвенциясида: “... давлатнинг шартномани мажбурийлигига розилик бериши ва оговорка билан боғлиқ акт:” (20-модда 4-банд) дейилади.

Оговорка – муаллифига нисбатан шартноманинг муайян нормаларини юридик ҳаракатини бекор қилиш ёки тўхтатиб туришга қаратилган, шартномага розиликни билдирувчи, давлат ёки ҳалқаро ташкилотларнинг ҳар қандай номдаги бир томонлама мурожаати²⁶.

²⁶Horn F. Reservations and Interpretative Declarations to Multilateral Treaties. Amsterdam. 1988 (514 p.).

Оговорка (*Кўшиимча шарт, Ўзбекистаон Республикасининг Ҳалқаро шартномалари тўғрисидаги Конунига биноан*) (*ogovorka, clause*) – ҳалқаро кўп томонлама шартнома қатнашчиларидан бирининг, шартноманинг бирор қоидасини ўзи учун мажбурий эмаслиги ҳақида ёки шундай қоидани ўзгартириб қўллаш ниятида бир томонлама расмий баёноти.

Оговорка шартноманинг обекти ва мақсадига мос бўлиш талаби ҳал қилувчи аҳамият касб этади – оговорка шартномадан кўзланган мақсадга эришишга тўсқинлик қиласлиги лозим. Оговоркани бекор қилиш ёки унга нисбатан эътиroz билдириш ёзма тарзда амалга оширилиши лозим.

Матннинг аутентлиги (ҳақиқийлигини, ишончлигини текшириш) матннинг ишончлилиги, тўғрилигини аниқлаш, матнни ишончлилиги, тўғри деб топиш жараёни – матн тўғри, якуний ҳолатдалиги ва ўзгартирилмаганлиги эътироф этиш ёрдамида амалга оширилади. Бу жараён матннинг тўғри эканлигини тасдиқловчи маълум бир ҳаракатларни ўз ичига олади.

Парафирлаш (*initialing* - инглиз тилидан олинган бўлиб, инитциал, илк, бошлангич деган маъноларни англатади) – олдиндан ҳомаки имзолаш, унинг ёрдамида шартнома матннинг тўғри, ишончлилиги аниқланади. Бу жараён вакиллари томонидан матннинг ҳар бир бетига ўз исмининг бош ҳарфларини ёки белгиларини қўйиш билан амалга оширилади.

Ад референдум имзолаш (маъқуллангунча) – олдиндан имзолаш тури бўлиб, вакилларнинг шартнома матни борасида якуний розилигини, бироқ уларга ваколат берган ҳукумат ёки давлат органи томонидан кейинчалик маъқуллаш заруратини назарда тутган ҳолда келишишларини ўзида акс эттиради.

4.4. Ҳалқаро шартноманинг мажбурийлигига розилик билдириш.

Ҳалқаро шартноманинг мажбурийлигига розилик билдириши шартномани, қай тарзда амалга оширилишидан қатъий назар субъектлар томонидан якуний қабул қилинишини билдиради. Бундай розиликнинг натижасида, ҳалқаро ҳуқуқ субъекти шартнома кучга киргандан бошлаб уни бажариш мажбуриятини олади.

Ҳалқаро ҳамжамият тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Вена Конвенциялари давлатлар учун шартнома мажбуриятларига розилик билдиришининг қуидаги усулларини белгилади: *имзолаш, ҳужжатлар алмасиши* (*шартномани ташкил этган ҳужжатларни алмасиши*), *ратификация қилиши, тасдиқлаш, қўшилиши* ёки келишиб олинган бошқа ҳар қандай усул (11-модда).

Имзолаш матнинг аутентиклигини белгилашдан тортиб то шартнома шартларига розиликни акс эттиришгача бўлган турли маъноларга эга.

Хужжатлар алмашинувидавлат ёки ҳалқаро ташкилотларнинг, шартноманинг улар учун мажбурийлигига ўзаро ҳужжат алмашиш усули билан билдираётган розилигидир.

Ратификация (ratumfacere – лотинча сўздан олинган бўлиб, қонуний кучни тан олиш, якунлаш ёки тугаллаш) – давлат ҳалқаро шартномага якуний розилигини билдирадиган, аҳамияти юқори саналадиган актдир.

Ратификация Вена Конвенциясида “давлат шартномадаги ўз мажбуриятларига розилигини ҳалқаро доирада билдирувчи, шундай номга эга бўлган ҳалқаро акт” деб эътироф этади (2-модданинг б банди). Шартнома тўлиқ ратификация қилинади. Шартноманинг бир қисмини ратификация қилиш қонуний ҳисобланмайди. Давлатнинг ратификация ҳақидаги норматив актига шартнома тузиш жараёнидаги келишувлар, расмий ҳисботлар киритилади.

Қўшилиш имзоланмаган ва албатта шартноманинг тайёрлашда ҳам иштирок этмаган субъектнинг шартнома мажбуриятларига розилигини билдиради.

Депозитарий – шартнома тузган томонлар шартноманинг асл матнини, унинг фаолиятига оид бўлган, тўхтатилиши ёки тугатилиши ҳақидаги ҳужжатларни сақлашни ишониб топширган давлат ёки ҳалқаро ташкилот.

4.5. Ҳалқаро шартномаларнинг кучга кириши ва тадбиқ қилиш.

Ҳалқаро шартнома нормаларини қўллашда, унинг кучга кирганлиги масаласи муҳим ҳисобланади. Ҳалқаро шартномаларнинг кучга кириши ҳақида сўз юритилганда икки ҳил ҳолатга эътиборни қартиш лозим:

- ҳалқаро шартнома қоидаларининг кучга кириши
- ҳалқаро шартноманинг давлатга нисбатан кучга кириши

Ҳалқаро шартноманинг кучга кириши у ўзида қайд этилган шартшароитга мувофиқ равишда юридик ҳужжатга айланган пайтдан бошланади. Ратификация қилиниши ёки тасдиқланиши тақозо этилмайдиган ҳалқаро шартнома имзоланиши биланоқ кучга киради. Ратификация қилиниши зарур бўлган ҳалқаро шартнома эса ратификация қилингач (ёки тасдиқлангач) кучга кирган ҳисобланади. Шунингдек, ҳалқаро шартномада, уни кучга киришининг бошқа муайян муддати ҳам кўрсатиб қўйилиши мумкин.

Ҳалқаро шартноманинг *расмий тарзда* эълон қилининиши жиддий амалий аҳамият касб этади. Шу пайтдан эътиборан у мамлакат ҳуқуқ тизимининг узвий қисмига айланади ва барча давлат органларида қўлланиши мажбурий тус олади.

Ҳалқаро шартномаларни *регистрация қилиши* (рўйхатга олиш) ҳалқаро шартномани кучга киришининг асосий талабларидан бири бўлиши билан бир қаторда, маҳфий шартномалардан фойдаланиш имкониятларини чеклайдиган муҳим воситадир. БМТ Уставига кўра, унинг аъзоси иштирокчи бўладиган ҳар қандай шартнома БМТ Котибияти томонидан рўйхатга олиниши ҳамда эълон қилиши шарт.



ҲАЛҚАРО ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ МАСАЛАСИ:

Ҳалқаро шартноманинг кучга кириши масаласига тўхталганда унинг таркибий қисмини алоҳида ёритиб ўтиш жоиз. Чунки шартнома тўлиқ кучга киргунга қадар унинг айrim қоидалари, хусусан, матннинг аутентиклигини белгилаш, шартнома мажбурийлигига тарафлар розилигини билдириш, ратификациялар сони, кучга кириши билан боғлиқ муддатлар, оговоркалар, депозитарий функциялари билан боғлиқ қоидалар шартнома матни қабул қилинганидан бошлаб қўлланила бошлайди.

Ҳалқаро шартнома унда кўрсатилган муддат мобайнида амал қиласи. Муддати белгиланмаган шартномалар ҳам мавжуд бўлиб, масалан, улар сирасига ҳуқуқий режим ўрнатувчи умумий шартномалар, кодификациявий Конвенциялар киради.

Пролонгация – лотинча – “*prolongation*”, “*prolongo*”, инглизча – “*prolongation*” сўзларидан олинган бўлиб, “чўздираман”, деган маънони беради.

Пролонгация - фуқаролик ҳуқуқида, у шартномани кўзда тутилган муддатидан ортиқча муддатга чўздириш ҳисобланса, ҳалқаро ҳуқуқда ҳам, ҳалқаро шартноманинг амал қилиш муддати унда кўрсатилган шартлар асосида ёки ўзаро келишув бўйича узайтиришни тушунилади. У шартнома муддати тугашига қадар амалга оширилиши зарур.

Ҳалқаро шартномаларни тадбиқ қилиши. Ҳар бир давлатда ҳалқаро ҳуқуқ нормаларини тадбиқ қилишни таъминлаб берувчи ҳуқуқий ва ташкилий воситаларнинг мазмуни биринчи ўринда ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг хусусиятидан, иккинчидан эса, ички давлат ҳуқуқий тизимининг ўзига хослигидан келиб чиқади. Бу жараёнда эса асосан устуворлик конституцияда белгиланган нормаларга берилади.

Имплементация (ингл. *Implementation* – “амалга ошириши”, “бажарииш”) – ҳалқаро-ҳуқуқий нормалардан келиб чиқадиган ҳалқаро мажбуриятларнинг давлат ички даражасида миллий қонунларга ва қонуности ҳужжатларга сингдириш йўли билан амалда бажаришдир.

4.6. Ҳалқаро шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш.

!

Шартнома уни тузиш тартиби тўғрисидаги моддаларнинг бузилиши натижасида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шартноманинг ҳақиқий эмаслиги нисбий ва мутлоқ бўлади. Нисбий ҳақиқий эмаслик шартномани эътиrozли қилади, чунки зарар кўрган давлат унинг ҳақиқий эмаслигини исботлаши ёки мунозарали ҳолатлар мавжудлигига қарамасдан унинг амалда бўлишига рози бўлиши мумкин. Бу эса бундай ҳолларда эстоппел қоидаси қўлланиши мумкинлигини англатади. Нисбий ҳақиқий эмаслик қўйидаги ҳолатларда юзага келади:

- шартномаларни тузиш ваколатларига эга давлат ички ҳуқуқининг ўта муҳим нормалари ва ҳалқаро ташкилот қоидаларининг аниқ бузилиши;
- давлат ва ҳалқаро ташкилот розилигини ифодаловчи ҳуқуқий ваколатларнинг маҳсус чекловлари доирасидан четга чиқилиши;
- хато;
- алдов;
- давлат ёки ҳалқаро ташкилот вакилига пора бериб ўз томонига оғдириб олиш.

Мутлоқ ҳақиқий эмаслик шартноманинг бошидан ҳеч қандай қучга эга эмаслигини, унинг нотўғри тузилганлигини билдиради. Мутлоқ ҳақиқий эмасликни келтириб чиқарувчи ҳолатлар:

- давлат ёки ҳалқаро ташкилот вакилини мажбурлаш;
- давлат ёки ҳалқаро ташкилотни куч ишлатиш хавфи ёки уни қўллаш билан мажбурлаш;

шартноманинг умумий ҳалқаро ҳуқуқ императив нормаларига зидлиги.

БМТ Низоми 103-моддасига мувофиқ:

«Ташкилот Аъзоларининг ушибу Низомдан келиб чиқадиган мажбуриятлари уларнинг бошқа бирор ҳалқаро битимдан келиб чиқадиган мажбуриятларига зид бўлиб қолган тақдирда, Ташкилот Аъзоларининг ушибу Низом бўйича олган мажбуриятлари устун қучга эга бўлади».

103-моддани одат мажбуриятларини қайтадан аниқлаш сифатида талқин қилиш лозим, шунингдек, Низом глобал конституция ҳисобланади ва 103-модда бунга далиллар.

Устав, кучсиз конституциявий чеклашлар билан кучли органни яратувчи такомиллашмаган (мукаммал бўлмаган) конституция, деб ҳисоблаш тўғрироқ.

Хавфсизлик Кенгаши мақсад ва принциплар доирасида ҳаракат қилиб, давлатларга ўз мажбуриятларини бажаришга имкон қадар рухсат бериши лозим, инсон хуқуқлари соҳасида²⁷.

103-модда БМТ олдидаги мажбуриятлар шартномавий мажбуриятларни бевосита алмаштиришга мўлжалланган эди, шунинг учун қурол етказиб беришга қўйилган эмбарго, давлатдан муайян хукуматга қурол етказиб бериш бўйича ҳар қандай шартномани тўхтатишни талаб этади²⁸. У санкцияни самарали қўллашга тўскенилик қилиши мумкин бўлган ҳар қандай шартномани бекор қилишга баҳона сифатида қўлланилмаслиги лозим. Давлатлар Хавфсизлик Кенгаши талабларига мувофиқ, шахсларнинг активларини музлатишлари лозим, бироқ шундай бўлсада, ҳалқаро шартномалар бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ мазкур шахсларнинг инсон хуқуқларини имкон қадар ҳимоя қилишлари керак.

Шундай бўлсада, айрим хукуматлар (ва миллий судлар) 25 ва 103-моддани жуда кенг талқин қилди. Ташқи ишлар вазирлари даражасидаги учрашувда, Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги декларациясида (резолюция 1456, 2003) Хавфсизлик Кенгаши шундай баёнот берди, яъни давлатлар “терроризмга қарши кураш мақсадида қўлланиладиган ҳар қандай чорани таъминлаши лозим, ҳалқаро хуқуқ бўйича олган барча мажбуриятларига мувофиқ келиши лозим, улар ҳалқаро хуқуққа мувофиқ келадиган чораларни қўллаши лозим, хусусан, инсон хуқуқлари, қочоқлар ва гуманитар хуқуқ соҳасида”. Бу, унинг резолюциялари давлатларга инсон хуқуқлари соҳасидаги ўз мажбуриятларини айланиб ўтиб ҳаракат қилишга рухсат бериш ҳақидаги институционал *opinio juris* эмас.²⁹

Назорат саволлари:

1. Ҳалқаро шартномалар ҳуқуқи ҳалқаро хукуқнинг соҳаси сифатидаги аҳамияти?
2. Бугунги кунда ҳалқаро шартномаларнинг аҳамияти қандай?
3. Ҳалқаро хукуқнинг умумтан олинган принципларининг ҳалқаро шартномалар хукуқининг маҳсус принципларига алоқадорлигини нимада?
4. 1969 йилги Вена Конвенцияси ҳалқаро шартномалар хукуқининг асосий манбаси сифатида ўрнини қандай?

²⁷ Joined Cases C-402/05 P and C-415/05 P Yassin Abdullah Kadi, Al Barakaat International Foundation v Council of the European Union and Commission of the European Communities, Judgment of the Court (Grand Chamber) of 3 September 2008, para 375; R (Al-Jedda) v Secretary of State for Defence [2007] UKHL 58, [30] (Lord Bingham), [126] (Baroness Hale), [130] (Lord Carswell).

²⁸ N Bentwich and A Martin, A Commentary on the Charter of the United Nations (New York, Macmillan, 1950) 179–80.

²⁹ International Law and Dispute Settlement New Problems and Techniques Edited by Duncan French Matthew Saul and Nigel D White. The WTO Dispute Settlement Mechanism as a New Technique OXFORD AND PORTLAND, OREGON 2010, 175.

5. Давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар ёки ҳалқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар хуқуки ҳақида 1986 йилги Вена Конвенциясининг аҳамияти қандай?

6. Ҳалқаро шартнома субъектларини тавсифланг.

7. Давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар номидан ҳалқаро шартномаларни тузишга ваколатли бўлган органларни санаб беринг.

8. Ҳалқаро ташкилотлар томонидан тузиладиган шартномалар объективининг ўзига хослик томони нимада?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Malcolm N. Shaw. International Law. New York, Cambridge University Press, 2008.

2. Умарахунов И.М. Международная договорно-правовая практика Республики Узбекистан. – Т., 2003.

5-мавзу: Европа хуқуқи.

Режа:

- 5.1. Европа Иттифоқи интеграциясининг умумий тавсифи.
- 5.2. Европа Иттифоқи хуқуқининг таркибий тузилиши, моҳияти ва хусусиятлари.
- 5.3. Ёзма манбалар тизими: бирламчи ҳамда ортирма ҳуқуқ манбалари (Асосий шартномалар).
- 5.4. Европа Иттифоқи хуқуқининг ноёзма манбалар тизими: Европа Иттифоқи хуқуқининг асосий тамойиллари ва суд амалиёти.

Таянч иборалар: интеграция, функционализм, неофункционализм, реализм, интерговерментализм, минтақавий интеграция ва интеграцион минтақавийлашув, интеграция ва ҳалқаро ҳамкорлик, интеграция ва глобализация, Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши, Европа Парламенти.

5.1. Европа Иттифоқи интеграциясининг умумий тавсифи

Европа Иттифоқининг институционал шаклланиши салкам ярим асрлик тарих билан боғланган. Бироқ, интеграциянинг мафкуравий асослари бир мунча чукурроқ тарихий илдизларга эга.

Йирик мутафаккир ва давлат арбоби В.Гюго 1848 йилда бирлашган Европа давлати ҳақида тўхталар экан, Европа давлатлари “ўзларининг ўзига хос хусусиятлари ва шукухли ўзлигини йўқотмаган ҳолда, мустаҳкам бирлик сари кириб борадилар ва европача биродарликни яратадилар. Уммон оша бир-бирларига қўл чўзиб турган иккита қудратли гурӯҳ – Америка Қўшма Штатлари ва Европа Қўшма Штатлари бўй чўзиб боради”, деб ёzádi. Унинг келажагига эса катта умидлар боғлайди: “XX асрда антиқа давлат юзага келади. Бу эркинлик учун ғов бўлмайдиган улкан давлат бўлади. У инсониятнинг қолган қисми учун ёрқин, бой, вазмин, осойишта ва меҳрибон бўлади”³⁰.

Албатта, бундай ғоялар Европани бирлаштириш йўлидаги амалий қадамларга ўз-ўзидан ҳаётбахш қанот ато эта олмас эди. Интеграция ўзининг том маънодаги ибтидоси учун замин ҳозирлаши керак бўлган сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий шарт-шароитларни кутиб ётарди. Зоро, бу шароитларнинг етилиши учун зарур бўлган қарийб бир асрлик синов ҳали олдинда кутиб турар эди.

Мана шундай ғоялар таъсирида ўтган асрнинг 20-йилларида ёқ пан-европачилик ҳаракати пайдо бўлдики, бунинг таъсирида илк муассасавий тузилмалар ҳам вужудга кела бошлади. Мисол тариқасида, 1926 йил Венада чақирилган Паневропа иттифоқи конгрессини эслаб ўтиш жоиздир.

³⁰L'Europe vue par Victor Hugo. Futuribles (Analyse et prospective), Janvier 2003-numero 282. - P.63.

Европа Иттифоқи интеграциясининг куртак отиши ва дастлабки Ҳамжамиятларнинг пайдо бўлиши Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тарихий шарт-шароитлар билан чамбарчас боғланган.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, 1948 йил февралда Чехословакияда содир бўлган давлат тўнтариши ва европачилик ҳаракатининг 1948 йил майда бўлиб ўтган Гаага Конгрессидан сўнг Ғарбий Европада ҳалқаро ҳамкорлик ташкилотлари сони кўпая бошлади. Жумладан, 1948 йил 16 апрелда Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ташкил топди ва 1962 йилда Европа тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилотига айлантирилди. 1949 йил 4 августда НАТО, 1949 йил 5 майда Европа Кенгаши (*Council of Europe*) таъсис этилди. Бу ташкилотларнинг барчаси ҳалқаро ҳуқуқнинг классик тамойилларига асосланар эди: давлатлар ўзаро ҳамкорлик мақсадида уюшадилар, розилик ёки қарши овоз бериш ҳуқуки сақланган ҳолда умумий қарор қабул қилинади.

Ниҳоят, Шуман таклифи асосида 1951 йил 18 апрелда Франция, Германия, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург (Бенилюкс) ўртасида “Европа кўмир ва пўлат ҳамжамияти”ни ташкил этиш тўғрисида Париж шартномаси имзоланди. Айни шу давлатлар иштирокида “Европа иқтисодий ҳамжамияти” ва “Европа атом энергияси ҳамжамияти”ни таъсис этишга оид шартнома 1957 йил 25 марта Рим шахрида имзоланди ва 1958 йилдан кучга кирди.

Шу тариқа, иқтисоднинг асосий соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Умумий божхона иттифоқи доирасида товарлар (маҳсулотлар)нинг эркин айланиши учун умумий бозор жорий этилди. Бироқ, бу иттифоқ ичida фуқароларнинг, хизмат кўрсатиш тизимлари ва капиталнинг эркин ҳаракатланиб юриши учун яна 30 йил кутишга тўғри келди. 1986 йил февралда имзолangan Европа Ягона хужжати умумий ички бозорнинг шаклланишидаги яна бир ҳал қилувчи босқич бўлди.

1992 йил мўъжазгина Маастрихт қишлоғида имзолangan Европа Иттифоқи тўғрисидаги Шартнома эса умумий хавфсизлик, ташки сиёsat ва ҳуқуқ-тартибот соҳаларида ҳам яқин ҳамкорликни йўлга қўйди ва тегишли муассасавий (институционал) тузилмаларни барпо этди. Бундан кўзланган мақсад, ягона ташки сиёсий фаолият ва яхлит ҳуқуқий худуд ташкил этишdir. Бу ўринда муштарак манфаатлар билан давлатлар суверенитети дахлсизлиги тамойилларининг ўзаро мувозанат касб этгани, айниқса, дикқатга сазовордир. Шу жиҳатлар билан Европа интеграцияси ўзининг иқтисодий манфаатлар билан чекланган бошлангич доирасидан чиқа олди ва минтақавий ҳамкорликнинг барча жабхаларини қамраб олишга муваффақ бўлди.

Қисқа қилиб айтганда, интеграциянинг сифат ва мазмун жиҳатдан бойиб бориши, унинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг энг муҳим қирраларини қамраб олиши, аввалига аъзо давлатлар ваколатлари остида бўлган турли иқтисод тармоқларининг эндиликда Ҳамжамиятлар ихтиёрига топширилиши ҳамда аъзо давлатлар ихтиёрида қолган соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг янада кучайиши интеграциянинг чукурлашуви маъносини англатади.

Шундай қилиб, бугунги Евropa Иттифоқи ташкилоти “уч пойдевор” концепциясига асосланади. Мазкур концепция шаклан у қадар мураккаб тузилма бўлмаса-да, бироқ уни изоҳлаш катта билим ва савияни талаб этади. Чунки, у Иттифоқнинг ҳам сиёсий-таркибий, ҳам ҳукукий табиатини англаб олишнинг энг муҳим воситасидир.

Интеграция худудий миқёсда ҳам гуркираб ривожлана бошлади. 1951 йил Ҳамжамият бор-йўғи юқорида санаб ўтилган олти нафар давлатни бирлаштирган бўлса, 1973 йил ўз таркибига Буюк Британия, Дания ва Ирландияни қабул қилди. 1981 йил Греция, 1986 йил Испания ва Португалия Иттифоқка аъзо бўлиб кирди³¹. Ўша даврдан бошлаб, «ўн иккилар» иқтисодий жиҳатдан юксалиш палласига кирди.

1995 йил Австрия, Швеция ва Финляндия ташкилотга аъзо бўлиб кирди³².

Маастрихт шартномасига илова қилинган учта протокол Буюк Британия, Шимолий Ирландия ва Даниянинг Шенген худудида иштирок этмаслигини, уларнинг исталган вақтда аъзоликка қабул қилиниши шарти билан, истисно этади. Амстердам шартномаси билан Шенген ҳукуқининг “ҳамжамиятлаштирилиши” оқибатида ушбу давлатлар Ҳамжамиятларнинг яхлит ҳукукий тизимидан, яъни мазкур жабҳадаги интеграциядан ташқарида қола бошладилар.

Яна бир мисол тариқасида ягона пул бирлиги – евронинг нақд пул бирлиги сифатида 2002 йилнинг 1 январидан муомалага киритилиши билан боғлиқ пул сиёсати ҳам Иттифоқнинг барча аъзолари томонидан бирдек қабул қилинмаганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хуроса қилиб айтганда, интеграция жараёнида тўпланган қўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, Иттифоққа аъзо давлатлар сонининг кўпайиши интеграциянинг тобора чукурлашувига турлича таъсир қилмоқда ва, охир-оқибатда, пировард мақсад нуқтаи назаридан, интеграциянинг секинлашувига сабаб бўлмоқда.

³¹Бирлашган Қироллик, Ирландия ва Даниянинг Ҳамжамиятларга аъзо бўлиб кириши тўгрисидаги шартнома 1972 йил 22 январда имзоланган ва 1973 йил 1 январдан кучга кирган (JOCE n L 73 du 24.05.1972, JOCE n L du 01.01.1973); Грециянинг Ҳамжамиятларга аъзо қилиниши тўгрисидаги Афина шартномаси 1979 йил 24 майда имзоланган ва 1981 йил 1 январдан кучга кирган (JOCE n L 291 du 19.10.1979); Испания Қироллиги ва Португалия Республикасининг аъзолиги тўгрисидаги шартнома 1985 йил 12 июняда қабул қилинган ва 1986 йил 1 январдан кучга кирган. (JOCE n L 302 du 15.10.1985)

³²Австрия, Швеция ва Финляндияни Евropa Иттифоқига қабул қилиш тўгрисидаги шартнома 1994 йил 29 августда имзоланган ва 1995 йил 1 январдан кучга кирган (JOCE n L 1 du 01.01.1995)

Европа Иттифоқи интеграцияси тарихини даврийлаштириши борасида Европа Иттифоқи интеграциясини турли босқичларга бўлиш масаласида ҳозирча ягона ёндашув қарор топган эмас. Унинг тарихини даврийлаштиришнинг мезонлари хусусида турлича қарашларнинг мавжудлиги бунинг асосий сабабларидан бири бўлиши мумкин. Жумладан, баъзи манбаларда унинг тарихи Иттифоқнинг жуғрофий кенгайиши билан боғланади ва асосий босқичлар сифатида 1957 йил (учта Ҳамжамиятнинг пайдо бўлиши), 1973 йил (Буюк Британия, Ирландия, Дания), 1981 (Греция) ва 1986 йиллар (Испания ва Португалия), 1995 (Швеция, Австрия ва Финляндия) ва ниҳоят, 2004 йиллар (янги “ўнлик”нинг Иттифоқка кириши) кўрсатилади. Бундай даврийлаштириш интеграциянинг чуқурлашуви билан ҳамоҳанг эмас, зотан унинг сифат ва мазмун жиҳатдан ривожланиб бориши худди мана шу ҳодиса билан чамбарчас боғланган.

Айнан шу мезондан келиб чиқсан ҳолда, унинг асосий босқичлари сифатида 1951 йил (биринчи Ҳамжамиятга асос солиниши), 1957 йил (Рим шартномалари билан иккита Ҳамжамиятнинг пайдо бўлиши), 1987 йил (Европа Ягона актининг қабул қилиниши), 1992 йил (Маастрихт шартномаси билан Европа Иттифоқининг ташкил топиши)лар билан ажратиб кўрсатилган тўрт босқичга бўлинади.

5.2. Европа Иттифоқи хуқуқининг таркибий тузилиши, моҳияти ва хусусиятлари

Кўпгина илмий манбаларда «Европа хуқуқи» атамаси тез-тез тилга олинсада, ҳанузга қадар у ўзининг аниқ ва яқдил ифодасига эга эмас. Бу атама остида нима кўзда тутилаётганлиги унинг ким томонидан ва қандай маънода қўлланилаётганлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолат эса илмий нуқтаи назардан хато фикр ва ёндашувларни келтириб чиқариши мумкин. Гап шундаки, хукуқшунослар тилида ундан ташқари “Европа Иттифоқи хуқуқи”, “Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари хуқуқи”, “Европа ҳамжамиятлари хуқуқи”, “Европа давлатлари хуқуқи” каби атамалар ҳам мавжудки, биз мазкур атамаларнинг аниқ ифодасига эга бўлмас эканмиз, уларни айни бир маънода қўллашдан тийилиш зарур.

“Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари хуқуқи” атамаси “Европа хуқуқи”нинг айнан тор маънодаги ифодасидир (Европа хуқуқининг кенг ва тор маънодаги ифодаси ҳақида кейинги параграфда сўз юритилади). Рус тилидаги адабиётларда у русийзабон олимлар томонидан “Европа хуқуқи” номи билан юритилади.

Шуни эътиборга олган ҳолда, “Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари хуқуқи” атамасининг қўлланилиши хукуқшунослик фанлари нуқтаи назаридан энг оқилона ва тўғри ёндашув бўлиши мумкин. Чунки, мана шундай ҳолатда, Европа Иттифоқи хуқуқини кенг ва тор маънода тушуниш ва ундан келиб чиқиши мумкин бўлган чалкашликка барҳам берилади. Бундан кейинги матнларда Европа Иттифоқи хуқуқи ўрнида

“Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари ҳуқуқи”нинг ишлатилиши унинг кенг маънодаги ифодасини ўзида акс эттиради.



Европа ҳуқуқи билан Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари ҳуқуқи ҳудудий қамров нуқтаи назаридан бир бутун яқдил тизимни ташкил этади.

Ҳуқуқий мазмунига кўра, улар тартибга солинадиган муносабатларнинг субъектлари ва обьектларига қараб ўзаро фарқланади. Айни пайтда, улар орасида ҳудудий мезонлар билангина боғлиқ бўлмаган ўзаро боғланиш ҳам мавжуд. Бу икки ҳуқуқий тизим орасидаги умумийлик ва хусусийлик, ўзаро мустақиллик ва боғлиқлик юқорида эслатилган атама ва тушунчаларга нисбатан қабул қилинган илмий-услубий ёндашувлардан келиб чиқади.

Кенг маънода, Европа ҳуқуқи тушунчаси Европадаги барча ҳалқаро минтақавий ташкилотларнинг муайян амалий фаолияти ва ташкилий қурилмаси доирасидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва илмий муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуасини англатади ва, шу тарзда, у ҳалқаро ҳуқуқнинг минтақавий тизими сифатида намоён бўлади. Уни шартли равишда “минтақавий ташкилотлар ҳуқуқи” ёки “Европа ташкилотлари ҳуқуқи” деб атасимиз мумкин.

Мана шу маънодаги Европа ҳуқуқи соф юридик ҳодиса сифатида XX асрнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлади. Европа Кенгаши (1949), Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО, 1949), Европа ҳамжамиятлари (1951, 1957), Европа эркин товар айирбошлиш уюшмаси (1960), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (1960), Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик конференцияси (1975, 1995 йилдан бошлаб ЕХХТ), Европада тикланиш ва тараққиёт банки (1991), Европа Иттифоқи (1992) ва бошқа бир қатор ташкилотларнинг пайдо бўлиши Европа ҳуқуқининг расман шаклланиши учун моддий базавий асос бўлиб хизмат қилди. Шундай бўлса-да, бу ҳуқуқни фақатгина институционал ёки функционал ҳуқуқ сифатидаги ҳалқаро ташкилотлар ҳуқуқининг бир кўриниши, деб таърифлаш нотўғри ёндашув бўлур эди. Зоро у, бугунги кунда оммавий ва хусусий ҳуқуқ, давлатларнинг миллий ҳуқуқи ва ташкилотлар ҳуқуқи, қолаверса, янги ва анъанавий классик ҳуқуқнинг омухталашган қирраларини ўзида жо этган ҳуқуқнинг янги тизими ёки янги ҳуқуқий тартибот сифатида эътироф этилган.

Ундан фарқли ўлароқ, тор маънодаги Европа ҳуқуқи тушунчаси – Европа ҳамжамиятлари ва, қисман Европа Иттифоқи доирасидаги барча муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуасидир. Бу маънодаги Европа ҳуқуқи анъанавий ҳалқаро ҳуқуқдан тубдан фарқ қилиб, ўзининг амал қилувчи муайян ҳудуди, ҳуқуқ меъёрлари йўналтирилган субъектлар (дестинатор) ва обьектлари билан бирга ўзининг алоҳида хусусиятларига эга. Ана шундай хусусиятлардан бири - Европа ҳуқуқига туб асос бўлиб хизмат қилувчи мустақил Европа ҳамжамиятлари ҳуқуқи ва

ҳалқаро ҳуқуқ табиатини зоҳир этиб, Ҳамжамиятлар ҳуқуқий маконидан ташқаридаги ва, айни пайтда, Ҳамжамиятларга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи «тўлдирувчи ҳуқуқ» дея ном олган - Европа Иттифоқи ҳуқуқининг бир тизимдан жой олганлигидир.

Ўз навбатида, бу тизимнинг ўзаги бўлган Ҳамжамиятлар ҳуқуки ўзида бир қатор мураккабликларни акс эттиради: бир томондан, бу ерда континентал ҳуқуқ (Civil Law) ва жамоавий ҳуқуқ (Common Law), иккинчи томондан, ҳалқаро (ҳалқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқ) ва минтақавий ҳуқуқ (Ҳамжамиятлар ҳуқуқи) меъёрлари, учинчи томондан эса, Ҳамжамиятлар ҳуқуқи (минтақавий) ва миллий ҳуқуқий тизимлар ўз уйғулигини топа олган. Давлатларнинг суверенитет ва миллий чекланишлар тамойиллари интеграцияга асос яратувчи ўзаро ён беришлар тамойили билан мувозанатлаша олгани алоҳида эътиборга моликдир.

Тор маънодаги Европа ҳуқуқи (бундан кейинги матнларда Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари ҳуқуқи назарда тутилади) - ҳуқуқий тизим сифатида иккита асосий қисмдан таркиб топган. Улардан биринчиси сиёсий, маъмурий ва юридик ташкиллашишга қаратилган институционал ҳуқуқ бўлиб, бу ҳуқуқ меъёрлари Европа Иттифоқи асосий органларининг ваколатлари, мақоми ва вазифаларини белгилайди ҳамда мазкур тузилмалар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик мақоми ва устувор кетма-кетлигини (иерархиясини) расмийлаштиради. Шундан келиб чиқсан ҳолда, ушбу меъёрларнинг дестинаторлари (истеъмолчилари) сифатида Иттифоқ ва Ҳамжамиятлар институтлари, аъзо давлатлар ва, айрим ҳолатларда, индивидлар майдонга чиқади.

Моддий-базавий (материальное право) ҳуқуқ иккинчи таркибий қисм бўлиб, Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятларининг таъсис этувчи шартномалари амалга татбиқ этиладиган соҳалардаги индивидлар ва гуруҳлар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни ўзида жамлайди. Шу маънода, у: биринчидан, Европа ҳамжамиятлари иқтисодий ҳаётига тааллуқли иқтисодий эркинлик ва ривожланиш тартибларини белгиловчи, эркин рақобатга йўл очувчи меъёрларни ҳамда, иккинчидан, аъзо давлатларнинг умумий иқтисодий чораларни қабул қилиш ва амалга татбиқ этишдаги иштироки тамойиллари ва меъёрларини ўз ичига олади.

Демак, холоса қилиб айтиш мумкинки, Европа оиласига мансуб минтақавий ташкилотлар ўз фаолиятларининг барча йўналишларида турли даражадаги ўзаро ҳамкорлик ришталари билан боғлангандирлар. Мазкур боғланишлар қандай характер кассб этмасин, улар битимлар, шартномалар ва бошқа кўринишдаги ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланган. Шу тариқа, ушбу асосларнинг ўзи кенг маънодаги Европа ҳуқуқининг шаклланишига туртки бермоқда.

5.3. Ёзма манбалар тизими: бирламчи ҳамда орттирма ҳуқуқ манбалари (Асосий шартномалар)

Европа ҳамжамиятлари ҳуқуқи тизимида таъсис шартномалари марказий ўринни эгаллайди. Улар бирламчи ёзма манбалар сифатида

талқин этилади ва бу шартномалар Ҳамжамиятларнинг қонунан мавжудлигининг бирламчи асосидир.

Шунинг учун уни «бирламчи ҳуқуқ» деб аташади ва қолган барча ҳуқуқий меъёрлар ва манбалар унга бўйсундирилади. Бу ерда гап, Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари ҳуқуқининг бирламчи манбалари ҳақида кетмоқда.

Бирламчи ҳуқуқ таркибига учта таъсис шартномаси (ЕКПХШ, ЕИХШ, ЕАЭХШ), кейинчалик уларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги шартномалар (Европа Ягона хужжати, Амстердам, Маастрихт, Ницца, Афина шартномалари) киради.

Аъзолик тўғрисидаги шартномалар Ҳамжамиятларнинг таъсис шартномалари билан узвий боғлиқдир. Чунки, янги аъзоларнинг Ҳамжамиятга қабул қилиниши таъсис шартномаларининг институционал диспозицияларига ўзгартиришлар киритишга олиб келади.

Таъсис шартномаларига илова қилинган протоколлар ҳам бирламчи ҳуқуқнинг таркибий қисмидир. Маълумки, Маастрихт шартномасига 17 та, Амстердам шартномасига 13 та протокол илова қилинган эди³³.

Мазкур протоколлар шартномалар билан баравар юридик кучга эга. Фақат улар шартномаларни «оғирлаштириб» ёки «қаппайтириб» юбормаслиги учун улар ичига киритилмаган. Бироқ, шартномаларга илова қилинадиган декларациялар бундай мақомга эга эмас, улар ҳеч қандай юридик мажбурият туғдирмайди. Декларацияларнинг аҳамияти шундаки, улар бирламчи ҳуқуқни шарҳлаш учун хизмат қиласи. Шу нуқтаи назардан, Маастрихт шартномасига 33 та, Амстердам шартномасига 51 та декларация илова қилинган.

Шартномаларда *кўзда тутилган* Ҳамжамият «актлари» (масалан, Парламентга тўғридан-тўғри ва умумий овоз бериш йўли асосидаги сайловлар тўғрисидаги акт) шартномалар билан бир хил юридик кучга эга. Мазкур актлар маҳсус тартиб асосида қабул қилинади ва аъзо давлатлар томонидан конституциявий тартибда тасдиқдан ўтади.

Таъсис шартномаларига нисбатан тийилиш (резерв) ҳуқуқи мавжуд эмас, яъни улар бир бутун ҳолатда барча иштирокчилар учун мажбурийдир.

Ёзма манбаларнинг иккинчи таркибий қисми «орттирма ҳуқуқ» - Ҳамжамиятлар институтлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий хужжатлар туркумидир. Улар, ўз табиатига кўра, шартномавий характердаги таъсис шартномалари бўлмиш «бирламчи ҳуқуқ»дан фарқли ўларок, Ҳамжамиятлар институтларининг (Кенгаш, Комиссия, Парламент) бир ёқлама характердаги ҳуқуқий хужжатлариdir. Шунингдек, мазкур

³³Dutheil I. Introduction au droit de L'Union européenne. 9-edition. - Hachette, Paris, 1998. - P. 93.

хужжатлар Европа Итифоқи ва ҳамжамиятларининг иккиламчи манбалари бўлишига қарамай, Ҳамжамиятлар ҳаёти учун бирламчи хуқуқдан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, «иккиламчи хуқуқ»нинг шартномаларда кўзда тутилмаган актлари, институтлараро битимлар ва декларациялар каби музокаралашган актларкўринишидаги турлари ҳам мавжуд.

Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари хуқуки манбавий нуқтаи назардан учта таъсис шартномасидан ташкил топган. Кейинчалик, мазкур шартномаларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам, шубҳасиз, унинг таркибий қисми ҳисобланади.

Улар орасида Европа иқтисодий ҳамжамияти тўғрисидаги шартнома асосий ўринни эгаллайди. Маастрихт шартномаси унинг мазмун ва моҳиятига дахл қилмаган ҳолда «Европа ҳамжамияти» деб қайта номлади ҳамда ваколатларини янада кенгайтирди. Қолган икки «Европа атом энергияси ҳамжамияти тўғрисида»ги ва «Европа кўмир ва пўлат ҳамжамияти тўғрисида»ги шартномалар муайян тармоқ ёки чекланган соҳалардаги муносабатларни тартибга солса-да, уларга нисбатан Европа ҳамжамияти шартномаси мувофиқлаштирувчи вазифани бажаради.

Шартномаларнинг амал қилиш муддати расман чекланмаган (ЕХШнинг 312-моддаси, ЕАЭХШнинг 208-моддаси). Фақатгина Европа кўмир ва пўлат ҳамжамияти тўғрисидаги шартнома 50 йилга тузилганлиги боис (ЕАЭХШнинг 97-моддаси), кўзда тутилган муддат тугаши билан Европа ҳамжамияти тўғрисидаги шартнома таркибиغا бир бутун тизим сифатида сингиб кетди.

Европа кўмир ва пўлат ҳамжамияти тўғрисидаги шартнома. «Умумий бозор» ғоясини илгари сурган Шуман декларацияси 1950 йил 9 майда Франция Ташқи ишлар вазирлигининг Соатлар (Horloge) саройида янграши билан кўп ўтмай ўз акс-садосини топди. Орадан бир йил ўтиши билан, 1951 йил 18 апрелда Шуман таклифини хайриҳоҳлик билан кутиб олган 6 давлат: Франция, Бельгия, ГФР, Нидерландия, Италия ва Люксембург ҳукуматлари “Европа кўмир ва пўлат ҳамжамияти”ни ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. 50 йил муддатга тузилган бу шартнома 1952 йил 15 июлдан кучга кирди. (белгиланган муддати тугаши билан 2002 йилда мазкур шартнома Европа ҳамжамияти шартномаси (ЕХШ) таркибига киритилди).

Шартноманинг асосий хусусиятлари унинг мазмунидан келиб чиқади. Унинг биринчи моддаси Ҳамжамиятнинг учта асосий тамойилини зикр қиласи: умумий бозор, умумий мақсадлар ва умумий бошқарув муассасалари. Кейинги моддага кўра, Ҳамжамият аъзо давлатлар учун туб ва узоқ муддатли иқтисодий инқизорзлар келтириб чиқаришнинг олдини олган ҳолда ишлаб чиқариш унумдорлигининг юқори даражасини сақлаб қолиш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни оқилона тақсимлашга йўл очувчи зарурий шароитларни яратиш, аҳолини доимий иш билан таъминлаш вазифаларини бажариши лозим эди.

Европа атом энергияси ҳамжамияти тўғрисидаги шартнома. 1955 йил 1-3 июнда Мессина(Италия)да бўлиб ўтган Европа кўмир ва пўлат ҳамжамиятияга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг йиғилишида 1956 йил июнь-1957 йил март ойида иккита шартнома лойихаси ишлаб чиқилди ва 1957 йил 25 марта Европа иқтисодий ҳамжамияти ҳамда Европа атом энергияси ҳамжамияти тўғрисида иккита шартнома ва қўшма протоколлар Рим шахрида имзоланди.

Дархақиқат, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг энергетика соҳасида Фарбий Европа мураккаб вазиятда қолган эди. Нефть заҳираларига эга бўлмаган Европа эҳтиёjlари асосан кўмир ҳисобига қондириларди. Айни ўша пайтда АҚШ ва СССРнинг атом қуроллари ва саноатига эга бўлиши Европани ҳам бу соҳада олға силжишга даъват этарди. Қолаверса, 1956 йилги Сувайш канали билан боғлиқ воқеалар Европанинг энергетика соҳасида қалтис вазиятда эканлигини кўрсатди. Мазкур омиллар 1958 йил 14 январда ҳар икки шартноманинг зудлик билан кучга киришини таъминлади.

Европа атом энергияси ҳамжамияти тўғрисидаги шартнома 225 та модда ва 5 та иловадан ташкил топган.

Бундан ташқари, шартномага Голландия қироллигининг Европадан ташқаридаги қисмида шартномани қўллаш тўғрисида ва Европа атом энергияси ҳамжамияти судининг мақоми тўғрисида (ЕАЭХШнинг 164-моддасига асосан) иккита протокол ҳам илова қилинган эди.

Европа иқтисодий ҳамжамияти тўғрисидаги шартнома. Маастрихт шартномасидан сўнг “Европа ҳамжамияти” деб ном олган Европа иқтисодий ҳамжамияти тўғрисидаги шартнома Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари ҳукуки тизимида марказий ўринни эгаллайди ва баъзан Ҳамжамиятлар конституциясига тенглаштирилади.

Шартнома ЕИХнинг ташкил топишини ҳуқуқан расмийлаштириди. У 314 та модда (Маастрихт ўзгартиришларигача 248 та модда бор эди)ни ўз ичига олган 6 та қисм ва преамбуладан иборат салмоқли ҳужжатdir.

Шартнома ҳужжатлари Европа инвестиция банки Низоми, ЕИХ имтиёzlари тўғрисида қатор протоколлар, якунловчи ҳужжатлар, бир қатор декларациялар ҳамда аъзо давлатларнинг баёнотларидан иборат.

Шартнома преамбуласидаёқ асосий мақсадлар қисқа баён қилинган бўлиб, “Европа ҳалқларининг янада уюшган иттифоқига асос солиш”, “Европани бўлиб ташлаган тўсиқларни бартараф этган ҳолда умумий саъи-ҳаракатлар билан мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожини таъминлаш”, “турли минтақалар орасидаги тафовутни қисқартира бориб, ўзаро уйғун тараққиётга эришиш”, “умумий савдо сиёсати юритиш орқали ҳалқаро савдо алоқаларидағи чекловларни бартараф этиш»³⁴ кабилар ана шулар жумласидандир.

³⁴Commentaire articles par articles des traites UE et CE. Sous la rédaction de P.Leger. - Helbing and Lichtenhahn (Minich), Dalloz (Paris), Bruylant (Bruxelles) 2002. - P. 155.

Муқаддимада БМТ Бош низоми тамойиллариға мурожаат ҳам ўз аксини топган эди.

Тұлдирувчи шартномалар. Таъсис шартномалари, Европа Иттифоқи интеграциясининг кенгайиши ва чуқурлашиши натижаси ўлароқ, ярим асрлик ислоҳотлар йўлини босиб ўтди. Аввало айтиш жоизки, таъсис шартномалариға жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи Иттифоқ истиқболи тарафдорлари ва давлатчилик посбонлари орасидаги энг кескин кураш мавзуси бўлиб келган. Нима бўлганда ҳам, киритилган ҳар битта ўзгартириш Иттифоқ ҳаётида янги мэрралар томон йўл очиб борди.

Таъсис шартномалариға ўзгартириш киритиш тартиби таъсис шартномаларида қисман бўлса-да, ўз аксини топган (масалан, ЕКПХШнинг 95-моддаси). Бироқ, мазкур ўзгартиришларнинг қай даражада муҳимлиги ва жиддийлиги ушбу тартибларни белгиловчи асосий омил эканлиги кейинчалик ҳис қилина бошлади, холос. Шу нуқтаи назардан, уларни икки туркумга ажратишга тўғри келади: уларнинг биринчиси жузъий техник ва институционал ўзгартиришлар бўлса, иккинчиси - таъсис шартномалари мазмунига чуқур дахл қилувчи тўлдирувчи шартномалардир.

Жузъий техник ва институционал ўзгартиришлар киритилиши, ўз аҳамиятига кўра, Кенгаш томонидан яқдил овоз билан қабул қилиниб, *grossomodo*, конституциявий тартибда аъзо давлатлар томонидан апробация қилиниши талаб этилса-да, уларнинг баъзилари учун бундай талаб қўйилмаслиги мумкин.



Бироқ, тўлдирувчи ёки ислоҳ қилувчи шартномалар амалга татбиқ этилмоғи учун улар аъзо давлатлар томонидан алоҳида-алоҳида ратификация қилинмоғи шарт.

Биринчи ҳолатга мисол сифатида қуйидагиларни киритиш мумкин:

Люксембург келишуви (1966 йил) Кенгаш доирасида қарор қабул қилиш учун шартномаларда кўзда тутилганидек, ўтиш даври тугаши билан яқдил овоз бериш тартибидан малакали овоз бериш тартибига ўтишни хоҳламаган давлатлар (асосан Франция) талабини қондиришга қаратилган эди. Келишув таъсис шартномаларини қайта кўриб чиқиш шаклини олмади, балки оддий Коммюнике шаклида қабул қилинди.

Бирлаштириши тўғрисида Брюссель шартномаси 1965 йил 8 апрелда қабул қилинган ва 1967 йил 1 июндан кучга кирган. Унга асосан, учала Ҳамжамиятларнинг Кенгаш ва Комиссиялари умумий Ҳамжамият органлари – Кенгаш ва Комиссияга бирлаштирилди.

Люксембург шартномаси (1970 йил 21 апрель) ва *Брюссель шартномаси* (1975 йил 22 июль) Парламент ассамблеясининг бюджет соҳасидаги ваколатларини кенгайтирди ва Ҳамжамиятларнинг мустақил молиявий манбалари тўғрисида қарор қабул қилди.

1976 йил 20 сентябрь *Акти* Европа Парламентига түғридан-түғри сайлов тартибини жорий этди ва ҳ.к.

Шу каби ўзгартиришлар ва қўшимчалар 20 тага яқин ҳужжатлар билан амалга оширилди.

Иккинчи ҳолатга намуналар эса у қадар кўп сонли эмас: қуйида Европа Ягона ҳужжати, Маастрихт шартномаси, Амстердам, Нисъ ҳамда Афина шартномалари ҳақида гап кетади. Қолаверса, шартномаларни қайта кўриб чиқиш ва киритилган ўзгартиришларни амалга татбиқ этишга имкон берувчи таъсис шартномаларида кўзда тутилган тартиблар ЕХОС томонидан бир неча марта эслатиб ўтилган³⁵.

Европа Ягона ҳужжати. 1980-йилларнинг ўрталарига келиб, Европа ҳамжамиятлари ҳаётида бир қатор муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Европа Кенгаши шаклланди (1974 йил), Европа Парламентига биринчи сайловлар бўлиб ўтди (1979), Европа ҳамжамиятлари ҳисоб палатаси таъсис этилди (1975), аъзо давлатлар сони 12 тага етди (1986).

Шу билан бирга, бир талай муаммолар ҳам етилиб борди. Кенгашнинг яқдил овоз талаб этувчи қарор қабул қилиш механизми яхши самара бермас, бир қатор ташаббуслар, масалан, ташқи сиёsat соҳасидаги ҳамкорлик, мустаҳкам юридик асосларсиз ривожланиб бормоқда эди. Сиёсий ҳаётда Парламентнинг роли етарли эмаслиги янада ойдинлашиб борди. Буларнинг барчаси амалдаги таъсис шартномаларини қайтадан кўриб чиқиш заруратини туғдириши табиий эди. Бироқ, аслида, мазкур зарурат ўша пайтда содир бўлаётган чуқур иқтисодий ўзгаришлар билан янада узвийроқ боғланган эди.

1985 йилда Европа интеграцияси жараёнида кескин иқтисодий танглик томир ота бошлади. Ғарбий Европа АҚШ ва Японияга нисбатан рақобатда ўз ожизлигини яққолроқ ҳис эта бошлади. Комиссия мазкур рақобатга яхлит ички бозорни тўла шакллантириш билангина дош бера олиш мумкинлигини таъкидлаган ҳолда, 270 та тадбирни ўз ичига олган дастур (Оқ китоб) ишлаб чиқди ва 1985 йил июнда уни афкор омма зътиборига ҳавола қилди. Мазкур дастур ягона ички бозорни тўла шакллантиришга қаратилган бўлиши билан бирга таъсис шартномаларини қайта кўриб чиқиш ва ислоҳ қилишни назарда тутарди. Зотан, 30 йил ичидаги ички бозор бўйлаб ҳаракатланиш эркинлигига қисман эришилган эди, холос. Ягона ички бозорни шакллантириш учун учта асосий ғовни ёриб ўтиш зарур эди: маъмурий бюрократик (чегара, паспорт, божхона расмиятчилиги), юридик-техник (қонунчиликдаги тафовутлар), солик-фискал (соликлар, акциз солиғи) муаммолари ана шулар жумласидандир.

Мавжуд институционал ва иқтисодий муаммоларга барҳам бериш мақсадида Фонтанебле Европа кенгаши (1984 июнь) *Дуг – adhoc* қўмитасини ташкил этди ва унга институционал ва сиёсий ҳамкорлик масалалари бўйича лойиҳа ишлаб чиқиши топширди. Мана шу асосда

³⁵ Arrêt du 3 février 1976, *Min.PUBLIC/Flavia Manghera et al.*, aff. 59/75. - Rec. -P.91; Arrêt du 8 avril 1976, *Defrenne/Sabena*, aff. 43/75. - Rec. - P.455; Arrêt du 23 février 1988, *Royaume-Uni/Conseil*, aff.68/86. - Rec. - P.855 etc.

Милан Европа кенгаши (1985 йил 28-29 июль) Буюк Британия, Дания, Греция қаршилигига қарамай, таъсис шартномаларини қайта кўриб чиқиши ёқлаб чиқди.

Аввалига иккита алоҳида шартнома қабул қилиш мўлжалланган эди: уларнинг бири Ҳамжамиятлар тўғрисидаги шартномаларни ислоҳ қилиши, иккинчиси эса, ташқи сиёsat соҳасидаги ҳамкорликка асос солмоғи лозим эди. Бироқ, кейинчалик Кенгаш стратегияси бироз ўзгарди: иккала шартнома лойиҳаси битта «ягона хужжат» га умумлаштирилди ва 1986 йил 18-27 февралда имзоланди. Европа Ягона хужжати 1987 йил 1 июлдан кучга кирди.

Хужжат шакл нуқтаи назаридан бир нечта декларация ва резолюциялар билан тўлдирилган шартномадир.

Шартнома преамбуласида биринчи марта «Европа Иттифоқи» атамаси тилга олинади (мазкур атама норасмий равишда 1972 йилда Парижда бўлиб ўтган давлат ва хукумат раҳбарларининг учрашуvida зикр қилинган эди, бироқ Маастрихт шартномасига қадар қайд қилинмади). Инсон хукуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси томонидан зикр қилинган асосий эркинликлар ва демократик қадриятларни ҳурмат қилиш тамоили ҳам преамбуладан жой олди.

Хужжатнинг I қисми Европа кенгашига расман институционал мақом берди ва унга Ҳамжамиятлар интеграцияси ва ташқи сиёsat соҳасидаги ҳамкорликка зарурий туртки бериш вазифасини топширди. Шу тариқа янги меъёрий қўшимчалар киритилди.

Шартноманинг II қисми таъсис шартномаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритди. ЕКПХШ ва ЕАЭХШ фақат биттагина институционал меъёрий қўшимча билан бойитилди: иккала Ҳамжамият учун (ЕИХ учун ҳам) ваколатли Биринчи инстанция трибунали таъсис этилди. Қарор қабул қилиш жараёнида Парламент ролини ошириш, Кенгашда малакали кўпчилик овоз тартибини қўллаш имкониятини (яқдил овозга нисбатан) кенгайтириш, Комиссиянинг ижро ҳокимиятига Кенгаш вакиллигини таъминлаш каби институционал ўзгартиришлар асос эътибори билан фақат ЕИХга тегишли эди.

Хукуқ нормалари татбиқ этиладиган соҳа (*Rationmateriae*) нуқтаи назаридан ЕИХШ жиддий ўзгаришга учради: тадқиқотчилик, атроф-муҳит муҳофазаси, технологик тараққиёт, иқтисодий ва ижтимоий мувофиқлаштириш, минтақавий сиёsat каби янги соҳалар “ҳамжамиятлаштирилди”.

Шунингдек, шартноманинг 8A 2-банди яхлит ички бозорга тўлиқ юридик таъриф берди ва ички бозорни шакллантиришнинг охирги босқичи этиб 1992 йил 31 декабрни белгилади. Бироқ, Ягона хужжатга илова қилинган декларацияда баён қилинганидек, «1992 йил 31 декабрь

санасининг белгиланиши автоматик тарзда ҳеч қандай юридик оқибатлар туғдирмайди»³⁶.

III қисм эса ташқи сиёсат соҳасида ҳамкорлик бўйича таъсис шартномаларида кўзда тутилмаган янги шартномавий меъёрларни ўзида жо этди (30-модда). Сиёсий ҳамкорлик хавфсизлик масалаларини ҳам қамраб олган ҳолда, 30.6.с-моддага кўра, аъзо давлатларнинг Ғарбий Европа иттифоқи ва НАТО доирасидаги ҳамкорлигига соя ташламаслиги керак.

Шундай қилиб, Ягона ҳужжат 30 йиллик интеграцион жараёнга хулоса ясаб, янги Европа – Маастрихт шартномаси учун катта имкониятлар эшигини очди. Зотан, Маастрихт Европа Иттифоқи ташкилотининг асоси бўлса, Европа Ягона ҳужжати эса умумий ички бозорга юридик асос яратди. Ҳолбуки, Гент университети профессори М.Мареско таъбири билан айтганда, таъсис шартномалари «умумий бозор» яратиш билангина чекланган эди³⁷.

Маастрихт шартномаси. Европа Ягона ҳужжати ўз табиатига кўра узоқ бўлмаган муддатга мўлжалланган оралиқ битим эди. Айниқса, унинг III қисми («Ташқи сиёсат соҳасида Европа ҳамкорлиги») юридик маънода ҳали пишиб етилмаган ҳамда шартноманинг 30-модда 12-бандига асосан, ҳужжат кучга киргандан кейин 5 йил ўтгач, аъзо давлатлар уни қайта қўриб чиқишилари лозим эди. Қолаверса, яхлит ички бозор шаклланиши ўз ниҳоясига етиб бормоқда, ягона пул сиёсатига ўтиш ғояси тобора кун тартибидан ўрин қидирмоқда эди. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида рўй берган геосиёсий воқеалар Ҳамжамиятларни «Иттифоқ»ка етаклаган яна бир муҳим омил бўлди.

Мазкур шартнома Маастрихт Европа кенгаши номи билан Маастрихт шартномаси деб аталди ва 1992 йил 7 февралда имзоланиб, 1993 йил 1 ноябрдан кучга кирди.

Шартнома таркибий нуқтаи назаридан 7 қисмдан иборат бўлиб, унга 17 та протокол ва 33 та декларация илова қилинган.³⁸

Маастрихт шартномаси мазмун нуқтаи назаридан мураккаб ҳужжат. У таъсис шартномалари ва Европа Ягона ҳужжати меъёрларини бекор қилмайди, уларнинг ўрнини ҳам босмайди, балки уларни тўлдириб ва қўшимчалар билан бойитиб, уларга янгича тартиб беради. У бир томондан, интеграциявий жараён учун, иккинчи томондан эса, давлатлараро ҳамкорлик жараёни учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Масалан, терроризм жинояти учун жавобгарлик бўйича Европа конвенцияси ва Дублин битими (1979 йил), шахсларнинг эркин ҳаракатланиши бўйича Шенген битими (1985 йил), фуқаролик ва савдо соҳасида суд ҳукмларини ўзаро тан олиш ва ижро этиш бўйича Брюссель

³⁶Dutheil I. Introduction au droit de l'Union européenne. 9-edition. - Hachette, Paris, 1998. - P. 18.

³⁷Мареско, Марк. Западная Европа на переломе веков: юридико-политические аспекты интеграционных процессов в ЕС. Московский журнал международного права. Moscow journal of international law. Научно-теоретический и информационно-практический журнал. 1993 №4. - С. 3-13.

³⁸Rideau J. Droit institutionnel de l'Union et des communautés européennes. 3-edition. L.G.D.J. Paris, 1999. - P.42.; Dutheil J. Introduction au droit de l'Union européenne. 2-edition. - Hachette, Paris, 1998. - P. 22.

Конвенцияси (1968 йил) аъзо давлатлар орасида амал қилиб келмоқда эди. Мазкур муносабатлар Маастрихт шартномасидан ўрин олиши билан, худди УТХСдаги сингари умумий позиция ва умумий ҳаракатлар Европа Иттифоқи номидан ишлаб чиқиладиган бўлди.

Маастрихт шартномасига илова қилинган протоколлар (жами 17 та) орасида Марказий банклар Европа тизими ва Марказий Европа банки низоми, ижтимоий муҳофаза сиёсати бўйича протоколларни энг муҳим ҳужжатлар сифатида келтириш мумкин.

Европа Иттифоқи фаолиятига миллий парламентлар иштирокини кучайтириш зарурати тўғрисида, Иттифоқ тўғрисидаги маълумотларни кенг оммага етказиб бериш тўғрисидаги декларациялар ҳам иловадан жой олган.

Шундай қилиб, Маастрихт шартномаси Европа иқтисодий интеграциясини сиёсий интеграцияга айлантириш йўлида асосий қадам бўлди.



МАЗМУНИГА КЎРА, ЭНДИЛИКДА, ИТТИФОҚНИНГ З ТА ПОЙДЕВОРИ ВУЖУДГА КЕЛГАН ЭДИ:

- 1) Европа ҳамжамиятлари (ЕХ);
- 2) Умумий ташқи ва хавфсизлик сиёсати (УТХС);
- 3) Адлия ва ички ишлар соҳаларида ҳамкорлик (АИИ).

Бир қарашда, Маастрихт шартномаси манзарасида Иттифоқ ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган Европа конституцияси дунёга келгандек бўлди. Бироқ, ҳамма муаммо шундаки, Иттифоқнинг янги «ўзлаштирмалари» - УТХС ва АИИ соҳаларида кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришнинг мукаммал механизмлари яратилмаган эди. Шу туфайли Маастрихт шартномасининг В ва N моддаларида яқин 5 йил ичидаги шартнома қайта кўриб чиқилишига ишора қилинар эди. 1997 йил 2 октябрда Маастрихт шартномасини ислоҳ қилган шартнома “Амстердам шартномаси” номи билан тарихга кирди.

Маастрихт шартномаси эса ўз аҳамиятига кўра таъсис шартномаларига тенг ҳужжат сифатида эътироф этилди.

Амстердам шартномаси. Маастрихт шартномасини ислоҳ қилишга қаратилган ҳукumatлараро конференциялар 1996 йил 29 марта Турин (Италия)да бошланди ва 1997 йил 16-17 июндаги Амстердам Европа кенгашига қадар давом этди.

Ислоҳ жараёни янгича воқеликлар билан ҳамоҳанг кечди. 1993 йил 7 январдан Европа ҳамжамиятлари ва Эркин айирбошлиш Европа уюшмаси³⁹

³⁹Эслатма: Мазкур ташкилот 1960 йил 4 январда имзоланган Стокгольм конвенцияси томонидан ташкил этилиб, даставвал унинг аъзолари сони еттита эди. 1963 йилдан - Финляндия, 1970 йилдан – Исландия ташкилотга аъзо бўлиб кирди. Европа ҳамжамияти Уюшманинг барча аъзо давлатлари билан алоҳида алоҳида тартибда эркин товар айирбошлиш тўғрисида битимлар имзолаган эди. Ушбу битимлар 1972 йилнинг 22 июлида имзоланиб, 1973 йилнинг 1 январидан кучга кирди. Кейинчалик, мазкур битимлар

орасида имзоланган битмга асосан Европа иқтисодий макони фаолият бошлади. 1995 йилда Иттифоқ аъзолари Австрия, Финляндия, Швеция ҳисобига 15 нафарга етди. Ягона пул бирлигига ўтиш муддати (1999 йил) тобора яқинлашиб келмоқда эди.

Ҳукуматлараро конференциялар Маастрихт шартномасини ислоҳ қилиш баробарида учта саволга жавоб топмоғи лозим эди:

- фуқароларга яқинроқ бўлган Иттифоқ;
- кенгайиб бораётган Иттифоқнинг институционал механизмларини демократик ва самарали асосда янада такомиллаштириш;
- Иттифоқнинг ҳалқаро майдондаги салоҳияти ва нуфузини ошириш.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОНФЕРЕНЦИЯЛАР МААСТРИХТ ШАРТНОМАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БАРОБАРИДА УЧТА САВОЛГА ЖАВОБ ТОПМОҒИ ЛОЗИМ ЭДИ:

1	Фуқароларга яқинроқ бўлган Иттифоқ
2	Кенгайиб бораётган Иттифоқнинг институционал механизмларини демократик ва самарали асосда янада такомиллаштириш
3	Иттифоқнинг ҳалқаро майдондаги салоҳияти ва нуфузини ошириш

Мазкур вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда, Конференция ишига нафақат ҳукумат вакиллари, балки нодавлат ноҳукумат ташкилотлари, фуқаролик институтлари вакиллари, миллий парламент вакиллари ва оддий фуқаролар ҳам иштирок этди.

Нихоят, 1997 йил 2 октябрда Нидерландиянинг Амстердам шаҳрида «Европа Итифоқи тўғрисидаги шартномани ўзгартириш тўғрисида Амстердам шартномаси» имзоланди. Бироқ, аслида, мазкур шартнома Европа Иттифоқи таъсис шартномасидан ташқари Европа ҳамжамиятлари таъсис шартномаларига ҳам бир қадар ўзгаришлар олиб келди ва барча шартномаларни ўзида жамлай олди.

Умумий ҳолатига кўра, шартнома уч қисмдан иборат: ЕИ шартномасини ислоҳ қилиш; шартномаларни соддалаштириш; умумий ва якуний қоидалар. Шартномага битта якуний ҳужжат, 13 та протокол, 58 та декларация илова қилинган.

Амстердам шартномаси Маастрихт шартномасига шаклий ва таркибий тузилиш нуқтаи назаридан янгича қиёфа берди. Шартнома мундарижасида VII қисм остида собиқ VIA қисм «Кучайтирилган

ЕҲШнинг 310-моддаси асосида тузиладиган уюшма битимлари билан алмаштирилди ва натижада Европа иқтисодий макони юзага келди.

ҳамкорлик» бўйича қоидалар (43-45 моддалар) сарлавҳаси билан ўрин олди.

Якуний қоидалар VIII қисмга кўчди. Маастрихт шартномасидаги моддаларни алфавит ҳарфлари билан тартиблаш амалиёти бекор қилинди ва оддий сонлар билан рақамлаш тартиби жорий этилди. Таркибий ва унга мувофиқ *Rationmateriae* нуқтаи назаридан қўйидаги ўзгаришлар содир бўлди:

Нись (Ницца) ва Афина шартномаси. Асосий таъсис шартномаларига ўзгаришишлар олиб келган Нись шартномаси тўлалигича “Европа Иттифоқи шартномаси, Европа ҳамжамиятларини таъсис этувчи шартномалар ва баъзи қўшимча хужжатларни ўзгарирувчи Нись шартномаси” деб аталади. Шартнома 2001 йилнинг 26 февраляда имзоланди ва 2003 йил 1 февралдан кучга кирди. Бироқ, орадан бир яrim ой вақт ўтгач, Аъзолик тўғрисидаги Афина шартномаси билан ислоҳ қилинди. Шунинг учун Нись ва Афина шартномаси деган иборани биргаликда кўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ницца шартномаси. 2000 йилнинг февраляда бошланиб, 11 ойдан сўнг, яъни 2000 йил 7-10 декабрда Нись шахрида нихоясига етган ҳукуматлараро конференция ўз ишини 11 декабря якунлади. Нись кенгаши кун тартиби масалалари Кёльн кенгаши (1999 йил июнь), Хельсинки Европа кенгаши (1999 йил декабрь) ва Феира Европа кенгаши (2000 йил июнь) томонидан белгиланди. Амстердам шартномаси билан тартибга солинмаган институционал муаммолар Иттифоқнинг келгуси кенгайишидан олдин ўз ечимини топиши ва кенгайиш билан боғлик бўлмаган баъзи масалалар ҳам Кенгаш кун тартибидан жой олган эди.

Тузилишига кўра, Нись шартномаси асосан икки қисмдан иборатдир. Биринчи қисмтуб ўзгаришларни ўз ичига олади ва 6 та моддадан ташкил топган.

Афина шартномаси. Шартнома 2003 йил 16 апрелда Афина Европа кенгашида имзоланди. У, мақсад эътиборига кўра, Нись шартномаси кемтикларини тўлдириши, яъни янги аъзо давлатларни қабул қилиш жараёнини расмийлаштириши лозим эди.

Афина шартномаси “Аъзолик тўғрисида шартнома”, “Аъзолик шартлари тўғрисида шартнома” ва унга илова қилинган 10 та протокол, 18 та илова ва 40 дан ортиқ декларациялардан иборат.

Европа Иттифоқи учун ягона конституция лойихаси. (Европа Иттифоқи учун ягона конституция таъсис этувчи шартнома лойихаси) Ницца кенгаши даврида, Нись шартномасига⁴⁰ «Иттифоқнинг истиқболига оид» 23-сонли декларация илова қилинди ва шу асосда 2001 йил 14-15 декабряда Лекен (Бельгия) Европа кенгаши таъсис шартномаларини соддалаштириш ва Иттифоқни янада демократик тизимга айлантириш мақсадида «Европа учун ягона конституция таъсис этувчи шартнома»

⁴⁰Эслатма: Нись шартномаси 2000 йил 11 декабря қабул қилиниб, 2001 йил 26 февралда имзоланган ва 2003 йил 1 февралда кучга кирган.

лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Конвенция⁴¹ ташкил этишга қарор қилди. Айни пайтда, Нисъ декларациясининг янги таҳрири сифатида вужудга келган Лекен декларацияси (Европа Иттифоқининг истиқболи тўғрисида декларация, 2001 йил 15 декабрь) Конвент ишига асос бўлиб хизмат қилди.

Ўз фаолиятини 2002 йил февралда бошлаган Конвенция 2003 йил 13 июнда ўз ишини якунлади. Конституция лойиҳаси 2003 йил 20 июндаги Чессалоник (Греция) Европа кенгашида эълон қилинди⁴².

Конвенция ўз ишини ошкоралик, очик мулокот, тенглик, ҳурфикарлилик каби демократик тамойиллар асосида ташкил этди. Унинг ишида Иттифоқ институтлари, миллий парламентлар ва ҳукуматларнинг расмий вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳалқаро ташкилотлар, ижтимоий гурӯхлар ва миллионлаб фуқаролар фаол иштирок этдилар. Интернет орқали унинг сайтида уюштирилган муҳокамаларга ойига ўртacha 47 минг, 2003 йил июнь ойида эса 100 мингдан ортиқ фуқаро иштирок этди. Ноҳуумат ташкилотлардан 1264 та таклиф тушганлиги қайд этилди.

Назорат саволлари:

1. Интеграциянинг асосий хусусиятлари нималардан иборат ва у ҳалқаро ҳамкорликдан нималар билан фарқ қиласиди?
2. Европа Иттифоқи интеграциясининг асосий босқичларини санаб ўтинг?
3. Европа Иттифоқи интеграциясининг кенгайиши ва чуқурлашуви деганда нима тушунилади?
4. Европа Иттифоқига аъзолик шартлари ёки Копенгаген мезонлари қандай мезонлар?
5. Иттифоққа қабул қилишнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
6. Европа Иттифоқининг конфедерация, федерация ёки ҳалқаро ташкилот эканлигини исботловчи далиллар келтиринг?
7. Европа Иттифоқи Европа ҳамжамиятларидан қандай асосларга кўра фарқланади?
8. Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари ҳуқуқининг миллий ҳуқуққа нисбатан мақомини аниқланг.
9. Costa/ENEL суд ишининг (15 июл 1964 йил, Costa C/ENEL, 6/64, Rec. P. 1141) асосий моҳияти нимадан иборат?

⁴¹XIII асрда лотин тилидан кириб келган “Convention” сўзи «битим, шартнома» маъноларини англатиши билан бирга мухим масалалар учун чакириладиган «мажлис, йигин, курултой» маъноларини ҳам билдиради. Қаранг: Le Robert quotidien, Dictionnaire pratique, Paris, 1996. - Р. 411.

⁴² Конституция шартномаси лойиҳаси 2003 йил 18 июнда ЕИ Расмий журналида эълон қилинди: Projet de traite établissant une constitution pour l’Europe. Journal Officiel C 169 du 18 juillet 2003. Мазкур лойиҳа 2006 йилнинг май ойига қадар ЕИнинг 15 та аъзо давлати томонидан ратификация қилинди ва ҳозирда бу жараён давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bermann G. European Community: Casebook Supplement, West Group, 2004.
2. Brian White. Understanding European Foreign Policy. Palgrave edition, New York, 2001. -178 pp.
3. The European Union in the world system perspective, Collection by R.Stemplowski. - Warsaw, 2009. – P. 42-196.
4. Weatherill Stephen. Cases and materials on EU Law. 10th edition. Oxford University Press, 2012.

6-мавзу: Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ.

Режа:

6.1. Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ назарияси ҳамда унинг Ҳалқаро оммавий ҳуқуқ тармоғи сифатидаги ўрни.

6.2. Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ манбалари ва принциплари.

6.3 Ҳалқаро иқтисодий низоларни ҳал қилиш.

Таянч сўзлар: *juscommercі*, очиқ эшиклар, орттирилган ҳуқуқ, мумкин қадар қулайлик, миллий режим, камситмаслик, Тарифлар ва Савдо Тўғрисидаги Бош Битим, квота, тариф, демпинг, субсидия, преференция

6.1. Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ назарияси ҳамда унинг ҳалқаро оммавий ҳуқуқ тармоғи сифатидаги ўрни.

Давлатлар ўртасидаги иқтисодий, энг аввало савдо муносабатларининг ҳалқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Савдо муносабатлари қадим даврдан бошлаб ҳалқаро шартномаларда асосий ўринни эгаллаб келган. Бунда савдо муносабатларининг эркинлиги ахлоқий ва ҳуқуқий принциплардан бири деб тан олинган. Милодий II асрда қадимги Рим тарихчиси Флор шундай ёзади: «Агар савдо муносабатлари бузилса, инсоният ўртасидаги иттифоқ ҳам бузилади». Хюго Гроций (XVII аср), «Ҳар қандай ҳалқ бошқа бир ҳалқ билан ўзаро савдо муносабатларига тўқсینлик қилишга ҳаққи йўқ», деб кўрсатиб ўтади. Айнан шу принцип **«Juscommercі»** – савдо эркинлиги ҳуқуқи (savdo кенг маънода тушунилади) – ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ учун асосий принцип бўлиб қолади.⁴³

XVII асрда биринчи марта маҳсус ҳалқаро савдо шартномалари вужудга келди.

XX асрга келиб давлатларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини тартибга солишга бағишлиланган бир қанча ҳалқаро-ҳуқуқий доктриналар, институтлар ва маҳсус принциплар таркиб топди: «тенг имкониятлар», «капитуляция», «очиқ эшиклар», «консул юрисдикцияси», «орттирилган ҳуқуқ», «мумкин қадар қулайлик», «миллий тартиб», «камситмаслик» ва бошқалар.

Буларда савдо эркинлиги манфаатлари билан ташқи савдони монополизация қилишга интилевчилар ёки ўз бозорларини чеклашга интилевчилар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ўз аксини топди. XIX-XX асрларда ҳалқаро иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорликнинг янги шакллари вужудга келиши шартномаларнинг янги шакллари ҳаётга татбиқ қилинишига олиб келди (маҳсулот айланиши ва тўловлар тўғрисидаги

⁴³ M. Wolf, ‘What the World Needs from the Multilateral Trading System’, in G. Sampson (ed.), ‘The Role of the World Trade Organization in Global Governance’ (United Nations University Press, 2001), 182.

келишувлар, клиринг, транспорт масаласи, алоқа, саноат мулки ва бошқалар түғрисидаги битимлар), шунингдек кўпдан-кўп ҳалқаро иқтисодий ва илмий-техник ташкилотларнинг тузилишига сабаб бўлди. Бундай жараён Иккинчи жаҳон урушидан кейин янада жадал ривожланди. БМТ Уставида ҳам ҳалқаро ҳамкорликни амалга оширишдан мақсад иқтисодий характерга эга ҳалқаро муаммоларни ҳал этиш деб кўрсатиб ўтилган.

XX асрнинг иккинчи ярмида Европада иқтисодий интеграцион ҳалқаро ташкилотлар – Европа Иттифоқи ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгashi ташкил топди.

1947 йили тарихда биринчи марта кўп томонлама савдо шартномаси – Тарифлар ва Савдо Тўғрисидаги Бош Битим (ТСББ-ГАТТ) имзоланди, шу асосда юздан ортиқ давлатларни бирлаштирган ўзига хос ҳалқаро шартнома юзага келди.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ ҳалқаро оммавий ҳуқуқнинг тармоғи бўлиб, давлатлар ва ҳалқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи норма ва принциплар йиғиндисидан иборат.

Давлатлар ва ҳалқаро оммавий ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги икки ва кўп томонлама ҳалқаро иқтисодий муносабатлар ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий муносабатларга савдо, тижорат муносабатлари, шунингдек ишлаб чиқариш, илмий-техник, валюта-молиявий, транспорт, алоқа, энергетика, интеллектуал мулк, туризм ва шу каби соҳаларга доир муносабатлар киради.

Ғарб мамлакатларининг ҳозирги замон ҳуқуқий адабиётларида ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқнинг иккита асосий концепцияси мавжуд.

Биринчи концепцияга мувофиқ ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ ҳалқаро оммавий ҳуқуқнинг тармоғи ҳисобланиб, ҳалқаро ҳуқуқ субъектларининг иқтисодий муносабатлари унинг предметидир (Г.Шварценбергер, Я.Бродили – Буюк Британия; П.Верлоренван Темаат – Нидерландия; В.Леви – АҚШ; П.Вейль – Франция; П.Пиноне – Италия ва бошқ.). Ҳозирги пайтда Ғарб адабиётларида ҳукмрон концепция ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ нормаларининг манбаи ҳалқаро ҳуқуқ ва давлатларнинг ички ҳуқуқлари деб ҳисблайди, ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ ўз таъсирини давлат ҳудудидан ташқарида бўладиган тижорат муносабатларида иштирок этувчи барча ҳуқуқ субъектларига ўтказади (А.Левенфельд – АҚШ; П.Фингер, Г.Эрлер, В.Фикинтжер – ФРГ; В.Фридики, Е.Питерман – Буюк Британия; П.Рейтер – Франция ва бошқ.). Бу иккинчи концепция Ғарбда илгари сурилган транснационал ҳуқуқ назарияси билан туташиб кетади, чунки бу назария ҳалқаро ҳуқуқ субъектлари қаторига давлат билан биргаликда транснационал корпорацияларни ҳам киритади (В.Фридик ва бошқ.).

Ривожланаётган мамлакатларнинг ҳуқуқий адабиётларида «Ҳалқаро ҳуқуқ ривожи» концепцияси кенг тарқалган бўлиб, бу концепция энг начор давлатларнинг ривожланишининг ўзига хос ҳуқуқига эътиборни қаратади.

Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқни ҳалқаро оммавий ҳуқуқ тармоғи сифатида тушунганимиз учун, мантиқан ҳалқаро ҳуқуқ субъектларини ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ субъектлари ҳисобланади деймиз. Давлатлар фуқаровий-ҳуқуқий, тижорат фаолиятларида, ташки иқтисодий алоқаларда тўғридан-тўғри қатнашадилар.

«Савдо қилаётган давлатлар ҳалқаро ҳуқуқ субъектлари бўла туриб, бошқа бир давлат миллий ҳуқуқининг субъекти бўлиб ҳам ҳисобланади. Масалан, улар чет эл контрагентлари билан битим тузиб, чет эл юрисдикциясига ҳам бўйсунадилар. Аммо бу давлатларнинг иммунитетига дахлдор бўлмайди. Давлатларнинг ўз иммунитетларини рад этиши учун (жумладан, суд юрисдикцияси, даъвони дастлабки таъминлашдан юрисдикция ва суднинг мажбурий қарорларини ижро этишдан юрисдикция) давлатларнинг ўз истак-хоҳишлари бўлиши талаб этилади.

6.2. Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ манбалари ва принциплари

Ҳалқаро оммавий ҳуқуқнинг манбалари ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ манбалари бўлиб ҳисобланади. Эндигина ривожланиб келаётган ҳалқаро ҳуқуқ тармоқларининг бири бўлган ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ учун манба бўлиб, ҳалқаро ташкилот ва конференцияларнинг қарорлари, яъни уларнинг мажбурий характердаги нормалари ҳисобланади.⁴⁴ Бу нормаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар императив нормалардир. Бу нормалар нафақат «тавсия этади», балки тавсия этувчи нормалар бўлмаганда ҳуқуққа зид деб ҳисобланган ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ҳуқуқий эканлигини билдиради. Масалан, 1964 йили БМТнинг савдо ва ривожланиш Конференцияси бизга маълум бўлган Женева принципларини қабул қилди ва бу принципларда ривожланаётган мамлакатлар учун қулай бўлган божхона имтиёzlари ҳақида тавсиялар мавжудлигини кўрсатди (божхона тарифидан чегирма). Агар бу тавсия этувчи нормалар бўлмаганида, бундай имтиёzlар ҳуқуққа зид деб ҳисобланар эди.

Қўйидагилар ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқнинг манбалари сифатида тан олинади:

Ҳалқаро шартномалар. Ҳозирги дунёда кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан кўп томонлама шартномаларни имзолаш ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Айнан кўп томонлама шартномалар ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосини ташкил

⁴⁴ Батафсил танишиш учун: Правила и политика Всемирной Торговой Организации. Текст, кейсы и материалы. Второе издание. Питер Ван ден Боше. 2011.

этади. Универсал ҳалқаро иқтисодий шартномаларга мисол қилиб 1947 йилги савдо ва тарифлар бўйича бош Битимни, шунингдек кенг тарқалган хом ашё маҳсулотлари бўйича кўп томонлама Битимни олишимиз мумкин.

Аммо, кўп томонлама алоқаларнинг аҳамиятига қарамай, иқтисодий соҳадаги асосий ҳамкорлик икки томонлама шартномалар асосида амалга оширилмоқда. Икки томонлама иқтисодий муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳалқаро шартномалар орасида умумий шартномаларни, сиёсий характерга эга шартномаларни, жумладан, дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномаларни ажратиб кўрсатишимиш мумкин. Бу шартномаларда томонларнинг сиёсий мажбуриятлари билан бирга, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, тижорат битимларини тузиш мажбуриятлари ҳам мустаҳкамланади.

Энг аҳамиятли ҳалқаро иқтисодий хуқуқ нормаларини шакллантиришда бир қанча маҳсус ҳалқаро нормалар муҳим роль ўйнайди. Уларга савдо шартномалари киради. Улар савдо, денгизда сузиш ва шу кабилар тўғрисидаги шартномалар деб номланиши мумкин. Уларда, давлатлар ва уларнинг юридик шахслари учун ўзаро муносабатларда муҳим ҳисобланган савдо-иқтисодий режимиининг маълум турлари мустаҳкамланган-дир. Булар: ўзаро қулайлик режими, миллий режим, преференциал режим, камситмаслик ва ўзаро фойдали режимлардир.

Иқтисодий ҳамкорликнинг савдо ва бошқа турлари ҳалқаро валюта ҳисоби ва кредитлар тўғрисидаги битимлар асосида молиявий таъминлаш ва валюта тўловлари билан чамбарчас боғлиқдир. Товар айрибошлиш ва тўловлар тўғрисида деб номланадиган савдо ва валюта-молиявий келишувлари ягона шартнома асосида бирлаштирилиши одат тусига кириб қолди. Аммо, маълум ҳолларда миллий эркин конвертацияда бўлган, чекланмаган конвертацияда бўлган ёки чекланган конвертацияда бўлган ёхуд конвертацияга эга бўлмаган валюталарда ҳисоб-китоб қилиш шарт қилиб қўйиладиган маҳсус тўлов битимлари ҳам тузилиши мумкин. Клиринг битимлари иқтисодий, савдо операцияларидағи кирим ва чиқимларни ўзаро ҳисоб-китоб қилишни назарда тутади. Клиринг битимларидан конвертацияга эга бўлмаган валюталари бор давлатлар фойдаланадилар. Кредит битимлари тоза кўринишда мавжуд бўлиши, яъни бир давлатни иккинчи бир давлатга қарзни пул, товар ёки аралаш шаклда кейин қайтариш шарти билан тақдим этишни назарда тутади. Бирор-бир давлатда экспорт ва импорт операцияларини сон жиҳатидан чеклаш зарурати туғилганда товар айрибошлиш деб номланадиган битимлардан фойдаланилади. Бундай битимларда томонлар маълум контингентдаги (квотадаги) экспорт ва импорт товарларини жисмоний ёки нарх кўрсаткичларида етказиб беришга келишиб оладилар.

Ҳалқаро одат.



Тарихан одат – ҳалқаро хуқуқнинг асосий манбаи сифатида ҳам, ҳалқаро иқтисодий хуқуқнинг манбаи сифатида ҳам муҳим роль ўйнайди.

Иккинчи томондан, ҳалқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солища одатнинг ролини чеклаш фикрига қўшилиш ҳам мумкин, чунки давлатлар ўзаро муносабатларда қўллаётган стандартларга одат хуқуқи орқали ёндашиш билан муаммоларнинг барчасини ҳал қилиб бўлмайди. Чунки ҳозирда ҳалқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари сифатида чуқур илдиз отган давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилиш, давлатларнинг тенглиги, ҳалқаро шартномаларга риоя этиш каби принциплар қадим замонлардан мавжуд бўлсада, давлатлар ҳозиргача бу принципларни ўзларининг икки ва кўп томонлама шартома, битим ва конвенцияларида мустаҳкамлашга интилмоқдалар.

Ҳалқаро ташкилотларнинг қарорлари (тавсиялари, мажбурий характердаги қарорлари). Иқтисодий ҳамкорлик масалалари га бағишлиланган кўп сонли тавсиялар БМТ бош органлари, шунингдек БМТ тизимиға кирувчи ёрдамчи ташкилотлар (ЮНКТАД, ЮНИДО ва бошк.) томонидан қабул қилинади. Бу орган ва ташкилотларнинг қарорлари юридик мажбурий характерга эга бўлмай, тавсия этувчи кучга эгадир. БМТ Бош Ассамблеяси давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлари Хартияси, янги ҳалқаро иқтисодий тартиб тўғрисидаги Декларация ва янги ҳалқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш бўйича ҳаракат Дастури (1974 йил) каби асосий актларни қабул қилди.

Бу хужжатларда бир-бирини камситишга йўл қўйилмайдиган ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик асослари эълон қилинди. БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган муҳим хужжатлар қаторига «Ҳалқаро иқтисодий муносабатларда ишончни мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида» ги (1984 йил) ва «Ҳалқаро иқтисодий хавфсизлик тўғрисида» ги (1985 йил) Резолюцияларни кириш мумкин.

Бир қатор минтақавий иқтисодий ташкилотлар,⁴⁵ энг аввало Европа Иттифоқи иқтисодий қарорлари нафақат тавсия этувчи, балки мажбурий юридик кучга ҳам эгадир. Давлатлараро иқтисодий конференцияларнинг қарорлари. Бу қарорлар, айниқса, конференцияларнинг якунловчи Актларига кўп томонлама шартномаларнинг муҳим турлари деб қаралади ва шунга асосан улар нафақат тавсия этувчи, балки мажбурий юридик кучга эга бўлиши мумкин. Ҳалқаро конференцияларнинг хужжатлари ичida ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ-нинг шаклланиши учун муҳим аҳамиятга эга хужжатлар сифатида, БМТнинг 1964 йилги савдо ва ривожланиш бўйича Женева конференциясининг якунловчи Актидаги ҳалқаро савдо муносабатлари ва савдо сиёсатини белгилаб берувчи принциплари, 1975 йилги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши Яқунловчи актининг «Атроф муҳитни ҳимоя қилиш, фан-техника ва иқтисод соҳасидаги ҳамкорлик» бўлими, шунингдек 1990 йилги ЕХХҚ доирасидаги олий даражадаги учрашувда қабул қилинган янги Европа учун Париж Хартиясининг «Иқтисодий ҳамкорлик» бўлимлари ҳисобланади.

⁴⁵ Peter Van Den Bossche. The Law and Policy of the World Trade Organization Text, Cases and Materials. Second edition. Cambridge university press. 2015. P.684.

Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ принциплари. Ҳалқаро иқтисодий муносабатларда ҳалқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган принциплари асос сифатида хизмат қилади. Ҳалқаро оммавий ҳуқуқнинг асосий принциплари билан биргаликда, ҳалқаро иқтисодий муносабатларда маълум бир савдо-сиёсий муносабатларни тартибга солиш учун маҳсус принциплардан фойдаланилади. Бунда шуни қайд қилиш керакки, ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқнинг маҳсус принциплари конвенцион характерга эга, яъни ҳар бир ҳолатда бу принципларни ҳалқаро шартномаларга киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий принциплари сифатида қўйидагиларни санаб ўтиш мумкин: **Камситмаслик принципи.** Бу принципнинг ҳуқуқий маъноси шундаки, бир давлат иккинчи бир давлатга бир қатор ҳуқуқлар беришда (жумладан, уларнинг фуқаролари га ва ўз миллий ҳуқуқининг бошқа субъектларига), шу давлатга берилаётган ҳуқуқлар бошқа ҳар қандай учинчи давлатга берилган ҳуқуқлардан кам бўлмаслиги лозим. Бундай ҳуқуқ бериш қулай шароитлар яратиш, яъни имтиёзлар беришни назарда тутмайди. Бошқача айтганда, камситмаслик режими бошқа бир давлат учун, барча давлатлар учун умумий бўлган шарт-шароитдан кам бўлмаган шарт-шароит яратиш мажбуриятини билдиради.

Мумкин қадар қулайлик яратиш принципи (мумкин қадар қулайлик). Мумкин қадар қулайлик яратиш принципи (режими) бир давлат ўзининг ҳамкор давлати учун, учинчи бир давлат учун амалда бўлган ёки амалда бўлиши мумкин бўлган имтиёзли (мумкин қадар қулай) шароитларни шу давлатга ҳам яратиб бериш юридик мажбуриятини билдиради. Мумкин қадар қулай-лик режими нинг қўлланиш соҳаси у ёки бу ҳалқаро шартномада мумкин қадар қулайлик тўғрисидаги банд билан белгиланади. Бу банд умумий шаклда савдо ёки денгиз йўлининг бутун бир соҳасига ёки муносабатларнинг алоҳида бир турига: божхона тўловлари (уларнинг имтиёзли тарифи) га нисбатан; транзитга сон жиҳатидан чеклаш ёки тақиқлашга; транспорт режимига; солиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг юридик ҳуқуқларига ва бошқа шу каби соҳаларга тааллуқли бўлиши мумкин.

Миллий тартиб (режим). Миллий тартиб бир қатор савдо битимларида назарда тутилиб, чет давлатларнинг жисмоний ва юридик шахсларини ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини миллий давлатнинг жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига tengлаштириб қўйишидир. Одатда бу режим чет эллик шахсларнинг суд иши юритишида, фуқаролик ҳуқуқий лаёкатга эга бўлишда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида чет эллкиларга нисбатан миллий режим тадбиў этилган.

Ўзаро фойда принципи. Ўзаро фойда принципи давлатлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро фойдали бўлмаса, мажбуровни ишга солиш, бундай муносабатлар адолатли равишда тенг тақсимланиши назарда тутилади. Мураккаб давлатлараро муносабатларда, жумладан, иқтисодий муносабатларда, ўзаро муносабатларда фойда ва

мажбуриятларнинг адолатли тақсимланиши ҳар бир аниқ битим учун намуна бўлиб хизмат қила олмайди, аммо бу принцип умумий ҳалқаро-хуқуқий муносабатларни мувозанатга солиб туради.

Преференциал тартиб (режим). Преференциал режим – у ёки бу давлатлар ўртасида ёки бир гуруҳ давлатлар ўртасида амалда бўлган, энг аввало божхона тўловларига тегишли бўлган савдо имтиёзларидир. Мисол қилиб БМТнинг савдо ва ривожланиш Конференциясининг тавсиясига кўра ривожланаётган давлатларга нисбатан, шунингдек ривожланаётган давлатлар ўртасида қўлланилаётган преференциал тизимни келтиришимиз мумкин. Тақдим этилган преференцияларга, мумкин қадар қулайлик яратиш принципини бузиш деб қаралмайди.⁴⁶

Илгари ривожланган давлатлар томонидан, мустақил ва яриммустақил мамлакатларга нисбатан шартномалар тажрибасида қуидаги хуқуқий режимлар – «тенг имкониятлар», «очик эшиклар» ва шу кабилардан фойдаланиш кенг тарқалган эди. Бундай шартномада назарда тутилган шартлар ҳозирги даврда ҳалқаро хуқуқнинг умум эътироф этилган принципларига зид бўлиб, хуқуқий деб қаралиши мумкин эмас.

Албатта, бир мавзу доирасида ҳалқаро хуқуқ билан тартибга солинадиган иқтисодий ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраб олиш осон эмас. Чунки ҳалқаро иқтисодий хуқуқнинг субъектлари, манбалари ва принциплари тўғрисидаги умумий тушунчалардан ташқари, ҳалқаро иқтисодий ҳамкорликнинг алоҳида соҳаларини ҳалқаро-хуқуқий тартибга солиб турувчи жуда кўп сонли ҳалқаро норматив ҳужжатлари мавжуддир. Ҳалқаро иқтисодий хуқуқнинг алоҳида соҳаларини кўриб чиқиша, валюта-молия соҳасида давлатлараро ҳамкорликнинг ривожланишини ва шу соҳадаги умумбашарий масалаларни ҳал этишда Ҳалқаро валюта Фонди (ХВФ) ва Ҳалқаро Тикланиш ва тараққиёт Банки (ХТТБ)нинг роли тўғрисида жуда кўп сонли мисоллар келтиришимиз мумкин. Юқорида келтирилган сўзлар БМТ доирасида минтақавий даражада, авваламбор Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан тузилган иқтисодий комиссиялар доирасида транспорт ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги давлатлараро ҳам тегишлидир.

Ҳалқаро хуқуқ тармоғи бўлган ҳалқаро иқтисодий хуқуқни кўриб чиқар эканмиз, биз шу нарсага амин бўлдикки, бу хуқуқ тармоғи бутун бир ҳалқаро хуқуқнинг яхлит тизимида алоҳида бир тизимча бўлиб, ҳозирги даврда ҳалқаро хуқуқнинг энг гуркираб ривожланаётган тармоғи ҳисобланади.

⁴⁶ Peter Van Den Bossche. The Law and Policy of the World Trade Organization Text, Cases and Materials. Second edition. Cambridge university press. 2015. P.37.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ – халқаро ҳуқуқнинг юқори даражада ривожланган ва мураккаб соҳаси бўлиб, халқаро ҳамжамияти аъзоларининг хўжалик соҳасида турли хил фаолияти билан боғлиқ бўлган, улар билан юзага келадиган кўп томонлама муносабатларни тартибга солишга қаратилган маҳсус ҳуқуқий принцип ва нормалар кенг тизимини ўзида мужассам этада

Манбалари:

Савдо, транспорт, божхона, молия, концессия, инвестиция, техник ёрдам кўрсатиш ва бошқа соҳалалардаги кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар; тегишли давлатлараро ва айрим ноҳукуматлараро ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари: БМТ, ЮНИДО, ФАО, ВОИС, ХРТБ, ХВФ, ХМК, ХРА, ЮНКТАД, БСТ, ЮНСИТРАЛ, МЦУИС, ОПЕК, МАГИ, УНИДРУА, МТП ва бошқаларнинг; халқаро одатлар ва кўнимкалар (*lex mercatoria*); иқтисодий муносабатларни тартибга солиш бўйича унификациялашган қоидалар

Субъектлар:

- Давлатлар
- Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар
- Юридик шахслар – миллий ва халқаро (трансмиллий)
- Жисмоний шахслар

Маҳсус ҳуқуқий принциплар:

- Ўз миллий ресурсларига нисбатан давлатларнинг мутлоқ суверенитети
- Ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш шаклларини танлаш эркинлиги;
- Иқтисодий камситмаслик
- Миллатга нисбатан энг кўп қулайлик бериш
- Миллий режим
- Преференциялар бериш режими
- Ўзаролик

6.3. Халқаро иқтисодий низоларни ҳал қилиш

Бутунжакон савдо ташкилоти доирасида Низоларни ҳал қилиш механизми ҳалқаро ҳуқуқ тизимида бир неч муносабатларни тартибга солища янгилик саналади⁴⁷. Лекин бу механизм ГАТТ 1947нинг

⁴⁷ See generally, S Lester, B Mercurio, A Davies and K Leitner, *World Trade Law: Text, Materials and Commentary*, pt III, *Dispute Settlement in the WTO* (Oxford, Hart Publishing, 2008); K Bagwell, PC Mavroidis,

низоларни ҳал этиш механизмдан анча такомиллашган ҳисобланади, шу билан бирга ушбу механизм ўзининг характеристи ва тузулиши билан бошқа давлатлараро ҳалқаро низоларни ҳал этувчи механизмлардан катта фарқ қиласди. Бошқа механизмлардан фарқли ўлароқ бу механизмнинг аппеляция органларига тегишли қоида ва жараёнлари бу фуқоролик ҳуқуқлари принципларига эмас умумий ҳуқуқ принципларига юзланади. Бу механизм дипломатия, музокара, воситачилик, арбитраж ва суд каби процедуралар аралашмасини ўз ичига олади. У ўз хусусиятига кўра тўлиқ судявий механизмни ўз ичига олади. Вахоланки, механизмни бутунлай квазисудявий деб характеристлаш ҳам мумкин эди, лекин бу термин ҳам механизмнинг тўлиқ номланишига асос бўла олмайди.

Бунинг сабаби шундаки, биринчи суд муҳокамаси панел босқичига қадар бўлган даврда бўлиши туфайли уни асосий арбитраж модели сифатида квазисудявий деб баҳолаш мумкин эди, низонинг иккинчи босқичида эса, яъни аппеляция органи фаолияти, баъзи бир истисноларни инобатга олмагандан оддий суд тизимиға жуда ўхшаш ҳисобланади.

Масалан: оддий судлардан фарқли ўлароқ аппеляция органининг муҳокамаси сир (конфеденциал) сақланади.

БСТнинг аппеляция органи қарори суд қарорига тенглаштирилмайди; қарорнинг кўриниши БСТнинг аъзолари ва қизиқиш билдирган аъзоларидан ташкил топган Низоларни ҳал қилиш механизмининг тавсиявий характеристга эга бўлган хисоботлар кўринишида бўлиши мумкин. Шу туфайли бу механизм, бир қанча муносабатларни тартибга солишда етарли даражада мураккаб бўлиб, ўз таркибида қарорлар устидан шикоят бериш имкониятини вужудга келтирган.

Шу билан бирга, бу исталга йўл билан низоларни идеал ҳал этиш механизми хисобланмайди. У баъзи чекловлар, камчиликлар ва нуқсонлардан холи эмас. Танқидчиларнинг фикрича, Низоларни ҳал қилиш механизми аслида олиб қараганда ва юзаки жихатдан унчалик ҳам самарадор эмас, айниқса гап йирик ривожланган давлатларнинг Низоларни ҳал қилиш механизми қарорларини бажаришига доир масалада кетганда бу нарса кўринади. Шу билан бирга танқидчиларнинг фикрича, Низоларни ҳал қилиш механизми нодавлат субъектларнинг ҳалқаро савдо муносабатларида бузилган ҳуқуқларини етарли даражада таъминлаб бера олмаслиги ҳам бунга яна бир асос бўла олади. Умуман олганда БСТнинг

and RW Staiger, ‘The case for tradable remedies in WTO dispute settlement’ in SJ Evenett and BM Hoekman (eds), *Economic Development and Multilateral Trade Cooperation* (Washington DC, World Bank, 2006) 395–413; WJ Davey, ‘The WTO Looking Forwards’ (2006) *Journal of International Economic Law* 9–23; E Petersmann ‘Strategic Use of WTO Dispute Settle Proceeding for Advancing WTO Negotiations on Agriculture’ in *Reforming the World Trading System: Legitimacy, Efficiency, and Democratic Governance* (Oxford, Oxford University Press, 2005) 127–44; WJ Davey ‘Dispute Settlement in the WTO and Regional Trade Agreements: A comment’ in Lorand, Bartels and Federico (eds), *Regional Trade Agreements and the WTO Legal System* (Oxford, Oxford University Press, 2006); AF Lowenfeld, *International Economic Law Part III, Dispute Solution*, 2nd edn (Oxford, Oxford University Press, 2008) 143–211.

Низоларни ҳал қилиш механизмини баҳолаш учун 15 йиллик даврни ўтиши етарли даражадаги муддат деб хисоблаш қийин, чунки бу механизм 1995 йилда низоларни ҳал этиш учун яратилган ягона ҳамда янги механизм саналмаган, бу механизм бундан олдинги ГАТТ механизмининг шакллантирилган ва қайта ишланган кўринишидир. Бошқача сўз билан айтганда, янги механизм унинг эски кўриниши асосида 1995 йилда ҳозирги кўринишида гавдалантирилган ҳамда унда Низоларни ҳал қилиш механизмининг амал қилиш дроираси, унинг алоҳида жихатларига эътибор бераб ва маҳсус ҳал этиладиган низоларга умумий баҳо берилиши билан янгилантирилган.

БУТУНЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ



Мақсади – аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва товарлар ҳамда ҳизматлар айрибошлиш, атроф муҳитни узок муддатли ривожлантиришни таъминлаш, ҳимоя қилиш ва сақлаб қолиш мақсадида ҳом ашёлар манбаларидан самарали фойдаланиш



Функцияси – кўптомонлама келишувларни сўzsиз бажариш мақсадида маъмурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, савдо музокараларини олиб бориш, савдо соҳасида низоларни ҳал қилиш, савдо соҳасидаги миллий сиёsatни назорат қилиш, бошқа иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.



Вазирлар конференцияси, Бош кенгаш, Низоларни ҳал қилиш бўйича Кўмита, Савдо сиёsatини кўриб чиқиш бўйича Кўмита, Ҳизматлар бўйича кенгаш, Товарлар бўйича кенгаш, Савдо ва ривожланиш бўйича Кўмита, Бюджет масалалари бўйича Кўмита

Низоларни ҳал қилиш механизми тузилиш ва мақсадлари. БСТ низоларни бартараф этиш механизмининг асосий мақсадларидан бири бу низоларга ижобий ечим топиш⁴⁸. Шу механизм туфайли БСТ бутун ер

⁴⁸ See generally on the WTO law and policy, B Hoekman and M Kostecki, The Political Economy of the World Trading System: From GATT to WTO (Oxford, Oxford University Press, 1995); MJ Trebilock and R Howse, The Regulation of International Trade, 2nd edn (London, Routledge, 1999); JH Jackson et al, Legal Problems of International Economic Relations: Cases, Material and Text (Minnesota, West Publishing, 2002); A Lowenfeld, International Economic Law (Oxford, Oxford University Press, 2002); DLM Kennedy and JD Southwick (eds),

сайёраси бўйлаб, барча ишлаб чиқарувчилар ва бутун дунё экспортерларига қонуний аниқликни таъминлашга харакат қиласади. Бундай ишончли харакатлар хар томонлама тенг ҳукуқли ва самарали

Низоларни ҳал қилиш механизми ташкил этилиши туфайли амалга оширилган. Шубҳасиз, Низоларни ҳал қилиш механизми учун савдо сотик низоларини бартараф этиш механизми қоидаларга риоя қилишни тамиллаш ва шу билан бирга савдо сотик йўллари равон бўлишини тамиллаш жуда муҳим ўрин тутади.⁴⁹

Низоларни ҳал қилиш органи ваколати ва функциялари. Низоларни бартараф этувчи орган БСТ аъзолари ўртасидаги низоларга ечим топиш учун ташкил этилган ва улар БСТнинг бир неча битмларидан келиб чиқсан ва Низоларни ҳал қилиш механизми⁵⁰ аризасида кўрсатилган, улар: Марокашдаги БСТнинг ташкил этиш битими, товарларнинг савдоси хақидаги кўптомонлама тузилган битим, хизматлар савдоси хақидаги Бош битим, интелектуал мулкнинг савдо жихатлари битими ва плюролатериал савдо-сотик битими шулар жумласига киради.⁵¹

Низоларни ҳал қилиш механизми ташкил этилиши ва унинг ваколати ва функциялари Низоларни ҳал қилиш механизми қоидаларининг 2 моддасида кўрсатилган бўлиб улар қуийдаги шароитлардан иборат: Хақиқий низоларни бартараф этувчи орган тартиб ва қоидаларини мамурийлаштириш учун муассасалаштирилган бўлиб у қамраб олинган битим, кансультация ва қамраб олинган битимлар низоларини бартараф этиш шароитлари яратиш хисобланади. Шунлардан келиб чиқсан холда Низоларни ҳал қилиш механизми панеллар ўрнатиш, панелларни ва Апеляция органларидан хисботларни қабул қилиш, ечим ва мулохазаларни кузатиш, хамда имтиёзларни тўхтатиб қўйиш ва бошқа масулиятларни зиммасига олади⁵².

Низоларни ҳал қилиш органи ва БСТ аъзолари мажбуриятининг табиатининг шу мавзуга ахамияти Низоларни ҳал қилиш механизми қоидаларининг 3 моддасида берилган бўлиб: низоларни ҳал этиш системаси БСТда хавсизликни ва кўптомонлама савдо системасининг олдиндан тахминланишини таъминловчи энг асосий элемент саналади. Азолар тан олишича у аъзоларнинг қамраб олинган битимлари асосида

The Political Economy of International Trade Law: Essays in Honour of Robert E Hudec (Cambridge, Cambridge University Press, 2002).

⁴⁹ International Law and Dispute Settlement New Problems and Techniques Edited by Duncan French Matthew Saul and Nigel D White. The WTO Dispute Settlement Mechanism as a New Technique OXFORD AND PORTLAND, OREGON 2010, 175.

⁵⁰ The Plurilateral Agreements are the Agreement on Trade in Civil Aircraft, Agreement on Government Procurement, International Dairy Agreement and the International Bovine Meat Agreement. The applicability of the DSU to the Plurilateral Trade Agreements would be subject to the adoption of a decision by the parties to each agreement setting out the terms for the application of the DSU to the individual agreement.

⁵¹ International Law and Dispute Settlement New Problems and Techniques Edited by Duncan French Matthew Saul and Nigel D White. The WTO Dispute Settlement Mechanism as a New Technique OXFORD AND PORTLAND, OREGON 2010, 176.

⁵² GATT Secretariat (it now would be WTO), The Results of the Uruguay Round of Multilateral Trade Negotiations (Geneva, 1994), 405.

хуқуқ ва мажбуриятларни сақлаб қолувчи, шу билан бирга оддий хукуқларга суюнган холда битимлардаги мавжуд холатларга ойдинлик киритиш учун хизмат қилади.

Низоларни ҳал қилиш органи тавсиялари ва қарорлари хуқуқ ва мажбуриятларни күпайишига ёки камайишига йўл қўймайди. Низоларни ҳал қилиш механизми оқидаларининг З моддасида берилган низоларни ҳал этиш механизми мақсадлари ва соҳалари қуйидаги сўзларда ифодаланган: БСТ низоларни ҳал этиш механизмининг низоларни ижобий ҳал этиши унинг мақсади саналади. Тарафлар ўртасида келишилган ва қулай деб топилган қарор алоҳида ахамият ўрин тутади. Тарафларнинг ўзаро келишуви бўлмаган тақдирда, низоларни ҳал қилиш механизмининг биринчи мақсади, низони тартибга солиш, қоида тариқасида зарур чорараларни қўллаш хисобланади, агарда келишув барчага маълум тартибларга мос бўлмаса⁵³.

Зарарни қоплаш йўли фақатгина зарур чора тадбирларни амалга ошириш имкони бўлмаганда ва вақтинчалик белигланган чора сифатида аввал тайинланган оммавий келишувга мос келмайдиган чора бекор қилингунча тайинланади.

Қарорларни ижро қилиниши. БСТ низоларни бартараф этувчи механизмининг характеристи жавобгарликка тортиш эмас балки ишонтирувчи характеристерга эга. Низода ютқизган иштирокчи давлат ўз сиесати, савдо ўлчовлари, хуқуқий шароити ёки мамурий ечимларини БСТ қоидаларига асоссанланган холда уларга тақдим этиши керак. Ютқизган иштирокчи давлат комиссия тавсияларига ёки аппеляция кўрсатмаларига риоя қилиши шарт. У ўзининг кейинги хатти харакатлари ҳақида Низоларни ҳал қилиш органи томонидан унинг хабарномаси қабул қилингандан сўнг 30 кун ичида ташкил этилувчи Низоларни ҳал қилиш органи йиғинида хабар қилиши шарт.



Агарда берилган тавсияларни амалда ечиш имкони бўлмаса, ютқизган томонга “оқилона вақт даври” берилади.

Бу оқилона вақт даврининг узунлиги ичида ё икки томон келишувга эришиши ва хабарномани қабул қилинган кундан 45 кун ичида Низоларни ҳал қилиш механизми томонидан мақуланиши ёки 90 кун ичида арбитраж ёрдамида ечилиши шарт. Агарда давлат бу оқилона вақт даври ичида муоммони бартараф эта олмаса у қарши томон билан икки томонга манфаатли шароитда ўзининг ички тарифларини пасайтирувчи компенсацияни белгилаш учун музокарага киришиши шарт. Агарда 20 кун ичида икки томонга хам қониқарли ечим топа олмаса ютган тараф Низоларни ҳал қилиш механизмидан совдо сотиқни чекловчи санкция сўраши ва Низоларни ҳал қилиш механизми бундай ечимни “оқилона вақт

⁵³ International Law and Dispute Settlement New Problems and Techniques Edited by Duncan French Matthew Saul and Nigel D White. The WTO Dispute Settlement Mechanism as a New Technique OXFORD AND PORTLAND, OREGON 2010, 176.

даври ” тугагандан 30 кун ичида консенсус сўрови кучга кирмаган холда бериши шарт.⁵⁴

Ҳалқаро оммавий ҳуқуқнинг БСТ шартномаларини тахлил қилишдаги аҳамияти. БСТнинг шартномаларини тахлил қилишда, савдо ва бошқа турдаги муносабатларга доир шартномаларни тахлил қилишда ҳалқаро оммавий ҳуқуқнинг қандай принциплари ва нормалари қўлланилиши лозимлиги нафақат БСТ доирасида, балки кенг ҳалқаро жамоатчилик даврсида ҳам муҳокама этилган. Pauwelyn⁵⁵ сингари бир қанча ҳалқаро ҳуқуқшунос олимлар БСТни Ҳалқаро оммавий ҳуқуқнинг бир бўлاغи сифатида тушуниш лозим деб таъкидласалар, Trachtman⁵⁶ сингари бошқа ҳуқуқшунослар нисбатан эхтиёткорона фикр билдиришмоқда.

Масалан, Trachtmanнинг фикрича “1994 йилги БСТ келишувидағи қатнашчилар ҳалқаро ҳуқуқнинг бошқа нормалари билан БСТниг мажбуриятларига доир муносабатларга эътиroz билдира олмайдилар”. У шу билан бирга БСТнинг Аппеляция органининг Hormones and Poultry низосига оид қарорига хавола ҳам қилиб ўтади. Ушбу ҳақида у шундай таъкидлайди “ҳалқаро суднинг нормаларини қўлланиш доираси одатда уларнинг мандатларининг амал қилиш доираси билан боғлиқ.

Низоларни ҳал қилиш органи билан боғлиқ масалада эса, унинг мандати аниқ ва бир неча бор БСТ қонуни билан “қамраб олинган шартнома ва келишувлар доирасида” деб чеклаб қўйилган. Шунинг учун БСТ панеллари ва аппеляция органи қўллаши мумкин хисобланадиган асосий ҳуқуқ бу БСТ қонуни хисобланади”. Аммо, БСТ Низоларни ҳал қилиш органи томонидан ҳалқаро оммавий ҳуқуқнинг исталган принципи ва нормаларини қўллаш имкониятини беради, агарда бу давлатларнинг манфаатига қарши бўлмаса.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки БСТ қонуни ва шартномалари ҳал қилиниши лозим бўлган низоларнинг барча муносабатларини қамраб олмаган. Шу сабабли 1969 йилги “Ҳалқаро шартномалар тўғрисида”ги конвенцияга асосланган холда БСТ, унинг панеллари ва аппеляция органи, БСТ қонуни ва шартномалари билан тартибга солинмаган низоларини ҳал қилиш учун ҳалқаро оммавий ҳуқуқ нормаларидан фойдаланишлари мумкин.

БСТ низоларни ҳал қилиш режимини тўлиқ йиғилган ҳуқуқлар жамланмаси деб олсақ, ҳалқаро оммавий ҳуқуқ БСТ Низоларни ҳал қилиш механизмида низоларни ҳал қилишда асосий ролни ўйнаши мумкин ва шундай бўлиши ҳам аниқ хисобланади. Масалан, БСТ панеллари, аппеляция органи ҳалқаро умумэътироф этилган нормаларни, ҳалқаро

⁵⁴ International Law and Dispute Settlement New Problems and Techniques Edited by Duncan French Matthew Saul and Nigel D White. The WTO Dispute Settlement Mechanism as a New Technique OXFORD AND PORTLAND, OREGON 2010, 179.

⁵⁵ J Pauwelyn, ‘The Role of Public International Law in the WTO: How Far Can We Go?’ (2001) 95 AJIL, 535–52.

⁵⁶ J Trachtman, ‘Conflict of Norms in Public International Law: How WTO Law Relates to Other Rules of International Law’ (2004) 98 AJIL, 855–61.

шартномаларни ва БМТ устави билан мустахкамланган принципларни талқин қила олмайди.

БСТнинг низоларни тартибга солиш механизми ҳалқаро ҳуқуқда янги бир эксперимент бўлган ва ўзи билан бирга ҳалқаро савдо муносабатларини тартибга солига доир янги методларни олиб кирган. Савдо ташкилоти сифатида, БСТ техник-савдо муносабатларни квазисудявий жихатдан тартибга солишга қаратилган яхши ташкилотдир, Низоларни ҳал қилиш органи ҳам етарлича яхши натижаларга эришган. Лекин, Низоларни ҳал қилиш органи БСТнинг мавжуд қонунлари доирасидан чиқиш ҳуқуқига эга эмас, шунинг учун кўпгина ривожланаётган давлатларнинг фикрича бу қонунлар камчиликлардан истисно эмас.⁵⁷ Шу сабабли Низоларни ҳал қилиш органи томонидан кўрилаётган низоларни, мустақил равишда объектив кўриб чиқиш, кенг маънода адолатни таъминлашдаги фаолияти ва тор маънодаги адолатни таъминлаш ҳамда мавжуд ҳукуқ нормалари йиғиндисидан фойдаланиш ва талқин этиш мустақил ҳамда эркин равишда амалга ошириши кўп шубҳаларга сабаб бўлади. Низоларни ҳал қилиш органига адолатни таъминлаш, шу жумладан кенг маънода ҳам, ҳамда, уни таъминланишини ривожлантирган холда реал ҳалқаро савдо суд мавқэида фаолият олиб бориши учун БСТнинг қоидаларига 2001 йилдаги Доха декларацияси мақсадаларидан келиб чиқиб ўзгартириш киритилмоғи лозим⁵⁸. БСТ хамма учун бирдек адолатли режимини ўрнатиши учун, Доха раунди доирасида савдо келишувлари декларациянинг инициативяси асосида асосий дунёнинг савдо муносабатларига киришадиган давлатларининг компромисслари топилмоғи лозим.

БСТ Доха раундини инкор этган холда, бошқа жиддий ва фундаментал муаммоларга ҳам эътибор бериши лозим, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини либераллаштириш, хизмат қўрсатиши секторини либераллаштириш, Низоларни ҳал қилиш органининг фаолиятини кенг омма учун маҳфий холда саклашда чекиниб, унинг ошкоралигини таъминлаши лозим. Хозирги кунда Низоларни ҳал қилиш органида кўрилаётган ишларнинг фақатгина якунланган хуросалари кенг омма учун очиқ хисобланади.⁵⁹

Низоларни ҳал қилиш органини бошқа бир аниқ йўл билан ҳам ривожлантириш мумкин. БСТ аъзо давлатларини ҳалқаро савдо қоидаларига риоя қилишига катта эътиборни жалб қилмасдан, Низоларни ҳал қилиш органи ўз ичига бошқа жазоловчи механизмларни ҳам олиши мумкин, мисол қилиб айтганда, жабрланган тарафга савдо чораларини таъминлашни БСТ аъзолари томнидан таъминлаб берилиши. Вахоланки,

⁵⁷ See for a detailed analysis of the difficulties within the WTO system, Oxfam, Rigged Rules and Double Standards: Trade, Globalisation, and the Fight Against Poverty (Oxford, Oxfam, 2002).

⁵⁸ WT/MIN(01)/DEC/1 of 20 November 2001.

⁵⁹ Аввал айтилганидек бу Доха раунди музокараларининг асосий кун тартибига киритилган масалаларидан бири бўлган, БСТни ривожлантиришга қаратилган. Ушбу масалага доир натижаларни ижобий ёки салбий якунланиши, умумий Доха раунди максадларини тўлиқ ёки кисман бажарилишига боғлиқ хисобланади.

БСТ низоларни тартибга солиш механизми хукуматлараро механизм бўлгани учун факат аъзо давлатларгагина мавжуд хисобланади, шу сабабли нодавлат ташкилотларга хам давлатлар устидан шикоят бериш хуқуқини бериш вақти келди деб хисоблаш мумкин. Аслида эса, БСТ томонидан кўп ҳолларда мажбуриятларни таъминлаш чораларини қўллашдаги асосий қурбонлар, нодавлат тузилмалар, компаниялар ва бошқа савдо субъектлари бўлмоқда, лекин, БСТнинг механизми уларга хеч қандай имконият бермаган ушбу масалага доир. Бундай чораларни қўлланиши жаҳонхамжайтида қониқарли деб хисобланийига олиб келмайди, чунки, ташкилотнинг асосий вазифаси ҳалқаро муносабатларни либераллаштириш, шаффоф қилиш ва демократлаштиришга қаратилган бўлса.

Трансмиллий компаниялар томонидан инсон хуқуқларининг бузилганлиги учун жавобгарликни тушунишга муқобил ёндошувлар.

1990 йиллардан бошлаб корпоратив ижтимоий жавобгарлик (КИЖ) концепцияси баракарор ривожланмоқда, бироқ анъанавий ҳалқаро арбитраж иш юритуви, яъни судлар, трибуналлар ва арбитражлар доирасида қабул қилинган модел сифатида эмас.

КИЖ терминини таърифлаш муарккаб вазифалигича қолмоқда, чунки кўп ҳолларда қарама қарши бўлувчи манфаатдор томонларнинг манфаатлари ва қарашларини қамраб олевчи бирорта ҳам оптимал таъриф мавжуд эмас.

Базавий даражада корпоратив ижтимоий жавобгарлик концепцияси термини орқали шуни тушуниш лозимки, барча корхоналар ижтимоий мажбуриятлар, хусусан, инсон хуқуқлари ва атроф мухит соҳасида ташқарига чиқувчи молиявий ва тижорат мажбуриятларига эга. Тарихан шундай шаклландики, КИЖга ёндошувни (одатда, ННТ ва қасаба уюшмалари) тартибга солувчи шартнома кўринишидаги қаттиқ қонунни ёқловчилар ва мажбурий бўлмаган ташқи чоралар ва ҳалқ-атвор кодексини қабул қилиш тарафдорлари ўртасида ҳар доим кескинлик бўлган⁶⁰.

Турли ўйинчилар сўнгти ўн йиллиқда КИЖ стандартлари асосида амалга ошириш ва қарор қабул қилиш учун муқобил механизmlарнинг хилма хилини яратиш ҳаракат қилишди ва натижада инсон хуқуқларига нисбатан тижоратни ёмон юритишга қарши чоралар асослари хилма хил, мувофиқ келмайдган ва мантиқсиз бўлди. Шунингдек, миллий даражада корпоратив жавобгарликни қўллашга йўналтирилган ҳаркатлар яхши хужжатлаштирилди, мисол сифатида АҚШнинг Хорижий фуқароларнинг деликт даъволари тўғирсидаги қонунни келтириш мумкин⁶¹.

Оқибат сифатида, БМТдаги, шунингдек бошқа ҳалқаро ташкилотлардаги (ОЭСР) Глобал шартнома куби муайян КИЖ

⁶⁰ See, eg H Ward, ‘Corporate Social Responsibility in law and policy’ in N Boeger, R Murray and C Villiers (eds), *Perspectives on Corporate Social Responsibility* (Cheltenham, Edward Elgar, 2008) 8–38.

⁶¹ Alien Tort Statute 28 USC 1330; see, eg Maria Aguinda et al v Texaco Inc 175 FRD 50 (US District Court, SD New York) (12 August 1997); John Doe et al v Unocal Corp 963 F Supp 880.

лойиҳалари, янги стратегияларни амалга ошириш ва корпоратив жавобгарликнинг ташвишлантирувчи масалалари бўлиб бормоқда.

Масалан, ОЭСР раҳбарияти учун миллий алоқа марказлари трансмиллий компанияларда катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

БМТ каби ОЭСР ҳам КИЖга нисбатан узоқ тарихга эга. ОЭСР томонидан 1976 йилда Кўпмиллатли корхоналар бўйича қўлланма яратилган. Қўлланма аъзо-давлатлар томонидан маъқулланган тавсияларни ўз иичига олади ва корпоратив субъектлар томонидан уларга риоя этилиши лозим. Буюк Британия хукумати мазкур принципларни “ягона, умумқамровли, кўп томонлама асосда маъқулланган кўпмиллатли корхоналар учун юриш туриш қоидалари” сифатида тушунтиради⁶². Принциплар юридик мажбурий эмаслигига қарамасдан, улар инсон хукуqlари масаласини аниқ назарда тутади.⁶³

Назорат саволлари:

1. Ҳалқаро иқтисодий хуқуқнинг замонавий интеграцион шароитда мақсади ва тамойиллари кандай?
2. Ҳалқаро иқтисодий битимлар ва шартномаларнинг ҳалқаро шартномаларга қўйилган талаблар доирасида жавоб бериши ва уларнинг турларини таърифланг.
3. Ҳалқаро савдо ва иқтисодий ташкилотлар, улар фаолиятининг хуқуқий асослари.
4. Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ бўйича жавобгарлик ва шу соҳадаги низоларни хал қилиш механизмлари нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. International Investment Law: A Handbook by Marc Bungenberg (Editor), Jorn Griebel (Editor), Stephan Hobe (Editor), August Reinisch (Editor). C.H.Beck, Hart, 2015.
2. International Law and Dispute Settlement New Problems and Techniques Edited by Duncan French Matthew Saul and Nigel D White. The WTO Dispute Settlement Mechanism as a New Technique OXFORD AND PORTLAND, OREGON 2010
3. Malcolm N. Shaw. International Law. New York, Cambridge University Press, 2008.
4. Weatherill Stephen. Cases and materials on EU Law. 10th edition. Oxford University Press, 2012.

⁶² Department for Business Enterprise and Regulatory Reform, www.berr.gov.uk/whatwedo/sectors/lowcarbon/cr-sd-wp/nationalcontactpoint/page45873.html. See also eg Statement by the United Kingdom National Contact Point (NCP) for OECD Guidelines for Multinational Enterprises: DAS Air, 17 July 2008, para 2.

⁶³ (Батафсил қаранг. 85-97 б. International Law and Dispute Settlement. New Problems and Techniques. Duncan French Matthew Saul and Nigel D White Oxford and Portland, Oregon. 2010.)

IV.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Ўқув машғулотларининг асосий турларидан ҳисобланган маъруза, семинар, назорат ишлари, лаборатория дарси, консультация ўтказиш кабилар қаторида амалий машғулотларни ўтказиш ҳам алоҳида ўринга эга ҳисобланади. У ўқув ҳамда касбий-амалий кўникмаларнинг шаклланишига замин яратади.

Амалий машғулотларнинг таркиби ва мазмуни унинг амалдаги дидактик мақсадларидан келиб чиқиб белгиланади: амалий кўникмаларни шакллантириш:

- касбий (келгусидаги касбий фаолиятида зарур бўлган муайян ҳаракатлар, операциялар бажариш);
- ўқув (ҳалқаро-ҳукуқий фанлар доирасида кейслар ёки казуслар ечиш), яъни келгусидаги ўқув жараёнида муҳим бўлган.

1) Давлат ҳокимиятини демократлаштириш шароитида парламент назоратини кучайтириш мавзусидан амалий машғулот топшириқлари.

Норматив-хуқуқий хужжатни шарҳлаш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган торшириқ.

Ишдан мақсад: Мавзусига оид қонунчиликни амалий аҳамиятини ошириш мақсадида тингловчиларга қонунларнинг муҳокамага сабабчи бўладиган нормаларини тарқатиш ва уларни шарҳлаш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Масаланинг қўйилиши: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади”.

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз? Олий вакиллик органи деган иборани изоҳланг.

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)

Ишни бажариш учун намуна: Тингловчи нормани шарҳлашда шарҳланиётган қонунчиликка оид бўлган амалдаги қонун ҳужжатлари, назарий маълумотлар ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Амалий машғулот топшириқлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига

юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назорати обьектидир.”

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)

2. Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, “Қонунчилик палатаси, Сенат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли”.

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)

3. Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин.

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)

Назорат учун саволлари:

1. Парламент назорати тушунчасига тавсиф беринг.
2. Парламент назорати обьектларини тушунтириб беринг.
3. Парламент назорати субъектларига тавсиф беринг.
4. Ўзбекистон Республикасида «Парламент назорати тўғрисида» ги Қонуннинг мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Хорижий мамлакатларда парламент назоратини амалга ошириш шаклларини тушунтириб беринг.
6. Мамлакатимизда парламент назоратини амалга оширишнинг қандай шакллари мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – 812 p.
2. Legislative Branch // Louisiana.gov. – Electronic data. Mode of access: http://louisiana.gov/Government/Legislative_Branch.
3. Legislative process: taking a Bill through Parliament. An overview of the process by which Bills become law [Electronic resource] // GOV.UK. <https://www.gov.uk/legislative-process-taking-a-bill>
4. Overview of Legislative Process // Official California Legislative Information. – <http://www.leginfo.ca.gov/bil2lawx>

5. Parliament and Democracy in the Twenty-first century: A Guide to Good Practice. Inter-Parliamentary Union, - Geneva. 2006
<http://www.ipu.org/PDF/publications/democracy>.

6. Parliamentary Control of National Parliaments in the European Union: Germany, Sweden and Hungary. IPSA World Congress 2014 Montreal. - 19-24 p.

7. Global parliamentary report. The changing nature of parliamentary representation. UNDP and IPU. - Denmark. - 123 p.
<http://www.undp.org/content/dam/undp/library/Democratic>.

8. Parliamentary control of defence and security sector in South east Europe. Karsten Mecklenburg DG External Policies, Policy Department. 2006. 19 p.

9. Dirk Peters, Wolfgang Wagner. The parliamentary control of European Security policy. European Parliament 2006. – 170 p.
<http://www.arena.uio.no>

2) “Давлат бошқаруви муносабатларини модернизациялаш шароитида маъмурий процедураларни тартибга солиш” мавзусидан амалий машғулот топшириклари.

Норматив-хуқуқий хужжатни шарҳлаш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган торшириқ.

Ишдан мақсад: Мавзусига оид қонунчиликни амалий аҳамиятини ошириш мақсадида тингловчиларга қонунларнинг муҳокамага сабабчи бўладиган нормаларини тарқатиш уларни шарҳлаш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Масаланинг қўйилиши: Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, Давлат органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш давлат органининг раҳбари ёхуд бошқа ваколатли шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида маҳсус таркибий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин, қабул учун масъул бўлган мансабдор шахслар белгиланади.”

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)

Ишни бажариш учун намуна: Тингловчи нормани шарҳлашда шарҳланиётган қонунчиликка оид бўлган амалдаги қонун хужжатлари, назарий маълумотлар ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Амалий машғулот топшириклари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, “Давлат органига келиб тушган мурожаатлар шу орган томонидан ёки унинг мурожаатларни кўриб чиқиши бўйича мажбуриятлар зиммасига юклатилган мансабдор шахси томонидан кўриб чиқилади..”

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)

2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, “Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти ёхуд унинг хуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни ичida ваколатли органга рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.”

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)

Назорат саволлари:

1. Маъмурий процедуралар тушунчасига тавсиф беринг.
2. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедураларнинг ҳолати қандай?
3. Ўзбекистон Республикасида «Маъмурий» процедуралар тўғрисида»ги Конун лойиҳасининг мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, маъмурий процедураларга тавсиф беринг.
5. Ўзбекистон Республикасида қайси қонуларда маъмурий процедураларнинг белгилари мавжуд.
6. Маъмурий процедураларнинг ижобий томонларига тавсиф беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Э.Хожиев. Т.Хожиев Маъмурийхуқук. Дарслик. Т.,2006.
2. A W Bradley and K D Ewing. Constitutional law and administrative law, Great Britan 2011.

3) Демократик ислоҳотлар шароитида давлат хизматини ислоҳ қилиш мавзусидан амалий машғулот топшириклари.

Норматив-хуқуқий хужжатни шарҳлаш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган торшириқ.

Ишдан мақсад: Мавзусига оид қонунчиликни амалий аҳамиятини ошириш мақсадида тингловчиларга қонунларнинг муҳокамага сабабчи бўладиган нормаларини тарқатиш ва уларни шарҳлаш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Масаланинг қўйилиши: Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, Давлат органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш давлат органининг раҳбари ёхуд бошқа ваколатли шахс томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида маҳсус таркибий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин, қабул учун масъул бўлган мансабдор шахслар белгиланади.”

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)

Ишни бажариш учун намуна: Тингловчи нормани шарҳлашда шарҳланиётган қонунчиликка оид бўлган амалдаги қонун хужжатлари, назарий маълумотлар ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Амалий машғулот топшириклари:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига мувофик, “Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш чоғида давлат ҳокимияти вакили ҳисобланадилар. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг солиқ ҳақидаги қонун хужжатларига риоя қилиш хусусидаги талаблари барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт”

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)

2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунга мувофик, “Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибида амалга оширилади.”

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)

Назорат саволлари:

1. Давлат хизмати тушунчасига тавсиф беринг.
2. Давлат хизмати турларини тушунтириб беринг.

3. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматига оид қандай қонунларни биласиз. Уларга тавсиф беринг.

4. Ўзбекистон Республикаси «Давлат хизмати тўғрисида»ги Конун лойиҳасининг мазмун моҳиятини тушунириб беринг.


5. Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати муносабатларида қандай муаммолар мавжуд. Уларга тушунириш беринг.

6. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматига оид муаммоларни ечиш йўлларини хорижий мамлакатлар мисолида асослаб беринг.


Фойдаланилган адабиётлар :

1. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. – Т.: Konsauditinform-nashr. 2012.
2. A W Bradley and K D Ewing. Constitutional law and administrative law, Great Britan 2011
3. Steffen Detterbeck. Allgemeines Verwaltungsrecht: mit Verwaltungsprozessrecht. 2013.
4. Peter Leyland, Gordon Anthony. Administrative Law. Seventh Edition, 2012.

**Давлат-хуқуқий фанларга оид мавзулар доирасида амалий машғулот топшириклари учун
ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР:**




Парламент функцияларини қиёсланг











4) Ҳалқаро шартномалар ҳуқуқи мавзусидан амалий машғулот топшириқлари.

Ҳалқаро шартномалар ҳуқуқи доирасида норматив-ҳуқуқий хужжатни шарҳлаш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган торширик.

Ишдан мақсад: Ҳалқаро шартномалар ҳуқуқи мавзусига оид Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари ҳамда унга оид қонунчиликни амалий аҳамиятини таҳлил қилиш ҳамда ошириш мақсадида тингловчиларга ҳозирги кунга қадар қабул қилинган ҳалқаро шартномалар ва уларга оид қонунларнинг муҳокамага сабабчи бўладиган нормаларини тарқатиш ва уларни шарҳлаш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Масаланинг қўйилиши: Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро шартномаларини имзолашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласлиқ, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланишини назарда тутиш керак.

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз? Мазкур қоидадаги принципларни изоҳлаб беринг.

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)

Ишни бажариш учун намуна: Тингловчи нормани шарҳлашда шарҳланиётган 1969 йилдаги Ҳалқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига оид бўлган амалдаги қонун ҳужжатлари, назарий маълумотлар ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Амалий машғулот топшириқлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари тўғрисида”ги 1995 йил 22 декабрдаги 172-I-сонли Қонунининг 7-моддасига мувофиқ,

“Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларини тузиш ҳуқуқи давлатга тегишлидир.

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари қўйидагича тузилади:

Ўзбекистон Республикаси номидан — давлатлараро шартномалар;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан — ҳукуматлараро шартномалар;

Ўзбекистон Республикаси вазирларни ва идоралари номидан — идоралараро шартномалар.”

Мазкур модда қоидаларидан келиб чиқиб сиз ҳалқаро шартномаларни тузиш ваколати мавжуд бўлган ҳар бир ҳолатни шарҳланг?
(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда эссе ёзиш)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 февралдаги “Ҳалқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-2486-сон Қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида иккиёклама солик солинишига йўл қўймаслик ҳамда даромад солиқлари тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисида 1995 йил 22 майдаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақида 2015 йил 17 ноябрда Тошкент шаҳрида имзоланган Протокол тасдиқлан. Мазкур Қарорнинг 2-бандига кўра “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур ҳалқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-таомиллари бажарилгани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин” дейилган.

Мазкур қоидага кўра Ташқи ишлар вазирлиги қандай чоратадбирларни кўриши назарда тутилади?

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда эссе ёзиш)

Назорат саволлари:

1. Ҳалқаро ҳуқуқнинг умумтан олинган принципларининг ҳалқаро шартномалар ҳуқуқининг маҳсус принципларига алоқадорлиги нимада?

2. 1969 йилги Вена Конвенцияси ҳалқаро шартномалар ҳуқуқининг асосий манбаси сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро шартномаларининг ўзига хос ҳусусиятлари қандай?

3. Давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар номидан ҳалқаро шартномаларни тузишга ваколатли бўлган органларни санаб беринг.

Фойдалнилган адабиётлар:

1. **Malcolm N. Shaw.** International Law. New York, Cambridge University Press, 2008.
2. **Лукашук И.И.** Современное право международных договоров. Том II. Действие международных договоров. - М.: Волтерс Клювер, 2004
3. **Умарахунов И.М.** Международная договорно-правовая практика Республики Узбекистан. – Т., 2003.

5) Европа ҳуқуқи мавзусидан амалий машғулот топшириқлари.

Европа ҳуқуқи доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни шарҳлаш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган торшириқ

Ишдан мақсад: Европа Иттифоқи ҳуқуқи ва интеграциясига оид Европа давлатлари қонунчилиги мисолида амалий аҳамиятини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш мақсадида тингловчиларга Европа Иттифоқи механизми ва Европа ҳамжамияти давлатлари томонидан қабул қилинган Европа стандартлари, уларни такомиллаштириш бўйича давлатларнинг ички қонунларининг муҳокамага сабабчи бўладиган материалларни тарқатиш ва уларни шарҳлаш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Масаланинг қўйилиши: Маастрихт шартномаси Европа иқтисодий интеграциясини сиёсий интеграцияга айлантириш йўлида асосий қадам бўлди. Мазмунига кўра, эндиликда, Иттифоқнинг 3 та пойдевори вужудга келган эди:

- 1) Европа ҳамжамиятлари (EX);
- 2) Умумий ташқи ва хавфсизлик сиёсати (УТХС);
- 3) Адлия ва ички ишлар соҳаларида ҳамкорлик (АИИ).

Уларнинг фаолиятини қандай шарҳлайсиз? Улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар Европа Иттифоқи мамлакатлари учун қай даражада юридик кучга эга?

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)

Ишни бажариш учун намуна: Тингловчи нормани шарҳлашда шарҳланиётган 1992 йил 7 февралда имзоланган Маастрихт шартномаси ва Европа Ягона ҳужжати 1987 йил 1 июлдан кучга кирган ҳамда уларнинг Европа доирасидаги қонунчилик актларининг, минтақавий шартномаларига оид бўлган амалдаги қонун ҳужжатлари, назарий маълумотлар ва Европа мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Амалий машғулот топшириқлари:

1. Европа ҳамжамиятлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида амал қилиб келаётган Шартноманинг 78-79-моддалари томонлар орасида Ҳамкорлик кенгашини таъсис этади ва унинг вазифаларини белгилайди. Унга мувофиқ, Ҳамкорлик кенгashi “ушбу битимнинг бажарилиши устидан кузатувни амалга оширади”. У мазкур битим доирасида ёки унинг мақсадлари билан алоқадор бўлган ҳар қандай ҳалқаро масалаларни кўриб чиқади ҳамда зарурат туғилган ҳолларда тавсиялар бериб боради.

Мазкур модда қоидаларидан келиб чиқиб сиз Ҳамкорлик кенгашининг ваколатларидан келиб чиқиб, фаолиятини қандай баҳолайсиз?

(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда эссе ёзиш)

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Европа Иттифоқи билан Европа Атом Энергияси Ҳамжамияти ўртасидаги 2011 йил 24 январь, Брюссельда имзоланган “Ўзбекистон Республикасида Европа Иттифоқи делегациясини таъсис этиш унинг имтиёzlари ва иммунитетлари тўғрисида” Битимнинг З-моддасига асосан Делегация, унинг Раҳбари ва ходимлари, шунингдек улар билан бирга яшаётган оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1961 йил 18 апрелдаги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенциясида белгиланган ва тегишлича, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, уларнинг раҳбарлари, ходимлари ва шунингдек улар билан бирга яшаётган оила аъзоларига бериладиган ҳуқуқ, имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларга эга бўлишлари, 1961 йил 18 апрелдаги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенциясининг бошқа қоидалари эса ***mutatis mutandis*** шарти билан қўлланилиши, шунингдек ушбу модданинг бандларида кўrsatilgan ҳуқуқ, имтиёз ва иммунитетлар Европа Иттифоқи тўғрисидаги Шартномага, Европа Иттифоқининг фаолияти тўғрисидаги Шартнома ҳамда Европа Атом Энергияси Ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги Шартномага илова қилинган Европа Иттифоқи имтиёzlари ва иммунитетлари тўғрисидаги 7 Протоколнинг 16 - моддаси қоидаларига мувофиқ, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар Ўзбекистон Республикасининг Миссияси, унинг Раҳбари ва ходимлари ва шунингдек улар билан бирга яшаётган оила аъзоларига худди шу ҳуқуқ, имтиёз ва иммунитетларни тақдим этилиши шарти билан қўлланилиши белгилаб ўтилган.

Ушбу қоидаларга кўра Европа Иттифоқининг мақомини ҳалқаро ташкилот даражасида кўрилмоқдами?

Мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёsat принциплари ҳамда дипломатик ходимларнинг фаолиятини тартибга солиш бўйича нормаларга қай даражада мос келади?

(Гурӯҳларга бўлинниб тақдимот кўринишида топшириқни бажариш)

Назорат саволлари:

1. Европа Иттифоқига аъзолик шартлари ёки Копенгаген мезонлари қандай мезонлар?
2. Европа Иттифоқи Европа ҳамжамиятларидан қандай асосларга кўра фарқланади?
3. Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари ҳуқуқининг миллий ҳуқуқка нисбатан мақомини аниqlанг.

Фойдаланнилган адабиётлар :

1. Bermann G. European Community: Casebook Supplement, West Group, 2004.
2. Lori F.Damrosch, L. Henkin. International Law: Cases and Materials, et.al., 4th Edition, American casebook series, west group, St. Paul, Minn., 2001, 1658 pp.
3. Malcolm N. Shaw. International Law. New York, Cambridge University Press, 2008.
4. Michel E. Smith. Europe's Foreign and Security Policy. Cambridge University Press, New York, 2004. -267 pp.
5. The European Union in the world system perspective, Collection by R.Stempowski. - Warsaw, 2009. – P. 42-196.
6. Weatherill Stephen. Cases and materials on EU Law. 10th edition. Oxford University Press, 2012.

6) Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ мавзусидан амалий машғулот топшириқлари.

Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ доирасида норматив-ҳуқуқий хужжатни шарҳлаш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган торширик.

Ишдан мақсад: Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ ва ҳозирги замон иқтисодий интеграциялашуви жараёнида Ҳалқаро иқтисодий ташкилотларнинг роли ва ўрни, Ҳалқаро иқтисодий ташкилот ҳисобланмиш Бутунжаҳон савдо ташкилоти мисолида аъзо-давлатлар иқтисодий ҳамкорлигининг амалий аҳамиятини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг тингловчиларнинг малакасини ошириш мақсадида БСТ ва ҳалқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо давлатлари томонидан қабул қилинган стандартлари, уларни такомиллаштириш бўйича давлатларнинг ички қонунларининг муҳокамага сабабчи бўладиган материалларни тарқатиш ва уларни шарҳлаш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Масаланинг қўйилиши: БМТнинг Савдо ва ривожланиш конференцияси (ЮНКТАД) ўзининг 1967 йилги 2 сессиясида Бош Ассамблеяга унинг таъсис дастурига аъзо давлатларга нисбатан иқтисодий санкцияларни қўллашга руҳсат берувчи қоидани киритишни сўраб мурожаат қилди. ЮНКТАД ЖАРни апартеид сиёсатини олиб боргани учун ўз сафидан чиқаришни режалаштираётган эди. Бош Ассамблея бунга ойдинлик киритиш мақсадида юридик қўмитага мурожаат қилди.

БМТнинг иқтисодий ва молиявий ихтисослаштирилган муассасалари мақомининг ўзига хослиги нимада ва уларнинг БМТ билан ўзаро муносабати қандай? Бундай чоралар Бутунжаҳон савдо ташкилоти томонидан амалга оширилиши мумкинми?

(Гурухларга бўлинниб тақдимот кўринишида топшириқни бажариш)

Ишни бажариш учун намуна: Тингловчи мазкур ҳолатга баҳо беришда ҳамда вазиятга баҳо беришда БМТнинг 1945 йилдаги Устави, Бош Ассамблеянинг “Ҳалқаро ва савдо ва ривожланиш” Докладлари, Бутунжаҳон савдо ташкилотининг тўртинчи конференциясида қабул қилинган Доха декларацияси (Доха, Қатар, 2001 йил 9–13 ноябр), 1947 ва 1994 йилда имзоланган Товарлар ва тарифлар бўйича Бош келишув ҳамда Бутунжаҳон савдо ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Келишув ва уларнинг БСТга аъзо далатлар доирасида қонунчилик актларининг, амалдаги қонун ҳужжатлари, назарий маълумотлар ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Назорат саволлари:

1. Ҳалқаро иқтисодий битимлар ва шартномаларнинг ҳалқаро шартномаларга қўйилган талаблар доирасида жавоб бериши ва уларнинг турларини таърифланг.

2. Ҳалқаро савдо ва иқтисодий ташкилотлар, улар фаолиятининг хуқуқий асослари.

3. Ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ бўйича жавобгарлик ва шу соҳадаги низоларни ҳал қилиш механизмлари нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Brownlie Ian. Principles of Public International Law. – Oxford, 2001. -744 pp.

2. Buergenthal T., Murphy S. Public International Law, Nutshell series, Printed in USA, 2002, 388 pp.

3. Dunoff, Ratner, Wippman. International Law: Norms, Actors, Process. A Problem-Oriented Approach, Aspen Law and Business, 2002, NY, 1018 pp.

4. Malcolm N. Shaw. International Law. New York, Cambridge University Press, 2008.

5. Weatherill Stephen. Cases and materials on EU Law. 10th edition. Oxford University Press, 2012.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси 2016 йил 2 чорак апрель ойидаги навбатдаги мажлиси кун тартибига Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ижросини муҳокама қилишни қўйди. Тегишли тартибда мутасадди ташкилотларга сўровлар юборилди.

Аммо қўмита депутатлари олинган маълумотлар асосида мазкур қонун ижросини муҳокама этиб бўлмайди деган хulosага келишди ҳамда қайта сўров юборилди. Аммо сўровга тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан мазкур маълуотлар парламент назорати обьектига кирмайди деган важ кўрсатилган жавоб хати олинди.

Савол: *Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг ҳамда таҳлил қилинг.*

2-кейс

Ўзбекистон Республикаси парламенти Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган чет эл “ЭЛБРУС” инвистиция ташкилотининг баъзи молиявий ишларини қузатиб борди ва унинг фаолиятида жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланди. Шунинг учун парламент сўрови асосида хорижий фирмадан молиявий ҳисоб китоблар ва пул ўтказмалари тўғрисида барча маълумотларни беришни талаб қилди.

Аммо хорижий ташкилот бу ҳаракатлар қонунга зид эканлигини такидлаб, бу борада парламент назорати ваколатларига кирмаслигини билдириди.

Савол: *Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Парламент сўровининг доирасини белгилаб беринг. “ЭЛБРУС” инвистиция ташкилотининг раддияси қонунчилик ҳужжатларига қанчалик мувофиқ?*

3-кейс

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Навоий вилояти Нурота туманининг бир гурух фуқаролари томонидан туманинг айrim ҳудудларида ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тизими умуман ишдан чиққанлиги бўйича шикоят келиб тушди. Сенат раиси мазкур масалани тегишли қўмитага ўрганиб чиқиш ва тегишли чора кўриш учун топширди. Тегишли қўмита мазкур масала ижро ҳокимияти ваколатига тегиш эканлиги боис уни кўриб чиқиш учун вилоят ҳокимлигига юборди.

Савол: *Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати вазифалари нимадан иборат бўлиши лозим?*

4-кейс

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фарғона вилоятидаги давлат органлари тизимидағи ижросини ўрганиш яқунларига бағишлиланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси бўйича назорат-таҳлил тадбирини амалга ошириш давомида Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вазирликнинг Тошкент шаҳар ва Фарғона вилояти бошқармаси, вазирлик тасарруфидаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, Фарғона вилояти ва Олтиариқ тумани ҳокимияти ҳамда “Ўзстандарт” агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси фаолияти ўрганилганлиги қайд этилиб унинг натижалари муҳокама этилди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан бирга ахборот соҳасининг мутахассислари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат ишчи гурухининг аниқлашича, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунни амалиётга тадбиқ этиш борасида бир қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидланди.

Қўмита йиғилиши якуни бўйича қабул қилинган қарорда бир қатор ижро ҳокимияти органларига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича мажбурият юклади.

Савол: *Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Мазкур ҳолатда ҳокимиятлар бўлинини принципини қўллаш механизмини таҳлил қилинг.*

5-кейс

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги 1446-сонли Қарорида кўзда тутилган Ўзбекистон миллий автомагистрали ёқасида инфраструктура ва сервис обьектларини қуришни мақсадли параметрларининг (Бухоро-Қарши-Ғузор-Термиз участкасида) бажарилиши ҳақидаги Кўмитанинг 2013 йил 24 майдаги 17-сонли қарорининг ижросини ўрганиш натижалари яқунларига бағишлиланган йиғилиш ўtkазилди. Йиғилишда Кўмитанинг қарори билан мутасадди ташкилотлар иштирокида йўл қўйилган камчиликларни танқидий муҳокама қилиш ва чора-тадбирлар белгилаш вазифаси кўрсатилган бўлишига қарамасдан Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида Кўмита қарори тегишли ташкилотлар иштирокида муҳокама қилинмаган ва чора-тадбирлар белгиланмаганлиги қайд этилди.

Натижада, тегишли мансабдор шахслар маъсулиятсизлиги оқибатида Сурхондарё вилоятида 18 та инфраструктура ва сервис объектларидан 4 таси фойдаланишга топширилган, Бухоро вилоятида эса бугунги кунда тўлиқ фойдаланишга топширилиши керак бўлган жами 18 та объектдан атиги 3 таси фойдаланишга топширилган.

Таъкидландики, инфраструктура ва сервис объектларидан қурилишлари параметрларининг бажарилмаслиги ҳолатларига асосан вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан тадбиркорлик субъектлари тўғри танланмаганлигига, тадбиркорлар томонидан ишларни тўғри ташкил этилмаганлигига ва уларнинг молиявий имконияти етмаганлигига қарамасдан мутасадди ташкилотлар томонидан кредит масалалари ўз вақтида ҳал этилмаганлигига ҳамда буюртмачилар томонидан тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш ишлари кечиктирилганлиги сабаб бўлаётганлиги таъкидланди. Йиғилишда мазкур йўл қуйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Савол: *Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Мазкур ҳолатда қўмита қарорларини самарали ижро этиши механизмини таҳлил қилинг.*

6-кейс

Туман давлат божхона бошқармаси бошлиғи Исмоилов Б. ўринбосари Қодиров Д.ни давлат мукофотига тавсия қилди. Мазкур ташкилотда ишлайдиган бўлим бошлиғи Усмонов А. бошқарма бошлигининг мазкур қарори қонуний эмас деб ҳисоблаб ўз эътирозини билдириди. Чунки у мазкур ташкилотда 25 йилдан бери ишлашини ва тажрибаси Қодиров Д.дан юқори эканлигини билдириди. Бошқарма бошлиғи Исмоилов Б. бундай қарорни ўзи мустақил қабул қилишини агар норози бўлса ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиши мумкинлиги ҳақида кескин жавоб берди.

Савол:

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг. Туман давлат божхона бошқармаси бошлиғи Исмоилов Б.нинг ҳаракатларини ҳуқуқий таҳлил қилинг.

7-кейс

Вилоят Статистика бошқармаси ходими И. Ахмедов ўз аризасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқди. Ушбу ҳаракатдан хабар топган Статистика бошқармаси бошлиғи у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилди. И. Ахмедов бошқарма бошлиғи уни асосиз равишда ишдан бўшатганлигидан норози бўлиб судга шикоят қилди.

Савол:

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг. Статистика бошқарма бошлигининг ҳаракатларини ҳуқуқий таҳлил қилинг.

8-кейс

2014 йил сентябрь ойида туман ҳокими лавозимига тайинланган Б. туман худудида янги қўшма корхона қуриш масаласини ҳал қилиш учун бир йил олдин олган рухсатнома ёзуви стикери асосида Германия давлатига чиқиб келди. Қайтиб келгандан сўнг, унга нисбатан маҳсус келишувсиз чет элга чиқиб келиш қоидасини бузган деб топилиб маъмурӣ жавобгарлик белгиланди. Туман ҳокими давлат хизматчиси ҳисобланишини ҳамда давлат хизмати муносабати билан чет давлатига чиққанлигини асос қилиб судга шикоят билан чиқади.

Савол:

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг. Туман ҳокимининг ҳаракатларини ҳуқуқий таҳлил қилинг.

9-кейс

2014 йилнинг июнь ойида «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ бош директори Д.Йўлдошев ўриндошлиқ асосида Тошкент шаҳрида жойлашган мактаблардан бирига директор ўринбосари лавозимига тайинланади. 2014 йилнинг сентябрь ойида мактаб фаолияти билан боғлиқ масала бўйича чет элга бориш мақсадида 2 йил мобайнида амал қиласиган рухсатнома ёзуви стикери расмийлаштириш учун Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Кириш-чиқиши ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига мурожаат қиласиди. Бошқарма ходими Д.Йўлдошевни чет элга чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан маҳсус келишувни талаб қиласиди. В.Комилов чет элга «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ фаолияти билан боғлиқ масаласи бўйича эмас, балки мактаб фаолияти билан боғлиқ масала бўйича кетаётганлигини таъкидлайди.

Савол:

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ бош директори Д.Йўлдошевнинг ҳаракатларини ҳуқуқий таҳлил қилинг.

10-кейс

Фуқаро Содиков Н. иш билан таъминлашларини сўраб бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат этди. Марказ Содиков Н.нинг мутахассислиги ва қизиқишига мос келувчи иш таклиф қиласиди ва Содиков Н. га бўш иш ўрни мавжуд бўлган, йўлланмада кўрсатилган муассасага боришига тайинлади. Содиков Н. йўлланма бўйича тегишли муассасага боргандага муассаса раҳбари Исломов Б. ҳозирча иш билан таъминлай олмаслигини, Содиков Н ни кадрлар захирасига жойлаши мумкинлигини айтиб, турли баҳоналар билан уни қайтариб юборади.

Савол:

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг

11-кейс

2014 йил 10 сентябрь куни фуқаро Содиқов Д. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани солиқ инспекцияси томонидан мол-мулк солиғини тўлаш тўғрисида тўлов хабарномасини олди. Фуқаро тўлов хабарномасида назарда тутилган 110 000 (бир юз ўн минг) сўм солиқ суммасини ўз вақтида хабарномада кўрсатилган микдорда тўлади. 2014 йил 22 сентябрь куни фуқаро Содиқов Д. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани солиқ инспекциясига иш жойига тақдим этиш учун мол-мулк солиғидан қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани олгани борганда солиқ суммасини 23 000 (йигирма уч минг) сўм кўпроқ тўлагани маълум бўлди. Мазку ҳолат бўйича фуқаро солиқ органига мурожаат қилди. Солиқ органи бунга сабаб сифатида тўлов хабарномасида солиқ суммаси солиқ инспекцияси ходимининг эътиборсизлиги туфайли ошириб кўрсатилганлигини, ортиқча тўланган солиқ суммасини фуқаро Д. томонидан 2015 йил учун тўланадиган мол-мулк солиғи сифатида ўтказиб юборилишини маълум қилди. Лекин, фуқаро Содиқов Д. 2015 йилда ўзига тегишли бўлган мол-мулкларни сотиб юбориши мумкинлигини айтиб, ортиқча тўланган солиқ суммасини зудлик билан унга қайтариб берилишини талаб қилди.

Савол:

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

12- кейс

“Камол” фирмаси озиқ-овқат моллари сотишга ихтисослаштирилган савдо комплексини қуришни режалаштирди. Савдо комплексини қурилишининг электро монтаж босқичига келганда лойиҳалаш ва электро монтаж ишларини амалга ошириш учун жалб қилинган “SOFT” пудратчи фирмаси обьектнинг энергия таъминоти лойиҳа (қуввати 10 кВтдан ортиқ)сига хulosса олиш учун 2014 йил 21 сентябрь куни ариза (бошқа талаб этилган ҳужжатлар билан бирга) билан «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг худудий бўлимига мурожаат қилди. Ариза қабул қилингандан 12 кун ўтишига қарамасдан «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг худудий бўлими хulosса бермади. “SOFT” пудратчи фирмаси директори мазкур ҳолат бўйича 2014 йил 4 октябрь куни «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг худудий бўлими масъул шахсини лойиҳани тасдиқлатмаган ҳолда қуришни монтаж ишларини амалга оширишни бошлашлиги тўғрисида огоҳлантириди ва монтаж ишларини бошлаб юборди. Савдо комплекси бир ойдан сўнг тўлиқ битказилди. “Камол” фирмаси раҳбари электр ўлчагич ўрнатиш ва истеъмолчи сифатида рўйхатга олиш бўйича тегишли органга мурожаат қилди. Лекин, ваколатли орган савдо комплексини монтаж ишлари Ўздавэнергоназорат»

инспекциясининг худудий бўлими томонидан тасдиқланмаган лойиҳа асосида амалга оширилганигини асос қилиб, мурожаатни рад этди.

Савол:

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

13-кейс

2014 йил 20 март куни фуқаро Рашидов К. нафақа ёшига етгани муносабати билан туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилди. Ижтимоий таъминот масъул ходими фуқаро Рашидов К.га олиб келиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатини тақдим қилди. 2014 йил 10 май куни фуқаро Рашидов К. талаб этилган ҳужжатларни йиғиб келди ижтимоий таъминот бўлими ходимига тақдим қилди. Ходим керакли ҳужжатларни қабул қилиб олгач фуқаро Рашидов К. га бир ойдан кейин келишини айтди. Шу орада Рашидов К. оғир бетоб бўлиб қолди ва икки ой давомида даволанишга тўғри келди. Икки ойдан сўнг туман ижтимоий таъминот бўлимига келди. Бўлим ходими фуқаро кечикканлиги туфайли яна бир ойдан кейин келишини айтди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

14-кейс

Тошкент шахри Олмазор туманида яшовчи фуқаро Комилов К. ўзига қарашли ер участкасида 6 хонадан иборат тураг-жой биноси қурди. Орадан 10 йил ўтгач фуқаро Комилов К.нинг ҳовлиси жойлашган худуддан автомобиль магистрал йўли қуриш лойиҳаси давлат дастурига киритилди. Мазкур ҳолат бўйича ҳокимият вакили фуқаро Комилов К.га қарашли ер ўрнига бошқа ер берилишини, уй-жой қуриш учун эса маблағ берилмаслигини таъкидлаб ўтди. Бундан норози бўлган фуқаро Тошкент шахри Олмазор туман ҳокимиятига уй қуриш учун маблағ таъминлаш юзасидан мурожаат қилди. Туман ҳокимияти масъул ходими мурожаатни асосиз деб топиб, сабаб сифатида уйнинг қурилиши рухсатсиз амалга оширилганини маълум қилди.

Савол:

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг. Фуқароларнинг ўзларига тегишили ер участкасида бино қуриши учун рухсат берииш ва давлат еҳтиёжлари учун фуқароларга тегишили бўлган ер участкаларини олиб қўйиш тартибини белгиловчи процедураларни (хорижий мамлакатлар мисолида) таҳлил қилинг ва тақомилаштириши юзасидан тақлиф-мулоҳазалар билдиринг.

15-кейс

Инсон хуқуқлари соҳасидаги кўп томонлама ҳалқаро шартнома кучга кирди. Ҳалқаро мажбуриятларни олиш учун у давлатлар томонидан ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрликлари БМТ Бош котибига сақлаш учун топширилади. Шартнома унда иштирок этиш учун “барча давлатларга” ёки “ҳар бир давлатга” очик эди.

Маълумки, “барча давлатларга” ёки “ҳар бир давлатга” формуласи кўп томонлама ҳалқаро шартномаларда улар универсал характерга эга бўлиши мақсадида қўлланилади. Янги мустақил А давлат шартнома бўйича ҳалқаро мажбуриятларни олиш учун ратификация ёрлигини депозитарийга топширди. Аммо, БМТ Бош котиби А давлатнинг ратификация ёрлигини сақлаш учун қабул қилишни рад этди.

Савол: *Казус мазмунидан келиб чиққан ҳолда, суверен давлат сифатида мақоми аниқ бўлмаган муайян ҳудуд ёки тузилма ҳалқаро шартномада иштирок этиши мумкинлигини аниқланг. Мана шундай ҳолатларда Бош котибнинг депозитарий сифатидаги функцияларини амалга ошириши амалиёти қандай?*

16-кейс

Кўп томонлама ҳалқаро келишув БМТнинг Нью-Йоркдаги Марказий муассасаларида барча давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар томонидан имзоланиши учун очик эди.

Ҳалқаро келишувда ҳалқаро ташкилотларнинг унда иштирок этишини назарда тутувчи қоида мавжуд эди. Аммо, Ҳалқаро келишувда қандай ташкилотлар иштирок эта олиши кўрсатилмаган ва мана шундай ташкилотлар эга бўлиши керак бўлган ваколат ва хусусиятлари аниқ рўйхати келтирилмаган эди.

Ҳалқаро ташкилотлардан бири мазкур келишувда иштирок этишга қарор қиласди. Аммо, депозитарий ушбу ташкилотнинг қўшилиш ҳақидаги аризасини қабул қилишни рад этади ва рад этишни ташкилотнинг барча аъзолари ҳам мазкур келишув иштирокчиси ҳисобланмаслиги билан асослайди.

Савол: *Депозитарийнинг рад этиши асослами? Ҳалқаро ташкилотларнинг ҳалқаро шартномаларда иштирок этиши имкониятлари чегараси мавжудми?*

17-кейс

1999 йилда А давлат Б давлат билан Савдо ҳамкорлиги тўғрисидаги бош пактни имзолайди, 2000 йилда Савдо ва денгизда сузиш тўғрисида шартнома имзоланади. Мазкур шартномаларнинг айрим қоидалари бир бирига зид ҳисобланади. Б давлат 1999 йилги шартноманинг юқори юридик кучга эгалиги унинг номидан келиб чиқаётганлигига хавола этиб, мана шундай зиддиятли холатларда унинг қоидаларини қўллашни талаб киласди.

Савол: *Б. давлатнинг далиллари (фикрлари)га ҳуқуқий баҳо беринг. Мазкур ҳолатда низо қандай ҳал этилиши мумкин?*

18-кейс

Миллий озчиликка мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисидаги конвенцияни имзолаш вақтида А давлат ўзининг алоҳида фикрини ёзиб қўйди. Унга кўра “А давлат “Миллий озчиликка мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида”ги конвенцияда А давлатнинг Конституцияси ва миллий қонунчилигига зид келмайдиган даражада иштирок этади”. Б давлат ҳам “Б давлатнинг қонунчилигини ҳисобга олган ҳолда” Конвенция қоидаларини қўллаши ҳақида оговорка киритди.

Савол: *Мазкур ҳолатга юридик нуқтаи назардан баҳо беринг.*

19-кейс

